

67-99(2)91 ✓
17-88

Б. Х. Пўлатов

ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ




Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Қонунчиликни
мустахкамлаш муаммолари ва прокурор – тергов ходимлари
малакасини ошириш Маркази ва Тошкент Давлат юридик институти

Б.Х.Пўлатов

ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

Ўқув қўлланмаси



Тошкент
© "Ҳуқуқ ва бурч" журнали 2006

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор – тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази ва Тошкент Давлат юридик институти Ўқув-услубий Кенгаши қарорлари билан тавсия этилган

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари адлия катта маслаҳатчиси **К.С.Исмоиловнинг** умумий таҳрири остида.

Маъсул муҳаррир: юридик фанлари доктори, профессор Ф.Ю.Шодманов.

Тақризчилар:

юридик фанлари доктори, профессор М.Х. Рустамбаев.
юридик фанлари доктори, Ф.Х.Рахимов.
юридик фанлари номзоди, доцент А.Ж.Давлетов.

Мазкур ўқув қўлланмасида Ўзбекистонда прокуратура назорати давлат фаолиятининг мустақил тармоғи сифатидаги фаолияти, унинг тартиби ва тизими, қонун билан бошқарилиши ва Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиш давридаги ривожланиш йўллари, прокуратура органларини ташкил этиш, улар фаолиятининг асосий принциплари, вазифалари, йўналишлари, жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, прокуратуранинг халқ депутатлари Кенгашлари ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорлиги, прокуратура органларига кадрлар танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш, ходимларга қўйиладиган талаблар, ишларни ташкил этиш ва ижро интизоми, қонунлар ижроси устидан назоратнинг моҳияти, вазифаси, доираси, қонунлар ижросини текшириш тартиб қондаси, прокурор ваколатлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назоратнинг моҳияти ва прокурор назорати ҳужжатларининг аҳамияти ва тузилиш тартиб - қоидалари ёритилган.

Қўлланма прокуратура, суд, адлия ходимлари, адвокатлар ва ҳуқуқшунослик олий ўқув юртлигининг талабалари, аспирантлари, ўқитувчилари фойдаланишлари учун мўлжалланган.

Саҳифаловчи: Д.Н.Пўлатов

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) биринчи марта Олий Мажлиснинг қонунчилик амалиётида учинчи ўқишда қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг иккинчи чақирик олтинчи сессиясида «Адолат-қонун устуворлигида» номли маърузасида бу қонунга ва прокуратура органининг фаолиятини такомиллаштиришга катта эътибор қаратиб, «Прокуратура қонунни ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган органдир. У демократик жамият, ҳуқуқий давлат қуришда, ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишда хал қилувчи роль ўйнайди. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунини пухта ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир»¹, деб таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) пормалари фуқароларнинг қонун билан кафолатланган манфаатлари ва ҳуқуқлари ҳимоясини тўлалигича таъминлаши керак. Бу нормалар муҳим профилактик ва тарбиявий функцияларни бажаради. Уларни билиш ва тўғри қўллаш жиноятчиликка қарши қурашишнинг муҳим шарти ва демократик жамият ва давлат кўрсаткичидан биридир.

Ушбу масалаларнинг долзарблиги маъмурий, жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш, айниқса қонунчиликка ярашув институтининг киритилиши билан ҳам боғлиқлигидадир.

Мамлакатимизда ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий соҳаларда ўзгаришлар амалга оширилаётган бир пайтда прокуратура органлари зиммасига ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳамда демократик ҳуқуқий давлатни шакллантиришда муҳим ва масъулиятли вазифалар юклатилди².

Мазкур масалаларнинг аҳамияти ортинининг асосий сабаби республиканинг шахс ҳуқуқлари ҳимояси масаласида жаҳон стандартларига қўшилишидан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида халқаро-ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчиликдан устунлиги кўрсатилган. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунида

¹ Ҳалқ сўзи. 2001. 30 август.

² Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан прокурорлик фаолиятини самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 2004 йил 22 июндаги 25 - сонли буйруғи.

(янги тахрири) фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларга риоя этилиши устидан назорат қилиш боби пайдо бўлди. Прокурорлар фуқаролар устидан назорат қилиши эмас, балки уларга хизмат қилиши даркор, деган қоида унинг мазмун – моҳиятини ташкил этади. Шу мақсадда мазкур қонун билан прокуратуранинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияси кучайтирилди¹ Прокуратура органлари фаолиятидаги асосий масала кадрларни танлаш, тайинлаш, тарбиялаш, назоратни ва бошқарувни тўғри ва илмий асосланган ҳолда ташкил қилиш, назоратнинг таъсирини ва самарасини кучайтиришдан иборатдир.

¹ Кодиров.Р.Х. Ўзбекистон Конституциясининг мамлакат ижтимоий – сиёсий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти.

1-БОБ. ПРОКУРАТУРА НАЗОРАТИ ДАВЛАТ ФАОЛИЯТИНИНГ МУСТАҚИЛ ТАРМОҒИ СИФАТИДА

1.1. Прокурор назорати тартиби ва тизими

Прокуратура деганда назоратни амалга оширувчи давлат органи ёки бунга ваколат берилган мансабдор шахс тушунилади¹. Латин тилида «Procuratio (Procurgo)» сўзи «ғамхўрлик қилиш, бошқариш», «Procurator (Procurgo)» сўзи «бошқарувчи, идора қилувчи, раис, ишончли вакил, ваколатли, прокуратор, император даромадларини бошқарувчи ва нихоят «Pro-curgo» сўзи эса «ғамхўрлик қилмоқ, парваришламоқ, асраб-авайламоқ, таъминламоқ, содир этмоқ, бошқармоқ, бошлаб бормоқ» деган маънони англатади². Шунга ўхшаш маънолар француз сўзларида ҳам бор: «Procurateng», «Procutie», «Procuration», «Procurer»³.

Келтирилган атамаларга қараб, «Прокуратура» сўзининг икки хил маъноси ҳақида фикр юритиш мумкин, яъни бу сўзнинг кенг маънода назоратни амалга оширувчи давлат органи ёки мансабдор шахс ёхуд давлат органининг алоҳида тури сифатида тушуниш мумкин. Тор маънода эса бошқа ҳокимият тармоқларига кирмайдиган, назорат фаолиятини амалга оширишга мўлжалланган махсус давлат органлари тизими тушунилади.

Прокуратура ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясини амалга оширишга мўлжалланган давлат органларидан биридир. Бирок, бу функция унинг бутун фаолиятини камраб олмайди⁴. Прокуратурага давлат ҳокимиятидаги уч тармоқнинг ҳеч бирига кирмайдиган мустақил давлат органи сифатида қараш, прокуратура органларининг самарали ишлашининг асосий шarti хисобланади.

Ҳатто Қадимги Греция ва Шарқ давлатларида прокурорнинг энг асосий ижтимоий функцияси қонунийликни таъминлашдан иборат бўлган. Давлатнинг вакили сифатида судда у айбловни амалга оширган. Кейинчалик, бу Қадимги Римга ҳам ўтган. Европада биринчи бўлиб, прокуратура органлари XIV асрда Францияда тузилган. Бу даврда прокуратура биринчи навбатда, жазолаш, айблаш чораларини амалга оширишга мўлжалланган эди.

¹ Қаралсин: Современный словарь иностранных слов. -М., 1993. - С. 493. Большой юридический словарь. - М., 1999. -С. 821 - 822.

² Қаралсин: Дворецкий И.Х. Латинско - русский словарь. 5-С439. - М., 1998. - С. 621.

³ Қаралсин: Гашина К.А. Французко - русский словарь. -С 439. -М., 1980. - С.721.

⁴ Галузо В.Н. Система правоохранительных органов России. Учебник для вузов. - М.2000.-С 10 -14; Рахлин В.И. Сидарук М.М. Правоохранительная функция прокуратуры. -С. Петербург, 2000. - С 20-24.

1506 йилда Францияда қабул қилинган прокуратуранинг фаолияти ва уни ташкил этиш тўғрисидаги қонун унинг бошқа давлат органлари тизимидаги ўрнини белгилаб берди. Бу қонунга кўра, прокурор назоратининг ваколат доирасига қуйидагилар кирарди: прокурорнинг маъмурий-сиёсий характердаги фаолияти, тергов устидан назорат, суд-ҳуқуқ фаолияти. Кейинги даврларда Францияда прокуратура муҳим қайта ташкил этилишларни ўз бошидан кечирди, бироқ унинг давлатдаги жазоловчи функцияси, олий ҳокимият бошқарувчисининг барқарорлигини таъминлаши ўзгармасдан қолди.

Франциядаги прокуратура фаолияти Чор Россиясидаги прокуратуранинг ташкил топишига асос бўлди ва 1917 йил октябрь революциясидан кейин ҳамда Собик Иттифок даврида прокуратура органларининг ишлаши ва шаклланишига таъсир кўрсатди. Россияда прокуратура қонунга амал қилиш устидан назоратни амалга оширувчи орган сифатида, ягона, марказлашган давлат тузуми сифатида, давлат бошқарувини ислоҳ қилиш даврида Пётр I томонидан тузилган эди. Петр I “Прокуратура давлатнинг ва барча фуқаролар манфаатларини кўриклаши керак, генерал – прокурор эса унинг ибораси билан айтганда давлат ишларида бизнинг кўзимиз ва иш бошимиздир”¹, деган эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунга (янги таҳрири) асосан, давлатимиз ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил равишда фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадilar. Бу фаолият давлат фаолиятининг мустақил тармоғини ифодалайди. Бу ерда прокурор назорати тўғрисидаги ҳуқуқий нормалар жамламаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли нормаларидан, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни ва қонуний актлардаги прокуратура органи фаолияти, уни ташкил этиш тўғрисидаги ҳуқуқий қондалардан, шу жумладан соҳавий ҳужжатлардан тузилади ва мустақил ҳуқуқий фан соҳасини ташкил қилади.

«Прокурор назорати» юридик фан соҳаси сифатида прокуратура органлари тизими ва структурасини тартибга соладиган ҳуқуқий нормалардан, уларни ташкил этиш ва фаолияти принциплари, қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича ваколатларидан,

¹ Прокуратура Санкт Петербурга. – С.Петербург. 1987. – С.6.

қонун бузилишига нисбатан прокурор таъсир чораларидан на процессуал хужжатлардан иборатдир.

«Прокурор назорати» курси ҳуқуқшунослик олий ўқув юртларида мустақил таълим соҳаси ҳисобланади ва давлат стандартлари асосида тузилган фан дастури асосида ўқитилади. Ҳуқуқ тартибот ва қонунчиликни мустаҳкамлаш вазифасидан келиб чиқиб, бу курс қонунчилик тушунчасини ўрганишдан, унинг таркиби, прокуратура органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар билан ўзаро муносабатларини ўрганишдан бошланади. Чуқур тушунтиришлар таъсирида қонунийликни ўрганишни тугатиб, кетидан тизимлаштирилган тартибда ва қонунийлик асосида прокуратура фаолиятининг асосий вазифаси, мақсади, ҳуқуқий асослари, асосий йўналишлари, прокуратура органларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари, ваколат доираси ва ҳуқуқий чекланишлар, прокуратура органлари тизими ва прокуратура органлари ходимларига бўлган талаблар ва ҳоказолар шаклланади¹.

Прокурор назорати тармоғининг алоҳида долзарблиги Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлиснинг 2-чақирик олтинчи сессиясидаги "Адолат - қонун устуворлигида" маърузаси бўйича қабул қилинган Олий Мажлиснинг 2001 йил 29 августдаги қарорида ифодаланган. Бу қарорда, маърузадан келиб чиқувчи концептуал қоида ва хулосалар маъқулланди ва прокуратурага, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар, судлар фаолияти жиной жазоларни либераллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш каби маърузадан келиб чиқувчи вазифаларни ҳаётда амалга ошириш бўйича талаблар қўйилди².

1.2. Прокуратура фаолиятини ташкил этишнинг тарихий босқичлари

Прокуратуранинг Европа давлатларида, айниқса, Франция ва Россияда ривожланиши, ташкил топиши тўғрисида кенг тарихий маълумотлар В.И.Басковнинг олий ўқув юртлари учун чиқарилган

¹ Қаралсин: Давлетов А.Д. Прокурорский надзор. Учебник: - Нукус. 1999. –С. 7.

² Ҳалқ сўзи. 2001. 30 август.

«Прокурор назорати курси» дарслигида ёритилган¹. Унда прокуратуранинг 1917 йилгача реакция давлат тузумини ҳимоя қилувчи, қаттиқ жазоловчи орган ҳисобланганлиги ва Чор Россияси билан бирга бу органга ҳам барҳам берилганлиги қабилар кўрсатилган.

1922 йил 28 майда ВЦИК қарори билан «Прокурор назорати тўғрисида»ги Низом тасдиқланган бўлиб, унда прокуратура органларининг ташкил этилиши ва фаолиятининг асосий принциплари ўз ифодасини топди. Унда прокуратура органининг ягона ва марказлашганлиги, қуйи прокурорларнинг юқори турувчи прокурорларга қатъий бўйсунуши, маҳаллий таъсирдан мустақиллиги, кенг жамоатчилик учун ёрдамга прокуратура органлари таянч бўлиб хизмат қилиши каби принциплар ўз ифодасини топди.

«Прокурор назорати тўғрисида»ги Низом қонунларга қатъий риоя қилиш устидан назоратни амалга оширишда прокурорларнинг ваколати ва назорат предметини аниқлаб берган. Жумладан, улар:

-давлат номидан ҳокимият органларининг, хўжалик ташкилотлари, муассасалар, жамоат бирлашмалари ва жисмоний шахсларнинг, айбдор шахсларга нисбатан жиноят иши кўзгатиш орқали, бутуп фаолиятининг қопуцийлиги устидан назоратни амалга ошириши; -суриштирув ва ОГПУ органлари фаолияти устидан бевосита кузатиши; -судда айбловни қўллаб-қувватлаши;- маҳкумларни қамоқда сақлаш қоидаларига риоя қилинишини кузатиши лозим.

Маълумки, илгари Ўзбекистон иттифоқдош республика сифатида, собиқ СССРдан қонунчилик тизимини, шу жумладан прокуратура органлари фаолияти ва ташкил этишнинг асосий принципларини ҳам қабул қилиб олган эди.

Прокуратура тўғрисидаги қонун ҳужжатлари таҳлили шундан далолат берадики, 1923 йилдан 1938 йилгача СССР ва иттифоқдош республикалар суд тузилиши тўғрисидаги қонун қабул қилинишидан олдин, прокуратура органлари тизими, вазифаси ва прокурорларининг ваколати суд тузилиши тўғрисидаги қонун билан тартибга солинган бўлиб, прокуратуранинг ташкилий органлари марказда ҳам, жойларда ҳам мустақил давлат органи эмас эди. Прокуратура бўлим сифатида Адлия Халқ Комиссариати тизимига

¹ Каралени; Васков В.И. Курс прокурорского надзора. Учебник для вузов.-М., 1999. -С. 15-19.

кирар эди. Адлия комиссари бир вақтнинг ўзида республика прокурори ҳам эди.

1923 йил 23 ноябрдаги «СССР Олий суди тўғрисида»ги Низомга мувофиқ прокуратура Олий суд таркибига киритилди. Прокуратура ваколатлари «СССР Олий суди тўғрисида»ги Низом ва 1926 йил 24 июлдаги «СССР Олий суди ва СССР Олий суди прокуратураси тўғрисида»ги Низоми билан анча кенгайтирилди. Прокурор қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлди: қонунчилик ташаббуси билан чиқиш, ОГПУнинг қарорларини, фармойишлари ва ҳаракатларини тўхтатиш, СССР Олий суди коллегияси ва махсус коллегияларининг, СССР ва иттифоқдош республикаларнинг барча бошқа суд муассасаларининг ҳал қилув қарорларини, ҳукмлари ва ажримларини тўхтатиш ҳуқуқига эга эди. Бундан ташқари, СССР Олий суди прокуратураси назорат фаолиятининг асосий қисми бўлмиш конституциявий назорат ҳамда ОГПУ фаолиятининг қонунийлиги устидан назоратни ҳам амалга оширарди, бевосита ўзининг Ҳарбий прокуратура ва СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси бўйича катта ёрдамчиси орқали бутун СССР ҳудудида ҳарбий прокуратура фаолиятини бошқарар, шу билан бир қаторда ҳарбий трибунал суд ҳужжатларининг қонунийлиги устидан назоратни амалга оширар эди.

Ушша даврда прокуратура органларининг ягона марказлашган тизими шаклланмаган эди, чунки республика прокуратураси Адлия Халқ Комиссарлиги тизимига кирар эди. 1925 йил 6 майда Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитаси адлия тўғрисидаги низомни тасдиқлади, унга мувофиқ адлия халқ комиссари бир вақтнинг ўзида республика прокурори ҳам эди.

Республика прокурори бир вақтнинг ўзида адлия халқ комиссари сифатида республика ҳукумати таркибига кирар эди. Республика прокурори Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитаси томонидан тайинланса ҳам, республика совнаркоми олдида ҳисоб берарди. Республика прокурори қонунлар ижроси устидан назорат қилиш билан бир қаторда бошқарув функциясини ҳам амалга оширган, бу эса назорат функциясини амалга оширишга салбий таъсир кўрсатарди.

1933 йил 20 июндаги СССР МИҚ ва ҲКС қарори билан СССР прокуратураси тузилди. 1933 йил декабрдаги «СССР прокуратураси тўғрисида»ги Низомда СССР прокуратураси функциялари конкретлаштирилди, республика прокурорлари билан ўзаро муносабатлар аниқлаб берилди. 1936 йил 20 июндаги СССР МИҚ ва

ХКСнинг СССР Адлия Халқ Комиссариатини шакллантириш тўғрисидаги қарори прокуратура ва тергов органларини иттифоқ ва автоном республикалар Адлия халқ комиссариати тизимидан чиқариб, СССР прокурорига бевосита тобе қилиб қўйди. Шундай қилиб, 1936 йили прокуратурани марказлаштириш ва ягона тизимга айлантириш жараёни ниҳоясига етди.

СССР прокуратураси тўғрисидаги Низомга мувофиқ, СССР прокурори иттифоқдош республикалар прокурорларига уларнинг фаолиятига тегишли масалалар бўйича кўрсатмалар бериш; иттифоқдош республикалар прокурорлари фаолиятини муҳофаза қилиш учун прокурорлар йиғинини чақириш; прокурорлар ишини ўрганиш; текширишларни ўтказиш; иттифоқдош республикалар прокуратура органлари фаолиятини текшириш; уларнинг фаолияти тўғрисида ахборотлар олиш ҳуқуқига эга эди.

1936 йилги СССР Конституцияси ва 1937 йилги Ўзбекистон ССР Конституцияси прокурорлик назоратининг аҳамияти ва ўрнини давлат фаолиятининг мустақил тури сифатида юқорига кўтарди. Унда СССР Олий Совети томонидан тайинланадиган СССР прокурори бошчилигидаги ягона ва марказлашган тизим кўринишида СССР прокуратураси мустаҳкамланди.

Иттифоқдош ва автоном республикалар, вилоятлар прокурорлари 5 йил муддатга, шу республика давлат ҳокимияти органлари билан келишмасдан СССР прокурори томонидан тайинланарди. Туман ва шаҳар прокурорлари эса иттифоқдош республикалар прокурорлари томонидан 5 йилга тайинланар, уларнинг тайинлаш тўғрисидаги буйруқлари кейинчалик СССР прокурори томонидан тасдиқланар эди. Шу тарзда, прокуратура органларининг марказлашуви мустақил иттифоқдош республикаларнинг кучсизланиши ҳисобига кучайган эди.

Асосий қонунлар прокуратура органларига қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилиши ва риоя этилиши устидан давлатнинг асосий ҳуқуқий Олий назорат функциясини амалга оширишни юқлади, уларни маҳаллий органлардан мустақиллиги ва фақат СССР прокурорига бўйсунуш тамойили мустаҳкамлаб қўйилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида прокуратура органлари фаолияти фашизм устидан ғалаба қозониш мақсадига йўналтирилган эди. Мамлакатда ҳарбий ҳолат эълон қилинган, 1941 йил 22 июндаги СССР Олий Совети Фармонида кўра прокуратура органлари фаолияти ҳарбийлаштирилган эди. Уларнинг асосий фаолияти ҳарбий

вақтдаги қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш, шунингдек жамоат тартибини, меҳнат ва давлат интизомини ҳимоя қилиш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат мулкани жинойий тажовузлардан ҳимоя қилишдан иборат эди.

Иккинчи жаҳон урушининг оғир йилларида Ўзбекистон Прокуратура органларининг вазифалари ниҳоятда кўпайиб кетди. Ўзбекистонга юзга яқин саноат корхоналари, 10 га яқин ҳарбий ўқув юртлари, госпиталлар, илмий муассасалар кўчириб келтирилган эди. Республикамиз бир миллиондан ортиқ эвакуация қилинган одамларни қабул қилди, улардан 200 мингтаси болалар эди. Уруш йилларида Ўзбекистонда кўплаб совет армияси қўшилмалари, шу билан бир қаторда миллий ўзбек қисмлари ҳам тузилди. Республика мамлакатнинг муҳим озиқ-овқат базаси бўлиб қолди. Ўша даврларда республикамиз прокуратурасининг фаолияти ҳарбий вақтдаги қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилишга йўналтирилди¹.

СССР Олий Совети Президиумининг 1943 йил 16 сентябрдаги Фармони билан прокуратура органларининг прокурор-тергов ходимларига мансаб даражаси унвони берилиши ўрнатилди ва СССР прокуратураси органлари прокурор-тергов ходимларининг фукаровий мансаб даражаси билан ҳарбий унвонлари қиёсий жадвали тасдиқланди. Мансаб даражалари унвони ўрнатилиши ва янги махсус касбий либоснинг киритилиши прокурорларга расмий, жиддий кўриниш берди, меҳнат ва ижро интизому мустаҳкамланишига ёрдам кўрсатди².

Иккинчи жаҳон уруши тугаши билан прокурорлар гитлерчи босқинчиларнинг жинойятларини фош этишда катта ишларни амалга оширдилар. 1945 йил 20 ноябрдан 1946 йил 1 октябргача Нюрнбергда бўлган судда тарихда биринчи марта даҳшатли қилмишлар содир этган ва кўплаб давлатларни эгаллаб олган жинойатчилар суд олдида ҳозир бўлдилар. Бу очик процесс бўлган эди. Ҳарбий жинойатчиларнинг айбини исботловчи далилларни тўплашда прокуратуранинг тажрибали терговчилари катта иш қилишди.

Урушдан кейинги даврларда прокуратура органлари иқтисодийни тиклашга қаратилган қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширдилар. Қайтадан шаҳар ва қишлоқлар

¹ Мустафаев Б.М. 70 йил қонун ҳимоясида. Т. 1992.

² Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1992 йил 9 декабрда тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси прокуратура ходимларининг даражали унвонлари тўғрисидаги нитом амалда.

қурила бошланди, завод ва фабрикалар, колхоз ва совхозлар тиклана бошланди. Бу пса халқ бойлигининг бутлиги, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қонунларнинг ижроси устидан назоратни кучайтиришни талаб қиларди.

1946 йил 19 мартда СССР Олий Совети давлат ва хўжалик қурилишидаги вазифаларни ҳал қилишда прокуратура органларининг обрўсини ошириш мақсадида СССР прокурорига Бош прокурор макомини бериш тўғрисидаги қонунни қабул қилди.

1955 йил 24 майда СССР Олий Совети Президиуми Фармони билан «СССРда прокурор назорати тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. У прокуратура органлари ваколатини бир мунча кенгайтирди ва аниқлаштирди ҳамда прокурор назорати вазифалари ва уни амалга ошириш услубларини қонун билан мустаҳкамлаб қўйди.

Низомда СССР Бош прокурори ва унга бўйсинувчи прокурорлар, СССР, Иттифокдош ва автоном республикаларнинг қонунларини маҳаллий фарқликка, маҳаллий таъсирларнинг бўлишидан қатъий назар аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат қилиши шартлиги кўрсатилди. Бу билан прокурорлик назоратини кучайтириш учун зарур шароит яратилган эди.

1977 йилдаги СССР Конституцияси асосида 1979 йил 30 ноябрда «СССР Прокуратураси тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган бўлиб, бу Қонун Иттифок прокуратураси тарқалиб кетгунга қадар амалда бўлди.

СССР тарқалиб кетгандан кейин СССР прокуратураси мустақил давлат органи сифатида фаолиятини тугатди. Хар бир суверен давлат бош прокурор бошчилик қиладиган мустақил прокуратура органини тузди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонунига ва 1992 йил 8 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Прокуратура органлари тўғрисида»ги Президент Фармониға мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни таъминлаш, фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат суверенитетини ҳимоялашни таъминлаш мақсадида ЎзССР Прокуратураси мустақил Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига айлантирилди. Ушбу Фармон билан Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига Мудофаа вазирлигида, унинг жойлардаги идора ва бўлимларида, республика ҳудудида

жойлашган ички кўшинларда қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш ҳам юкланди.

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг марказий аппарати структураси, жойлардаги прокуратура органлари билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 24 январдаги «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қарори билан белгиланди.

1992 йил 4 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қарорига асосан, бундан буён Ўзбекистон Республикасида тегишли қонунлар қабул қилингунга қадар, унинг ҳудудда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларга зид бўлмаган СССР қонунлари қисман амалда бўлиб туриши белгиланди. 1979 йил 30 ноябрда қабул қилинган «СССР прокуратураси тўғрисида»ги Қонун Ўзбекистон Республикасида Олий Кенгашнинг 1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни қабул қилингунга қадар амалда бўлди.

Республикамиз қонуншуносларининг бундай қадами шошмасдан, халқаро тажриба ва ривожланган демократик давлатларнинг амалиётини, миллий хусусиятларни, халқнинг менталитетини ҳисобга олган ҳолда фаол қонун ижодкорлиги ишига киришишга имконият яратди.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиш даврларида прокуратуранинг ривожланиш йўллари ва унинг органларининг аҳамияти

Ўзбекистон тараққиётини халқ этувчи концепцияни шакллантиришда мамлакат Президенти Ислам Каримов давлат қурилишининг бутун бошли дастурини ўзагини ташкил этувчи бешта асосий тамойиллари қаторида қонун устиворлигини, қонунга итоаткорликни эътироф этди. Ушбу талаб тўлиқлигича ёш республикамизда ҳуқуқий демократик давлат қурилиши мақсадида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар мазмуни ва йўналишини белгилаб берди.

Собиқ Совет Иттифоқи таркибида бўлган ва ҳозирда янги мустақил давлатлар доирасига кирган мамлакатлар ичида давлатчилик ва қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қилишда

республикадаги фукаролар келишуви ва конунийликни таъминлашга оид давлат фаолияти тизимида Ўзбекистон Республикасининг прокуратура органлари муҳим ўрин тутуши билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2001 йил 29 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ VI сессиясидаги “Адолат-конун устуворлигида” деб номланган маърузасида, “*Прокуратура-қонун ҳимоясида турган орган. У ҳуқуқий давлат, демократик жамият қурилишида, ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишида ҳал қилувчи ролни ўйнайди*”¹ деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришган дастлабки кунларданок миллий прокуратуранинг пайдо бўлиши ва шаклланишига алоҳида эътибор берилди. Ушбу йўналишдаги биринчи илдам қадам - давлатимиз раҳбарининг прокуратура органларини иттифок марказидан ҳақиқий мустақиллигига эришиш юзасидан қилган сайёи-ҳаракатлари бўлди.

Ушбу ҳаракатлар жуда ҳам жиддий оқибатларга олиб келиши, масалани КПСС МҚ Сиёсий бюросида кўрилишигача етиши мумкинлигини тушуниб етилган эди. Қолаверса, мамлакатимиз раҳбарияти республикамиз ичида ҳам жиддий қаршиликларни ҳис қилиб турарди. Чунки, партиянинг олий эшалонида, республика прокуратураси идораларида ҳанузгача маъсул лавозимларда “десантчилар” деб номланадиганлар ишлаб келишадиган эди.

Шундай ҳавф бўлишига қарамасдан, мамлакат раҳбарияти томонидан 1990 йил 1 ноябрда Ўзбекистон ССРнинг “Ўзбекистон ССРда ижро ва бошқарув ҳокимияти тизимини такомиллаштириш ва Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонун)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунини қабул қилиш тўғрисидаги дадил ва жасоратли сиёсий қарор қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатда, биринчи марта иттифок доирасида Ўзбекистон ССР прокурори ҳамда унинг ўринбосарлари илгаригидек СССР Бош прокурори томонидан эмас, республика Президентининг тақдимномасига биноан мамлакат парламенти томонидан тайинланиши мустаҳкамланди ва Ўзбекистон Республикаси прокурорининг фақат Ўзбекистон Республикаси парламенти ва Президенти олдидаги ҳисобдорлиги ва жавобгарлиги белгиланди.

Бундан буён, Қорақалпоғистон АССР прокурори автоном Республика парламенти томонидан Ўзбекистон ССР Президенти

¹ Ҳалк сузи, 2004 йил.30 август.

билан келишилган ҳолда тайинланиши қонун билан мустақамланди. Бундан ташқари, илгари вилоятлар ва туман, шаҳарлар прокурорлари Ўзбекистон ССР прокурори томонидан СССР Прокуратурасининг розилиги билан тайинланган бўлса, энди қонун бўйича кадрлар масаласини ҳал қилиш Республика Прокурорининг мутлақ ваколатига тегишли эканлиги қайд этилди. Республика прокуратура ходимларининг тўлиқ мустақиллиги, шу жумладан, ССР Иттифоқи прокуратурасидан ҳам тўлиқ мустақиллиги, уларнинг фақат Ўзбекистон ССР прокуроригагина бўйсунуши эълон қилинди.

Юқоридаги қонун қабул қилинган куни, яъни 1990 йилнинг 1 ноябр куни ЎзССР прокурори лавозимига миллий кадр, яъни Б.М. Мустафоевни тайинлаш ҳақида ЎзССР Олий Советининг Қарори қабул қилинди. Буларнинг ҳаммаси Иттифоқ прокуратурасининг гегемонлик асри яқунланишини билдирар ва республика прокуратурасининг ҳақиқий мустақиллигини ифода этар эди.

СССР прокуратураси раҳбарияти “марказдан узоқ бўлган прокуратура”нинг бундай мустақиллиги бошланишини ва ишлаш ҳамда прокуратура органларига раҳбарлик услубларини таг-томири билан йўқотиб ташлашни, бутун кучлар билан ишни эски изга солиш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилди, чунки бу даврда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда, “десантчилар” ишлашни давом эттиришаётган эди. Ўзбекистон Республикасининг турли органларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқароларга нисбатан оғир жиноятлар содир этган СССР прокуратурасининг собиқ терговчилари Т.Гдлян ва Н. Ивановларнинг жазосиз қолаётганлиги фактидан эътирозли ҳайратга тушган фуқароларнинг жуда кўп ариза, шикоятлари келиб тушиши давом этаётган эди.

Маълумки, қайд этилган фактлар юзасидан ўз вақтида собиқ ССР Иттифоқи прокуратураси томонидан кўрсатиб ўтилган шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган ва СССР прокуратураси тергов бошқармаси бошлиғи В.И. Илюхин бошчилигидаги тергов гуруҳи томонидан Гдлян ва Ивановлар томонидан қонунийликнинг қўпол равишда бузилганлиги юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилган. Қонунийликни қўпол равишда бузиш фуқароларни оммавий тарзда қонунсиз қамоққа олиш, шу билан бирга уларга жисмоний ва руҳий жабр етказиш, айбланувчиларнинг хотинларини, болаларини ва яқин қариндош-уруғларини қамоққа олиш билан кўрkitиш каби ҳаракатларида ўз ифодасини топар эди. Номини баён этилган тергов бригадаси томонидан амалга оширилган тергов ҳаракатлари

натижасида “зарур бўлган айбига иқрорлик кўргазмаси”сини олиш учун ҳақиқатан ҳам жавобгарликка тортилган шахсларнинг якин қариндошлари қамокка олинганлиги, улар орасида ҳатто ҳомиладор аёлларнинг, қарияларнинг борлиги аниқланган. Ушбу айбсиз шахслар қамокхоналарда 2-3 ойлаб ва ҳатто 7 йилгача қонунсиз равишда сақланганлар. Бир қатор Ўзбекистон Республикаси фуқаролари уларга нисбатан қўлланилган бундай қийноқларга чидай олмасдан ҳаётларини ўзларини ўлдириш билан тамомлаганлар. Тергов материалларида Гдлян ва Ивановлар пора олганликлари ҳамда олинган моддий қимматликларни жуда кўп миқдорини ўзлаштириб юборганликларини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлган.

Гдлян ва Ивановлар томонидан содир этилган оғир жиноятлар аниқланганидан сўнг, собиқ СССР Бош прокурори СССР Олий Советига ушбу шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш ва уларни қамокка олишга руҳсат беришни талаб этиб, тақдимнома билан муурожаат қилган. Афсуски, Олий Совет депутатларининг маълум бир қисми сиёсий ўйинларга берилиб, прокуратура томонидан аниқ ва равшан далил-исботлар тақдим қилинган бўлишига қарамасдан, қарши овоз бериши натижасида керакли бўлган овоз тўплашнинг имкони бўлмаган. Олий Совет Гдлян ва Ивановларни эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш ва прокуратура органларидан ишдан бўшатишгагина розилик берган.

Шундай бўлсада, Гдлян ва Ивановларга қарши жиноят ишининг тергови давом эттирилган, натижада 1991 йилнинг 30 август куни янги тайинланган СССР Бош прокурори Трубин томонидан қонунийликка нисбатан ўтакетган беҳаёлик билан ҳеч қандай талабга жавоб бермайдиган, асослантирилмаган, яъни уларнинг ҳаракатларида жиноят таркиби мавжуд эмаслиги ҳақидаги адолатсиз қарор қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди ва прокуратурасида Гдлян ва Ивановлар ва улар раҳбарлик қилган тергов гуруҳи таркибига кирган қатор терговчилар томонидан содир этилган юқорида қайд этилган жиноятлар ҳақида жуда кўп материаллар мавжуд.

Собиқ СССР Бош прокурори Трубиннинг Гдлян ва Ивановларга тегишли жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарори собиқ СССР қонунчилигига ҳам, Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳам, шунингдек умум - эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига ҳам зид ҳисобланади. Хусусан: 1984 йил 10 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “


Кийнок ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ва шахснинг қадр-қимматини камситувчи муносабатлар ва жазоларга қарши Конвенция”; “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” ва Россия ва Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган бошқа халқаро нормалар шулар жумласидандир.

Минск Конвенциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Россия Бош прокурорига бирнеча бор мурожаат қилиб, айбдор шахслар Гдлян ва Ивановларни Республика прокуратурасига топшириш ва уларга тегишли бўлган жиноят иши материалларини ёки унинг нусхасини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юборишни талаб қилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Қийноқларга қарши комитети”га Конвенциянинг 20-моддаси талабларига мувофиқ равишда ушбу Комитет вакиллари томонидан инсон ҳуқуқларининг Гдлян ва Ивановлар раҳбарлигидаги тергов гуруҳи томонидан бузилиши ва фуқароларнинг қийноққа солиниши юзасидан текшириш ўтказишни сўраб мурожаат қилиниши лозимлиги мақсадга мувофиқ деб топилди.

Прокуратура органларининг ҳақиқий мустақиллиги ва мутеликдан озод бўлганлигини таъминлаш учун қабул қилинган иккита ҳужжатни эътироф этиш лозим: **биринчиси**, 1991 йил 31 августда қабул қилинган, “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Мурожаати мазмуни; **иккинчиси**, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари ҳақида”ги Қонунидир.

Айнан шу кунунга мувофиқ 1992 йилнинг 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 33-сонли Қарори қабул қилинган. Ҳукуматнинг ушбу қарори нафақат прокуратуранинг мавқеини мустаҳкамлаган, балки прокуратура ходимларига қатор имтиёз ва устунликлар бериш билан бирга, моддий - техника базасини ҳам сезиларли даражада мустаҳкамлаган. Айнан шу ҳолатлар, прокурорларнинг ўзларига юклатилган назорат ваколатларини эркин равишда амалга оширишда ҳақиқий мустақиллигини таъминлашда ижобий роль ўйнади.

Аммо давлат Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини зудлик билан ишлаб чиқиш ва



86 48

қабул қилишни талаб этар эди. Чунки, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тузилиши ва давлатчилиги асосларини вужудга келтириш учун, миллий ҳуқуқий тизим шакллантирилиши ва давлатимизнинг қонунчилик базаси ишлаб чиқилиши, мамлакатда бозор мунособатларини шакллантиришда, ҳуқуқ - тартибот ва қонунийлик мувофиқлаштирилиши талаб этилар эди.

Бу борадаги дастлабки дадил қадам сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 январдаги Ўзбекистон ССР прокуратурасини мустақил Ўзбекистон Республикаси тасарруфига ўтказилишини белгиловчи Фармонини мисол қилсак бўлади. Бундан ташқари, ёш ва мустақил Ўзбекистон Республикасининг дастлабки қабул қилган қонунларидан бири, мамлакатнинг Асосий Қонуни – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинган куни эртасига, яъни 1992 йил 9 декабрда парламент томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилинишини ҳам алоҳида муҳим ҳолат деб эътироф этиш лозим.

Мамлакатдаги ижтимоий ҳолат, авваламбор давлатчиликнинг дастлабки шаклланиш даври, миллий қонунчиликнинг мавжуд эмаслиги ёш мустақил республикада барқарорликни сақлаб қолиш, жамоат тартиби ва жинойтчиликни олдини олиш ва шунга ўхшаш жамиятга қарши ва миллатлараро келишмовчилик ҳолатларини келтириб чиқармаслик зарурияти - зудлик билан ушбу қадамларни қўйишни талаб этар эди.

Ушбу вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда прокуратура хал қилувчи ролни ўйнар эди. Айнан шу ҳолат прокуратура органларини зудлик билан шакллантириш заруриятини келтириб чиқарганди. Прокуратура органлари нормал фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий база шакллантирилиши керак эди, чунки прокуратура органларининг асосий фаолияти қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилишини ҳамда қонунлар устуворлигини таъминлашга, ҳуқуқ - тартиботни мустаҳкамлашга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан мустаҳкамланган фуқаро ва инсоннинг шахсий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда мамлакат мустақиллиги, жамият ва давлат қурилиши, сиёсий ва иқтисодий тизимни ҳар қандай ғайриқонуний тажовузлардан ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Прокуратура органларининг ҳуқуқий мақомини, асосий вазифаларини ва ишлаш принципларини ҳамда унинг фаолияти

йўналишларини белгилаб берувчи асосий ҳужжат—Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳисобланади. Мамлакатимиз Асосий Қонунида прокуратура учун ўзида тўрт моддани мустаҳкамлаган алоҳида XXIV-боб ажратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасида мустаҳкамланишича, “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади”. Конституциянинг 119-моддаси прокуратура органлари тизимида мустаҳкамлаб, “Прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимига Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори бошчилик қилади” деб кўрсатилган. Ундан кейинроқ эса, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳар прокурорларини тайинлаш тартиби ҳамда уларнинг ваколат муддатлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 120-моддаси прокурорлик назоратини самарали амалга оширишнинг янада аҳамиятли томонини ўзида мужассам этган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларидан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширишлари мустаҳкамлаб кўйилган. Прокурорлар назоратни давлат номидан амалга оширадилар. Улар қонун бузилишининг ким томонидан содир қилинишидан қатъи назар, ҳар қандай кўринишига қарши курашишлари, ўз вақтида тегишли чора - тадбирлар белгилашлари лозим. Ушбу принцип шарофати билан “иттифоқ режими”га хос бўлган, “чўнтак” прокурорлари кўринишларига барҳам берилди.

1992 йил 9 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни ўзининг тарихий вазифасини бажарди. Яъни, “Прокуратура тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши муносабати билан мамлакатда талаб даражасидаги қонунийлик ва ҳуқуқ - тартибот ўрнатилишига бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий - иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичи прокуратура органлари учун жуда зарур бўлган дастлабки туртки бўлди.

Ўзбекистон Республикаси давлат органлари тизимида прокуратура органлари ўзининг махсус ўрнига эга бўлиб, бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошкоралик каби принципларга таянган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган ягона марказлашган тизимни ташкил

эти, куйи турувчи прокурорлар махаллий ва бошка давлат органларига бўйсунмаган холда юкори турувчи прокурорларга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунуши ҳамда ҳисобдорлиги асосида фаолият кўрсатиши белгилаб берилди.

Нагжада, заруратга қараб, прокуратура тизими ривожлантирилди, прокуратура фаолиятининг услуб ва шакллари такомиллаштирилди, унинг ҳуқуқий мақоми ва давлат – ҳуқуқий институтлари тизимидаги ўрни мустақкамланди (1-сонли жадвал).

Давлат, қўшма ва хусусий корхоналарнинг, турли биржа ва тижорат банкларининг ташки иқтисодий фаолияти ривожланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси иқтисодий манфаатларига жиддий зарар келтирувчи турли жиноятлар сони ошиб кетди. Иқтисодиёт соҳасидаги турли суиистеъмолчиликлар, ўзгалир мулкни ўзлаштиришлар, порахўрликка қарши кураш фаолиятидаги самарадорликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 3 мартдаги 96-сонли Қарори билан ташкил этилган ва кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июль кундаги 291- сонли Қарорига асосан ўзгартирилган Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси марказий аппарати тизимида порахўрлик ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда шу бошқарманинг тегишли бўлинмалари ташкил этилди.

Иқтисодий ва валютага оид жиноятларга қарши курашишни кучайтиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги 251- сонли “Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори жуда муҳим роль ўйнади. Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари ташкил этилган эди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 2 ноябрдаги 415- сонли “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг аҳамияти каттадир. Бу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти Ўзбекистон

Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаментига айлантирилди.

Иқтисодий, валюта – молия ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни талаблари ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрел кундаги ПП 331-сонли “Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан мазкур Департамент Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментига айлантирилди (2-сонли жадвал).

Суд – ҳуқуқ тизимининг демократик асосларини янада чуқурлаштириш, миллий қонунчилик асосларини шакллантириш, хусусан олганда, жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ҳамда прокуратура органлари фаолиятини ҳозирги кун талаблари асосида қайта қўриб чиқиб, уни шу кун талабларига мувофиқлаштириш ва бунда шаҳс ва жамият эҳтиёжларини ҳисобга олиш прокуратура органлари фаолиятини ҳамда унинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқарди.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг (янги таҳрири) лойиҳасини тайёрлаш жараёнида прокуратура органларининг давлат органлари тизимидаги тутган ўрни ва роли ҳақида, прокурор назорати хусусида турли фикр ва мулоҳазалар билдирилган эди. Иш шу даражага етган эдики, прокуратура органлари функцияларини жиддий равишда камайтириш, уни фақат жиноий таъқибни амалга оширувчи ва судда айбловни қувватловчи органга айлантириб қўйишга ҳаракат қилиш бошланган эди. Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг олтинчи сессиясидаги ушбу масала юзасидан берган асослантирилган ва принципиал таклифлари муаммога нуқта қўйди. Прокуратуранинг ваколатлари ва мақоми хусусидаги тортишувларга чек қўйилди.

И.А.Каримов ушбу сессиядаги “Адолат-қонун устуворлигида” деб номланган маърузасида сўзлаган нутқида “Давлат муассасалари, биринчи навбатда прокуратура ходимлари бир ҳақиқатни қулоғига

куйиб олсинки, улар мана шу халқнинг бир қисми, ҳеч кимдан, оддий одамлардан ортиқ жойи йўқ. Уларни шу халқ вояга етказган. Бас шундай экан, прокуратура ходимлари уларни назорат қилишлари эмас, балки уларга хизмат қилишлари керак. Прокуратура ваколатининг доирасини, унинг фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини айнан ана шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда белгилаш зарур. Демократик жамиятда алоҳида фуқаролар эмас, балки уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қандай ҳимоя қилинаётганлиги прокурорлик назоратининг объекти ҳисобланади. Прокуратура идоралари фуқароларнинг ҳуқуқлари камситилишига йўл қўймаслик мақсадида бошқарув ва назорат органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари қонунийлигини назорат қилиб бориши зарур. Бу прокурорларнинг асосий вазифаси ва бурчидир. Прокурорлар фаолиятига улар томонидан қўзғатилган жиноят ишлари ёки жавобгарликка тортилган фуқаролар сонига қараб эмас, балки тегишли ҳудудда қонунчиликка амал қилинишининг ҳолатига қараб баҳо берилади. Қонунни ҳимоя қилиш суд, прокуратура органларининг асосий вазифаси, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ўз ҳуқуқларини, қонунларни яхши билишларига эришиш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича самарали иш олиб боришдан иборатдир¹” деб қайд қилиб ўтган.

Мамлакатимиз Президенти қайд қилинган маърузада “Жамиятни демократлаштиришнинг ҳозирги давр шароитларида, мамлакатимизда фуқароларимизни ва ҳўжалик субъектларини ҳимоя қилишга қодир бўлган суд-ҳуқуқ институтлари ҳамда бозор иқтисодиётини бошқарувчи маълум бир ҳуқуқий база яратилган вақтда прокурор назорати тизимига ҳам тегишли тартибда ўзгартириш киритиш вақти етиб келди. Бугунги кунда ҳўжалик субъектларининг фаолиятига прокуратура органларининг тўғридан - тўғри аралашувига иқтисодиёт соҳасида амалга оширилган ислохотлар йўл қўймайди. Шу муносабат билан “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири лойиҳасида прокурор ваколатларини сезиларли даражада қисқартириш назарда тутилмоқда” деб қайд қилинди.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Прокуратура эса ушбу сиёсатни амалга оширишнинг жуда муҳим бир қисми-дастаги ҳисобланади.

¹ Каримов И.А. Адолат — қонун устуворлигида \Халқ сўзи. 2001 йил. 30 август.

Прокуратура универсал орган сифатида давлатнинг, жамиятнинг ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилувчи ҳуқуқий қафолатни таъминловчи орган ҳисобланади. Жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назорати ҳам кенг қамровлидир. Қонунга биноан, прокурор назоратининг ушбу тармоғи жиноятлар ҳақидаги ариза ва шикоятлар, муурожаатларни қабул қилиш, қайд этиш, кўриб чиқиш ва ҳал қилиш, тергов олиб боришга оид процессуал тартибни белгиловчи ҳамда қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини текширишни ва жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунлар ижро этилиши устидан назоратни ўзида мужассамлаштирган. Жиноят - процессуал қонунчилиги барча тергов органлари учун жиноятларнинг турларига қараб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган моддалар бўйича терговга тааллуқлиликни белгилаб берган. Прокуратура органлари ҳам жиноят-процессуал қонунчилиги билан ўз ваколатларига берилган жиноятлар юзасидан терговни олиб борадилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар жиноятчиликка қарши кураш фаолияти самарадорлигини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятни, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи тегишли органлар фаолиятини мувофиқлаштириб борадилар.

Судларда жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари кўрилишида прокурор иштирокини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги (янги таҳрири) Қонунининг 4-моддасида белгилаб берилган. У прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Прокурорнинг олдида турган энг асосий вазифа, суддаги иштироки орқали судга адолатли қарор қабул қилишга ёрдам бериш ва суд томонидан қабул қилинаётган ҳар бир қарорнинг қонунийлиги, асосланганлиги ва адолатлилигини таъминлашга кўмаклашидир.

"Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг (янги таҳрири) қабул қилиниши муносабати билан қонунийликни мустаҳкамлашга бўлган замонавий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда, бу вазифанинг моҳияти тубдан ўзгарди. Суд процессида иштирок этаётган прокурор фуқароларнинг, қорхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ни қонуний манфаатларини судда самарали муҳофаза қилишга кўмаклашиши шарт.

Жиноий суд иш юритувида прокурор куйидаги ваколатларга эга, яъни, ишларнинг кўрилишида иштирок этишга; ишлар кўрилишида ўзи иштирок этган-этмаганлигидан қатъи назар, суд қарорларининг қонунийлигини текширишга, қонунга зид суд қарорларига нисбатан протест келтиришга.

Прокурор жиноят ишларини биринчи инстанция судларида кўрилишида иштирок этар экан, давлат номидан давлат айбловини қўллаб-қувватлайди, унинг манфаатларини ҳимоя қилади, давлат ва жамиятнинг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини турли жиноий ҳуружлардан муҳофаза қилиш кафолати сифатида ҳаракат қилади, судлар томонидан қонуний, асосланган ва адолатли қарорлар қабул қилинишига, одил судловни амалга оширишга кўмаклашади, шунингдек, суд процессининг тарбиявий аҳамиятини ва жиноятларнинг олдини олишдаги ролини кучайтиради.

Прокурор суд процесси мобайнида процесснинг бошқа иштирокчилари билан бир қаторда тенг ҳуқуқлардан фойдаланади, далилларни текширишда иштирок этади, Жиноят кодекси нормаларини қўллаш юзасидан ўз фикрларини билдиради, судланувчининг ҳаракатларини квалификация қилиш, унга нисбатан жазо тури ва миқдорини, тартибини ва шунга ўхшаш суд томонидан ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар юзасидан ўзининг фикрларини билдиради. Жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари, шарт-шароитлари, унинг келиб чиқишига ёрдам берган ҳолатлар ва уларни бартараф қилиш чора-тадбирлари юзасидан ўз фикрларини билдиради. Прокурор жабрланувчи томонидан киритилган фуқаролик даъвосини фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг манфаатларини муҳофаза қилиш зарур бўлган ҳолларда, қўллаб қувватлайди.

Суд муҳокамаси натижаларига кўра, прокурор судланувчига нисбатан эълон қилинган айб ўз тасдиғини топмаяпти деган ишончга келса, айбловдан воз кечиши шарт. Прокурор шунингдек, жиноят ишларини апелляция, кассация ва назорат инстанция судларида кўрилишида ҳамда ҳукмларни ижро этиш ёнки шунга ўхшаш Қонун билан белгиланган тартибда бошқа масалаларнинг ҳал этилишида иштирок этади.

Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштироки асосан судлар томонидан қонуний қарорлар қабул қилинишига кўмак бериш. Прокурорларнинг суд қарорларига нисбатан протест киритиш ваколатлари суд хатоларини тўғрилашда самарали ёрдам сифатида ўз тасдиғини топган бўлиб, апелляция тартибида суд қарорларининг

кўриб чиқилиши натижасида ноқонуний суд қарорларининг қонуний кучга киришининг олди олинади.

Фуқаролик процессида прокурорлар қонун билан белгиланган тартибда юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш учун тарафларнинг ўзаро муносабатларини аниқлаштириш, тўпланган далилларнинг ҳақиқийлиги ва ишонарлиликни аниқлаштиришга, вужудга келган муносабатларга ҳуқуқий баҳо бериш билан одил судловни амалга оширишга кўмаклашади.

Қатор ҳолатларда судларда ишлар кўрилишида прокурорнинг иштирок этиши шартлиги қонунда кўрсатиб қўйилган (Фуқаролик - процессуал Кодекси, Оила ва никоҳ Кодекси ва бошқа қонунлар) бўлиб, улар прокурорларнинг фуқаролик процессида иштирок этишининг ижтимоий аҳамиятини ҳам белгилаб беради.

Шундай ишлар қаторига: махсус иш юритувга тааллуқли, фуқарони бедарак йўқолган деб ёки ўлган деб эълон қилиш; фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш; фуқарони рухий даволаш муассасига мажбуран жойлаштириш; даъвога оид ишлар, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки чеклаш ва бошқалар. Ушбу кўрсатилган тоифадаги ишлар характеридан шу нарса келиб чиқадики, прокурорлар бу тоифа ишларни кўришда ҳуқуқни муҳофаза қилиш кафолати сифатидаги вазифасини янада масъулиятли амалга оширишлари лозим.

Судлар томонидан зарур деб топилган ҳолатларда ҳам прокурор иштироки шарт ҳисобланади. Бошқа фуқаролик ишларида прокурорнинг иштирок этиши зарурлиги кўрилагайишган ишнинг долзарблиги ва ижтимоий аҳамияти, мураккаблиги, давлат ва жамият, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини прокурор томонидан ҳимоя қилиш вазифаси нуқтаи-назаридан келиб чиқади.

Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, Бош прокурор томонидан биринчи инстанция судларида прокурор иштироки шарт қилиб белгиланган ишлар тоифасига илгари эгаллаб турган лавозимига тиклаш, бошқа турар-жой билан таъминламасдан туриб уй –жойдан чиқариш ҳақидаги ва тергов мобайнида рўйхатга олинган мулкларни рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги ишлар ҳам киритилган.

Суд хатоларини тузатишнинг энг самарали ва таъсирчан ҳуқуқий воситаларидан бири, суднинг ғайриқонуний қарорларига нисбатан протест киритиш ҳисобланади. Протест киритиш – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасида қайд қилинган қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат

функцияси талабидан келиб чиқадиган, прокурорнинг мажбурияти ҳисобланади. Судларнинг ғайриқонуний қарорларини ўз вақтида аниқлаш мақсадида прокурорлар ишларни апелляция тартиби ва муддатларида ишда ўзлари иштирок этган – этмаганликлари ҳамда тарафларнинг ариза ёки шикоятлари бўлиш – бўлмаслигидан катъи назар ўрганиб чиқадилар. Прокурорларнинг ушбу мажбурияти прокуратуранинг ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлиги устидан назорат функцияси мавжудлигидан ҳам келиб чиқади.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашнинг энг самарали ҳуқуқий ричагларидан ҳамда қафолатларидан бири прокурор томонидан манфаатдор бўлган аниқ шахсларнинг манфаатлари йўлида даъво аризаси ёки ариза билан судга мурожаат қилиши саналади. Прокуратуранинг ушбу ҳуқуқни муҳофаза қилувчи функциясидан келиб чиқадиган муҳим вазифасига, авваламбор, суд тартибидан ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояга ўта муҳтож бўлган фуқаролар (воёга етмаганлар, қариялар, ногиронлар, кўп болалилар, ёлғизлар ва шунга ўхшаш тоифаги фуқаролар)нинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга ҳамда бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган чора-тадбирларни ўз вақтида кўриш ҳисобланади. Прокурорларнинг келтирилган зарарларни қоплашга қаратилган даъволари ҳам ўта муҳим аҳамият касб этади. Бундай даъволар ичида айниқса, ғайриҳуқуқий ҳаракатлар ёки жиноятлар натижасида зарар етказилганида ҳамда маълум бир тоифа шахслар (маълум бир ҳудуд аҳолиси, меҳнат жамоаси ва х.к.з.)нинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган ва ғайриқонуний ҳужжатларни қонунга мувофиқлаштириш учун қилинган аризалар алоҳида ўрин тутди.

Прокурорнинг судларга фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво аризалари ва аризалар билан мурожаат қилишини унинг ҳуқуқи деб эмас, балки мажбурияти деб баҳоланса тўғрироқ бўларди. Маълум бир тоифа шахсларнинг ёки аниқ бир шахснинг ҳуқуқлари ғайриқонуний қабул қилинган ҳужжат натижасида бузилаётганлиги аниқланган тақдирда, ҳуқуқи бузилган шахслар ёки шахснинг прокурорга ўз ҳуқуқини тиклаш юзасидан мурожаат этган - этмаганлигидан катъи назар, шу ҳақда прокурорга маълум бўлиши билан, прокурор қонун билан ўзига берилган ваколатлардан фойдаланган ҳолда бузилган ҳуқуқларни ўз вақтида бартараф қилиш ва суд тартибидан тиклаш чорасини кўриши шарт.

Давлат корхоналари билан бир каторда кичик ва ўртин бизнес, тадбиркорлик, фермер хўжалиги субъектларини ҳам ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний иш фаолиятларига тўқинчилик қилувчи ҳар қандай бюрократик чигалликларни бартараф этиш, шартноманин ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш ҳам прокуратура органлари фаолиятларидаги асосий йўналишлардан бири ҳисобланади.

Прокуратура органларининг вазифаси хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий ва бошқа ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган иктисодий, молиявий, мулкӣ муаммоларини ҳар томонлама ҳуқуқий тартибга солишнинг аҳамиятини оширишдир. Прокуратура органлари ўзларига берилган ваколатлар доирасида хўжалик юритувчи субъектларнинг бузилган мулкӣ ҳуқуқларини тиклаш ва айбдор шахсларни қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш чораларини кўради.

Хўжалик шартномаларини тузиш, ижро қилиш ва бекор қилиш билан боғлиқ бўлган қонунларнинг бир хилда ижро этилишига алоҳида эътибор берилади. Прокурорлик таъсир чораларини қўллаш натижасида тўлов интизومي ва ўзаро ҳисоб-китоб тартибига оид кўп сонли қонунбузарлик ҳолатларининг олди олинади.

Хўжалик судларида прокурор ваколатларини таъминлашнинг асосий қисми хўжалик низоларига оид ишларнинг судларда кўрилишида иштирок этиш ҳисобланади. Хўжалик низоларига оид ишларнинг суд муҳокамасида кўрилишида прокурорнинг иштирок этиши, унинг давлат манфаатларини ва юридик шахсларнинг ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти, унга юкланган Конституциявий ваколатлардан келиб чиқади.

Прокурорнинг хўжалик процессуал қонунчилигидаги ҳуқуқий ўрни бозор иктисодиёти тикланиш даврида хўжалик-ҳуқуқий муносабатларнинг тартибга солиниши устидан назоратни амалга ошириш билан белгиланади. Прокурор шу мақсадларда, ўзига қонун билан берилган ваколатлардан фойдаланган ҳолда, ишда қатнашган-қатнашмаганлигидан қатъи назар суд ҳужжатларининг қонунийлигини текширади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан вояга етмаганларга оид қонунлар ижроси устидан назоратга ҳам алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Прокурор назоратининг ушбу йўналиши долзарблиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги 360 – сонли “Вояга етмаганлар иши бўйича Комиссия фаолиятини такомиллаштириш”

хақидаги Қарори қабул қилиниши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Х.Қодировнинг ушбу Давлат Комиссиясига раис этиб тайинланиши муносабати билан янада кучайди.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 50 % яқинини вояга етмаганлар ташкил этган бўлиб, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва соғлиқларини ҳимоя қилиш, шунингдек уларни тарбиялаш мамлакат таракқиётининг ушбу босқичида алоҳида ўрин тутди. Давлат Комиссияси дастурига мувофиқ прокуратура органлари тегишли органлар билан бирга ёшларни тарбиялашга, уларнинг ҳуқуқий ва маънавий дунёқарашларини ривожлантиришга йўналтирилган, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни ва уларни экстремистик-террорчилик диний уюшмаларга жалб қилинишининг олдини олишга қаратилган катор тадбирларни амалга оширмоқда.

Амалга оширилаётган текширишлар, кўрилаётган чоралар, ижобий амалиётнинг тарқатилиши, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик, жойларда комиссияларга амалий ёрдамларни бериш ўз ўрнида ижобий силжишларга сабаб бўлмоқда. Вояга етмаганлар ўртасида қонунчиликнинг мустаҳкамланиши ва ҳуқуқий асоснинг яратилиши прокурор назорати самарадорлигининг ошишига хизмат қилмоқда.

Ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ўташ муассасаларида, жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат ҳам прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Прокуратура органлари фуқароларнинг ариза, шикоят ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, уларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан кўриб чиқади. Прокурор фуқароларни ва юридик шахсларнинг вакилларини ҳимоя қилиш юзасидан уларни шахсан ўзи қабул қилади. Амалга оширилган текшириш натижаларига кўра, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш, фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш ҳамда келгусида шу каби қонунбузилиш ҳолларига йўл қўйилмаслиги учун тегишли прокурор таъсир чоралари қўлланилади.

Прокуратура органлари фаолиятининг Конституциявий ислохотлари ҳозирги кунга қадар ҳам давом этиб келмоқда. 2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдуми

натижасига кўра, Ўзбекистон Республикасида бутун дунёда энг кўп тарқалган ва самарали ҳисобланган парламент фаолияти шакли- икки палатали парламент: Сенат ва Қонунчилик Палатасига ўтилди. Ўтказилган плебисцитнинг қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тегишли ўзгартиришлар киритилди ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Референдум натижалари ва давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий тамойиллари”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳақида” ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик Палатаси ҳақида”ги қонунлари қабул қилинди.

Бу ислоҳотлар натижасида прокуратура органлари фаолиятига ҳам туб ўзгартиришлар киритилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 80- моддасининг янги таҳририга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Сенатининг мутлақ ваколатлари қаторига киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунларида прокуратура органларининг Ўзбекистон Республикасининг Сенати ва Қонунчилик Палатаси билан ўзаро муносабатлари механизми, шунингдек Бош прокурорнинг Ўзбекистон Республикаси Президент ва Олий Мажлиси олдидаги ҳисобдорлиги белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид бўлса, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Судининг қарори асосида бекор қилиниши “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун (янги таҳрири) билан белгиланди.

1.4. Прокурор назоратини қонун билан бошқариш

Мамлакатимиз ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан прокурор назоратини тартибга солувчи асосий қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунидир.

Конституциянинг 24-боби қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширишда прокуратуранинг ўрни ва фаолиятининг ҳуқуқий регламентациясига бағишланган. Бу эса, давлат органлари тизимида прокуратура алоҳида ўринни

эгаллашидан далолат беради. Жинойтчиликка қарши курашни амалга оширадиган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш билан бирга прокуратура улар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни ҳам амалга оширади. Шунинг учун прокуратура органлари зиммасида давлатдаги ҳуқуқ-тартибнинг қонунийлиги ҳолатига алоҳида жавобгарлик масъулияти ётади. «Прокуратура тўғрисида»ги биринчи Қонун Конституция қабул қилинган кундан бир кун кейин, яъни 1992 йил 9-декабрда қабул қилиниши бежиз эмас эди, чунки бундай «Прокуратура тўғрисида»ги қонунсиз қонунларга риоя қилиниши, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириб бўлмасди. Юқорида қайд қилинганидек бу қонун замон, давр талаблари асосида такомиллаштирилиб, 2001 йил 29 августда «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Буни тавсиф қилишга батафсил тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунда айтилгандек, прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган ягона марказлашган тизимни ташкил қилади ва ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширадилар. Прокуратура органлари фаолиятига аралашиб тақиқланади. Қонунларда мустаҳкамланган прокуратура органларининг ягоналиги ва марказлаштирилганлиги, шунингдек, мустақиллик принциплари Бош прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан бутун мамлакат ҳудудида қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширишда ягона сиёсатни олиб боришга ёрдам беради.

Конституция бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош прокурор ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади (Конституциянинг 93-моддаси). Бу эса, Бош прокурорга бутун прокуратура тизимига бошқа органлардан мустақил ҳолда бошчилик қилишни таъминлайди. Қорақалпоғистон Республикаси прокуроридан ташқари, барча қуйи турувчи прокурорлар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимига тайинланади ва озод этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Ўзбекистон Республикаси прокурори билан келишган ҳолда, Қорақалпоғистон

Республикаси Жўқорги Кенгеси томокидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади (Конституциянинг 119-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида асосий принциплар қоидалар белгиланган, улар эса амалдаги прокуратура тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларида ва бошқа соҳа қонун ҳужжатларида намоён бўлади. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги (янги тахрири) Қонуни ўзининг ҳуқуқий маъносига кўра, қонунлар ижроси устидан назоратнинг алоҳида соҳалари ва прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича, прокуратура органлари фаолияти ва уларни ташкил этилишини тартибга солиш билан бошқа норматив актлар орасида алоҳида ўринга эга.

Унинг ўзига хослиги биринчи навбатда, унинг универсаллиги билан белгиланади, яъни у назоратнинг предметида ва доирасига қараб ҳамда аниқланган қонунбузарликларга барҳам бериш бўйича прокурорнинг ваколатлари билан прокурорларнинг фаолиятини тўла ҳажмда тартибга солади. Шу билан бир вақтда, мазкур қонун мавжуд бўлган тегишли ҳуқуқ соҳалари: фуқаролик процесси, жиноят процесси, маъмурий, меҳнат, оила, жиноий ижро қонунчилиги ва ҳоказоларнинг ўрнини босмайди ва уларни алмаштирмайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни (янги тахрири) прокуратура органларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принципларини (3-сонли жадвал), унинг тизими, прокуратура органларининг ходимлари бўйича сиёсатини ва турли назорат соҳалари бўйича прокурорлар ваколатини белгилайди.

Умумий қоидаларга бағишланган биринчи бўлимда прокуратура органлари фаолиятининг мазмуни ва тушунчалари белгиланган: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишга қаратилган чораларнинг қўлланиши, прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари, прокуратура органларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари, айбдорларни жавобгарликка тортиш ва жиноий терговни амалга ошириш, жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш ва давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ҳамкорлик ёритилган.

Прокурор назоратининг мақсад ва вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш,

Конституцияда белгиланган фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқларини, шунингдек давлат мустақиллигини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўрикланадиган манфаатларини, фуқаровий давлат тузилишини, сиёсий ва иқтисодий тизимни, миллий гуруҳлар ва ҳудудий тузилмаларни ноқонуний тажовузлардан ҳимоя қилишдан иборат (Қонуннинг 2-моддаси).

Қонун прокурорлик назоратининг ананавийлик соҳаларини сақлаб қолган: қонунлар ижроси устидан назорат (умумий назорат), жинойтчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат, судларда ишларни кўришда прокурор ваколатлари, ушлаб турилганларни, қамокқа олинганларни сақлаш жойларида, жинойт жазоларни ва жинойт ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя қилиниши устидан назоратдан иборат.

Прокуратура органлари қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш билан бирга, ўзларининг фаолиятида ҳам қонунга қатъий амал қилишлари керак. Шунинг учун, қонун нормаларидан бири прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини очишга бағишланган, унга кўра, прокуратура органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш тартиби, шунингдек уларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади (Қонуннинг 3-моддаси).

Қонунда ўз ишида ягоналикка амал қилишга йўналтирилган прокуратура органларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари рўйхати кайд қилинган. Прокуратура органларининг бошқа давлат органлари, мансабдор шахслар аралашувидан мустақиллиги кафолати Қонуннинг 5 - ва 14-моддаларида таъкидланган.

Уларга кўра прокуратура органлари, ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширадilar. Прокуратура органлари фаолиятига аралашиб тақиқланади. Ўзбекистон Республика Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республика Олий Мажлиси олдида ҳисобдордир.

Прокуратура органларининг ходимлари ўз фаолиятлари даврида сиёсий партияларга аъзоликни тўхтатиб турадилар. Прокурорнинг

гайриқонуний қарор қабул қилишига эришиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин бирон-бир таъсир кўрсатиш ёки фаолиятини амалга оширишига тўсқинлик қилиш, унинг дахлсизлигига тажовуз қилиш, шунингдек прокурор ёки терговчининг рухсатсиз текширишлар на дастлабки тергов маълумотларини ошкор этиш, прокурорнинг талабларини бажармаслик белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади (5-модда). (4-сонли жадвал)

Қонунлар ижроси устидан назорат соҳасида (22-модда), суриштирув ва дастлабки тергов босқичида (28 модда), шунингдек, ушлаб турилганларни, камоққа олинганларни сақлаш жойида, жиноий жазоларни ва жиноят ҳуқуқий таъсирининг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя қилиниши босқичида (31-модда) прокурор талабларини бажариш мажбурийлиги тўғрисидаги қоидалар ўзига эътиборни қаратади. Прокурорнинг ўз ваколати доирасида қўяётган талаблари барча фуқаролар ва юридик шахслар учун мажбурийдир (6-модда). Прокурор талабларини бажармаслик қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 197-моддасида “Прокурорнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ва унинг талабларини бажармаслик” учун жавобгарлик кўзда тутилган.

Қонунда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг давлат ҳокимияти органи йиғилишларида қатнашиши кўзда тутилган. Қуйи турувчи прокурорлар ҳам ўзининг ваколат доирасида шундай ҳуқуқларга эга (9-модда). Бу прокурорларга шу органлар томонидан қандай масалаларни ҳал қилинаётганлигини билиш, шу билан бирга уларни муваффақиятли бажарилишига ёрдам бериш учун ўз фаолият йўналишларини белгилашга имконият беради. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг давлат аҳамиятига эга бўлган асосий мажбурияти, амалдаги қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш билан бир қаторда уни такомиллаштиришга қўмаклашиш, унга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ёки янги қонунлар қабул қилиш ҳақида таклиф беришга ҳақли. Шу мақсадда Бош прокурорга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қонунчилик ташаббуси билан мурожаат этиш ҳуқуқи берилган (13-модда). Амалиётда Бош прокурорнинг бундай таклифи Олий Мажлис томонидан мажбурий тарзда кўриб чиқилишини, амалдаги қонунларни шарҳлаш эса Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан амалга оширилишини аниқлатади.

«Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг (янги таҳрири) 7-моддасида фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш тартиби кўрсатилган. Прокуратура органлари конунда белгиланган тартибда фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқади, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва конуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўрадилар. Прокурор фуқароларни ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилади. Фуқароларнинг ариза ва шикоятлари ҳамда юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича қарор қабул қилади, бу қарор устидан юқори турувчи прокурорларга шикоят қилиниши мумкин.

Қонуннинг 2-бўлими прокуратура органларининг тизимига бағишланган. Прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган ягона марказлашган тизимни ташкил этади ҳамда куйи турувчи прокурорлар юқори турувчи прокурорларга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсиниши ҳамда ҳисобдорлиги асосида фаолият кўрсатади. Прокуратура органлари тизимини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар прокуратуралари ташкил этади.

Прокуратура органлари тизимида юқори поғона Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасидир. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тизимига ихтисослаштирилган прокуратуралар ҳам киради. Уларга вилоят прокурорларига тенглаштирилган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси, туман прокурорларига тенглаштирилган ҳарбий округлар, ҳудудий ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар киради (1-сонли жадвал).

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳузурида Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти ва унинг жойлардаги бўлимлари фаолият кўрсатади.

Марказий маҳкама ва куйи турувчи Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, ихтисослаштирилган прокуратуралар тизими мавжуд булган прокурор назоратининг сохалари ва асосий йўналишларига мувофик тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раислигида ҳайъат тузилади. Ҳайъат таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Худди шундай ҳайъатлар Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратураларида ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда прокурор раислигида тузилади ва бу ҳайъатларнинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратураларида ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда тузиладиган ҳайъатлар маслаҳат органлари бўлиб, улар қонунийлик ва жиноятчиликнинг ҳолатига, прокуратура органларининг фаолиятига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори буйруқлари ва кўрсатмаларининг ижросига, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишга доир ва бошқа масалаларни кўриб чиқади, прокурорларнинг, прокуратура органлари тузилмавий бўлинмалари раҳбарларининг ва бошқа ходимларининг ҳисоботларини эшитади. Ҳайъат қарорлари асосида тегишли прокурорлар буйруқлар чиқариши мумкин.

Қонуннинг 3-бўлими турли соҳалардаги прокурор назорати фаолиятини, қонунлар ижроси устидан назорат, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат, жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат ва ушлаб турилганларни, камокқа олинганларни саклаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят – ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш устидан назоратни ҳуқуқий тартибга солишга бағишланган. Бу соҳаларга тегишли нормалар конструкциясини, ягоналигини алоҳида таъкидлаш лозим. Унда назорат предмети, аниқланган қонун бузилишини бартараф этиш ва уларга нисбатан прокурор таъсир чоралари қўллаш бўйича прокурор ваколатлари белгиланган. Ҳуқуқий регламентацияда бундай аниқлик, биринчи навбатда прокуратура органларининг турли соҳалари фаолиятида, шу жумладан Республика прокуратураси марказий маҳкамасидаги параллелликни бартараф этади, иккинчидан эса, прокурор қонунларга риоя қилинишини текшириши керак бўлган давлат, хўжалик ёки ҳуқуқий фаолиятнинг қисмларини эътибордан четда қолдирмасликни аниқлатади.

Қонуннинг махсус 4-бўлими судларда ишларни кўришда прокурор ваколатига бағишланган. Фуқароларнинг, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида барча инстанция (жиноят, фуқаролик ишлари, хўжалик низолари, юқори инстанция) судларида ишлар кўрилишида прокурор қонунда белгиланган тартибда иштирок этади, у судларда жиноят ишлари кўрилишида давлат айбловини қувватлайди. Ишлар судда кўриладиганда иштирок этаётган прокурорнинг ваколатлари процессуал қонунлар билан белгиланади. Прокурор процессуал қонунда белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарорига апелляция, кассация, хусусий ва назорат тартибида протест келтиришга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Юқорида қайд қилинганидек, прокурорнинг процессуал ҳолати, унинг ваколатлари ва ҳуқуқий воситаси Ўзбекистон Республикаси ЖПК, ФПК, ХПК ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс билан тартибга солинади.

Қонуннинг 5-бўлими прокурор назорати ҳужжатларига бағишланган бўлиб, унда прокурор назорати ҳужжатларининг турлари, яъни протест, қарор, такдимнома, ариза ва огоҳлантирувчи қонунга зид бўлган ҳужжатга нисбатан ёки қонун бузулишининг хусусиятига қараб келтириш, чиқариш, кўрсатиш, уларни кўриб чиқиш тартиб-қоидаси берилган.

Қонуннинг 6-бўлими прокуратура органлари ходимларига бағишланган. Унда прокуратура органларидаги лавозимларга тайинладиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талабларни, прокурор ва терговчиларнинг касамёдини, прокурорлар фаолиятини баҳолаш мезонларини ифодаловчи нормалар мавжуд. Прокуратура органлари ходимларининг даражали унвонлари ва ҳарбий унвонлари, прокуратура органлари ва муассасалардаги хизмат, прокуратура органлари ходимларининг даҳлсизлиги, уларнинг моддий ва ижтимоий таъминоти, прокуратура ходимларини ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш чоралари, тартиби ва ҳ.к.з. лар баён қилинган.

Унга кўра прокуратура органларида прокурорлар, терговчилар ва иш ўрганувчилар лавозимига олий юридик маълумотга эга, зарур касбий фазилатлари бўлган, зиммасига юкланган хизмат вазифаларини бажаришга соғлиғи имкон берадиган Ўзбекистон

Республикаси фуқаролари тайинланади. Прокурор ўки терговчи лавозимига биринчи марта тайинланаётган шахс куйидаги мазмунди касамёд қабул қилади.

"Ўз хизмат вазифаларимни ҳалол ва виждонан бажаришга, қонун бузилишига қарши муросасиз курашишга фуқаро, жамият ва давлат манфатларини ҳимоя қилишга тантанали қасамиёд қиламан"

Прокурорлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони қонунийликнинг ҳолати ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъминланиши ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси таркибида прокуратура органлари ички хавфсизлигини таъминловчи инспекция тузилади, у прокуратура органлари ходимлари томонидан содир этилган хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, коррупция ва эгаллаб турган лавозимига нолойиқ бошқа ноҳўя хатти – ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар бўйича хизмат текширувини ўтказди.

Прокуратура органлари ва муассасаларида хизматни ўташ, прокуратура органлари ва муассасаларнинг ходимларга даражали унвонлар ва ҳарбий унвонлар бериш ҳамда улардан маҳрум этиш, уларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган Прокуратура органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомда белгилаб қўйилган.

Қонунда прокуратура органлари ходимларининг даҳлсизлиги белгиланган бўлиб, унга кўра прокурор ва терговчига нисбатан жиноят иши қўзғатиш ва дастлабки тергов ўтказиш прокуратура органларининг мутлақ вақолати ҳисобланади. Прокуратура органлари ходимларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик ва интизомий ноҳўя хатти-ҳаракат учун жавобгарлиги масаласи юқори турувчи прокурор томонидан ҳал этилади. Қонунда прокуратура органлари ходимларининг моддий ва ижтимоий таъминланиши, улар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари ҳам белгиланган.

Прокуратуранинг фаолияти ва ташкил этилиш ҳуқуқий асосларининг таркибий қисми Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидир. Бунда шартномаларнинг бевосита прокуратурага тегишли нормалари назарда тутилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларга мувофиқ чет эл

давлатларининг тегишли органлари билан прокурор назорати, жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамда бошқа масалалар бўйича ҳамкорлик қилади.

Бу йўналиш "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 7-бўлимида қайд қилинган. Шу бўлимда Ўзбекистон Республикаси прокуратура муассасалари илмий тадқиқотлар ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларининг малакасини ошириш мақсадида белгиланган тартибда илмий муассасалар ва ўқув юртлари ташкил этиши мумкинлиги, даврий нашрлар ҳамда махсус дастурлар чоп этиши мумкинлиги белгиланган ва Қонуннинг 56-моддасида, қонунда қўлланилган айрим атамалар, яъни "фуқаролар", "прокуратура органлари ходимлари" ва "прокурор" атамаларига, жумладан "прокурор" деган атама замирида ўз ваколатлари доирасида иш олиб бораётган қайси лавозимдаги прокуратура ходимлари тушунилиши кераклигига аниқ таърифлар берилган.

Прокурорлар ва терговчилар прокуратура органларининг ягона ва марказлаштирилганлигидан келиб чиқиб, ўзининг амалий фаолиятида нафақат норматив ҳужжатларга, балки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқ, фармойиш, кўрсатма, қарор ва йўриқномаларига амал қилади. Бош прокурор томонидан (Қонуннинг 13-моддаси) чиқариладиган буйруқ, фармойиш, кўрсатма қарор ва йўриқномалар барча прокурор ва терговчилар томонидан бажарилиши шарт. Бош прокурорнинг жиноятни тергов қилиш масаласи бўйича буйруқ, кўрсатма, фармойишлари ва қарорлари суриштирув ва дастлабки тергов органлари учун ҳам мажбурийдир. Ушбу чиқариладиган буйруқ, кўрсатма, фармойиш, қарор ва йўриқномалар қонунга мувофиқ бўлиши керак.

Бош прокурор томонидан чиқариладиган ҳужжатларнинг мақсади ва таркиби ўзига хос хусусиятларга эга ва уларнинг ҳар бирига қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Бош прокурорнинг **соҳавий буйруқлари** норматив ҳужжатлар тоифасига киради. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунга ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига асосланади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари прокуратура органлари тизими фаолиятини ташкил этиш ва ходимларнинг моддий ва ижтимоий таъминлаш чораларини амалга оширишнинг асосий, долзарб масалалари бўйича чиқарилади. Улар тоифасига прокуратура органларида бошқарув ва назоратни ташкил

этишнинг умумий масалалари, қонунлар ижроси устидан назорат бўйича ишларни ташкил этиш масалалари, жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни ташкил этиш ва бошқа масалалар юзасидан чиқарилган буйруқларни киритиш мумкин.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июндаги 25-сонли «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан прокурор фаолиятининг самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги буйруғида қонунларни ижро этиш устидан назоратни амалга оширувчи прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари, улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва ташкил этиш усул ва шакллари белгилаб берилган. Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокуратура органларининг вазибалари, жиноятчиликка қарши кураш, уларни олдини олиш самарадорлигини ошириш, суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини яхшилашга Бош прокурорнинг 2004 йил 9 декабрдаги 31 - сонли «Жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш ҳамда суриштирув ва дастлабки тергов ўтказишда қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи бағишланган.

Кўрсатма прокуратура органлари фаолиятининг бирмунча торроқ йўналишларини тартибга солиди. Жумладан, кўрсатма аниқ қонунлар ижроси устидан назоратни ташкил этиш масалаларига бағишланган бўлиши мумкин. Кўрсатмалар прокурор ва тергов амалиётини умумлаштириш ва текширувлар натижалари асосида чиқарилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори қонунлар ижроси устидан назорат самарадорлигини ошириш, қонун бузилиши ҳолатлари, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида бошқа вазирликлар ва идоралар билан тузиладиган шартномалар хусусида кўрсатмалар ҳам беради.

Фармойишлар асосан, бир марталик ва қисқа муддатли характердаги чораларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлади. Унинг ёрдамида Республика прокуратурасининг марказий маҳкамаси бошқарма бўлимларининг ҳамда йирик ихтисослаштирилган прокуратуралар макоми, прокурорларнинг моддий ва ижтимоий таъминоти чораларини амалга ошириш тартиби тартибга солинади.

Йўриқнома алоҳида фаолият турини амалга ошириш технологиясини белгилайди. Ишни ташкил этиш, статистик ҳисобот, ҳужжатларни сақлаш тартиби ва бошқалар шулар жумласидандир. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 10 декабрдаги "Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишида қонунийликни таъминлаш тўғрисида"ги 37-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида"ги йўриқномада Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари, уларни ҳал қилиш ва улар бўйича хабар бериш тартиби, прокуратура органларида фуқароларни қабул қилишни ташкил этиш тартиби белгиланган.

Шуни ҳисобга олиш керакки, Бош прокурорнинг буйруқлари қонуности ҳужжат бўлганлиги боис, у умуммажбурий характерга эга эмас ва унинг доираси прокуратура органлари билан чекланади. Қонун бузилишига нисбатан прокурорлик таъсир чораларини қўллаш ҳужжатлари (протест, тақдимнома, қарор ва бошқалар) Бош прокурорнинг буйруғига асосланиши мумкин эмас, ҳар бир ҳолатда фақат қонунга асосланиш керак.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўзининг буйруқ ва кўрсатмаларида қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни прокуратура органларининг муҳим вазифаси деб ҳисоблаб, прокуратура органлари ходимларига нисбатан талабчанликни оширади.

Буйруқларда таъкидланадиги, ҳар бир прокурор, терговчи ўзи қабул қилган қарорининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги учун тўлиқ жавобгардирлар. Асоссиз ушлаш, камоққа олиш ва айбсиз шахсларни жавобгарликка тортиш фактлари амалиётда умуман бўлмаслиги шарт. Ҳар бир шундай ҳодиса фавқулодда ҳодиса деб қаралади. Терговчи ёки прокурор томонидан кишининг тақдирига нисбатан ноҳолислик, бирёқламалилик, лоқайдликнинг мавжуд бўлиши прокуратура органлари сафида бўлишга мос келмайдиган хулқ-атвор деб баҳоланади.

Суд ҳокимияти мавқеининг оширилиши, прокурорлик назоратини, демократик ҳуқуқий давлат қурилиши, уни шакллантиришда, қонунчиликни либераллаштиришда ва уни

(қонунчиликни) келажакда халқаро ҳуқуқ нормаларига мос ҳолда тартибга келтириш прокуратура тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришни тақозо этди. Шу боис 2001 йил 29 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг II-чақирик VI-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисидаги» янги таҳрирдаги Қонуни қабул қилинди.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонун (янги таҳрири)нинг 1992 йилдаги Қонунга нисбатан фарқи, аввало, жумталарнинг аниқ ифода қилинганлигида, прокуратура органлари ўртасидаги ваколатларнинг аниқ белгилаб олинганлиги, замон руҳига мос ҳолда прокурорлик назоратининг янги соҳалари вужудга келганлиги, прокурорлар фаолиятини баҳолаш мезонларидаги ўзгаришлар, прокуратура органлари ходимларини ижтимоий химоялашнинг ошганлиги ва ҳоказоларда кўринади.

Мазкур қонун 56-моддани ўз ичига олувчи етти та бўлимдан иборат. Бундай қонун учун бу катта ҳажм ҳисобланади, жумладан, унда хатто айрим атамалар (“фуқаролар”, “прокуратура органлари ходимлари”, “прокурор”) сўзларига изоҳ ҳам бериб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимидир. (1-модда) Барча прокурорларнинг ваколат муддати 5 йил. (11-модда).

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ваколатлари ва унинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдидаги ҳисобдорлиги қонуннинг 13 - ва 14 - моддаларида белгиланган.

Қонунда прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари (4-модда) ва улар фаолиятини ташкил этишнинг асосий принциплари жуда атрофлича ифодаланган (5 - модда). Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари ҳам ёддан чиқарилмаган (10-модда). Шунингдек, унинг ташкил этилиши ва мансабдор шахсларини тайинлаш тартиби ҳам белгилаб қўйилган (18-модда).

Прокуратура органларининг хайъатлари фаолияти катъий тартибга солинган (19- модда). Қонунда ҳўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятга прокурорнинг бевосита аралашшига, шунингдек, идоравий бошқарув ва текширув органларининг вазифаларини бажаришга йўл қўйилмайди, деб таъкидланади (23-модда).

Прокурорлик назоратининг ҳар бир соҳасининг назорат предмети, прокурорнинг ваколатлари ва фаолияти хусусиятлари белгилаб берилган. Прокурорлик назорати ҳужжатлари мукамал номланган ва катъий тартибда белгиланган.

Прокуратура органлари ходимларига катта эътибор қаратилган, яъни прокуратура органларидаги лавозимларга тайинланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар, прокурор ва терговчиларнинг қасамёдидан бошлаб, прокуратура ходимлари ва улар оила аъзоларининг ижтимоий ҳимояси чораларига алоҳида эътибор қаратилган (43-51-моддалар).

1.5. Прокуратура органларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари

Прокуратура органларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошқоралиқдир (3- сонли жадвал).

Бирлик принципи - прокуратуранинг бирлиги, ҳамма прокуратура органларини ташкил этиш ва фаолият принципларининг бирлигида намоён бўлади, прокуратура органларини Бош прокурор бошчилигидаги ягона марказий маҳкама бошқаради. Прокуратуранинг бирлик принципи бу органлар олдига қўйилган вазифаларнинг ҳам бирлиги билан белгиланади, яъни давлат номидан қонунийликни мустаҳкамлашдир. Қонун бузилишини аниқлаш ва бартараф этишда юқори турувчи ва қуйи турувчи прокурорларнинг ваколатлари бир хил. Ҳар бир прокурор ягона прокуратура органининг вакили сифатида шу ваколат доирасида ҳаракат қилади ва қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни тўлиқ амалга оширади ва қонун бузилишини олдини олиш ва профилактика чораларини кўради.

Марказлашганлик принципи – прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган ягона марказлашган тизимни ташкил этади. Қуйи турувчи прокурорлар юқори турувчи прокурорларга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунishi ҳамда ҳисобдорлиги асосида фаолият кўрсатади. Прокуратура тизимида, бошқарув органлари тизимидаги

вертикал ва горизонтал бўйсуннишга нисбатан, бўйсуннишнинг факат вертикал тизими жорий қилинган, яъни қуйи турувчи прокурор юқори турувчи прокурорга бўйсунди.

Ҳамма прокуратура органлари бир хил мақсад ва вазифаларни бажарадилар, назоратни амалга ошириш тартиби, тактикаси ва усули ҳам бир хилдир.

Прокуратура органлари тизимида раҳбарлик принципи ҳам, прокурорлик фаолиятига оид ҳамма масалалар факат прокурор томонидан яқка тартибда ҳал қилинишида ифодаланadi. Юқори турувчи прокурорларнинг яқка тартибдаги бўйруқ, фармойишлари қуйи турувчи прокурорлар учун мажбуридир. Юқори турувчи прокурор қуйи турувчи прокурорнинг қарорлари, фармойишларини яқка тартибда бекор қилиши мумкин.

Прокуратура органларининг юқори тизимларида яқка тартибдаги раҳбарликни, прокурорлик фаолиятининг алоҳида муҳим масалалари бўйича қабул қилинадиган қарорларни коллегиял тартибда муҳокама қилиш билан боғлиқ ҳолда олиб бориш ҳам жорий қилинган. "Прокуратура тўғрисида" ги Қонун (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратураларида ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда маслаҳат органи бўлган ҳайъат тузилишини кўзда тутadi. (19-модда).

Қонунийлик принципи - прокуратура органларининг ходимлари ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда бошқа қонунларнинг талабларига аниқ риоя этишлари за уларни бажаришлари шарт. Қонунларни аниқ бажариш ва уларга риоя этишдан ҳар қандай чекиниш, қандай асосларга кўра қилинишидан қатъи назар, қонунийликни бузиш деб ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг "Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар" (Конституциянинг 15-моддаси) деган нормаси қонунийлик принципининг асосини ташкил қилади. Бу шуни англатадики, прокурорлар давлатда қонунларни аниқ, бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширарканлар, қонундан четга чиқишга, уни бузилишига ва ўзбошимчаликка йўл қўймасликлари керак. Прокурорларнинг ҳар бир ҳуқуқий ҳужжати, уларнинг процессуал ҳаракатлари қонунга асосланиши, ундан келиб чиқиши ва қонунда

белгиланган тартибда ва шаклда бажарилиши лозим. Қонунийлик прокурорлар томонидан давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, фуқаролар ҳаракатини баҳолашнинг мезони бўлиши керак.

Мустақиллик принципи – прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда, қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширадилар. Прокуратура органларининг фаолиятига аралашиб тақиқланади (4-сонли жадвал).

Прокурорнинг ғайриқонуний қарор қабул қилишига эришиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин бирон - бир таъсир кўрсатиш ёки фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, унинг дахлсизлигига тажовуз қилиш, шунингдек, прокурор ёки терговчининг рухсатсиз текширишлар ва дастлабки тергов маълумотларини ошкор этиш, прокурорнинг талабларини бажармаслик белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Шу сабабли ҳам, прокурордан қонун талабларини ҳимоя қилишда юқори қатъиятлик, муросасиз муносабатда бўлиш, қонун бузилишига ўз вақтида кескин таъсир қилиш талаб қилинади. Прокуратура органлари ҳар қандай қонун бузилишини ким томондан бузилишидан қатъи назар, аниқлаш ва ўз вақтида бартараф қилиш, бузилган ҳуқуқни тиклаш ва айбдорларни белгиланган қонуний жавобгарликка тортиш чораларини кўрадилар. Бу эса прокурорлик фаолиятининг ҳамма соҳаларида "Прокуратура тўғрисида" ги Қонунда (янги таҳрири) мустаҳкамланган ваколатлар орқали таъминланади. Прокурорлар нафақат қонунларнинг бир хилда бажарилишини, балки уни бир хилда тушунилишини ва талқин қилинишини таъминлашлари лозим. Бу қонундаги риоя қилиниши қонун бузилишининг олдини олишга ва профилактика қилишга ёрдам беради.

Ошкоралик принципи – вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар халқ депутатларининг тегишли Кенгашларига, зарурат бўлган ҳолда эса фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига қонунийликнинг ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида ҳар йили ахборот берадилар.

Прокуратура органлари ҳам, ҳуқуқни муҳофаза этувчи бошқа органлар каби, ўз фаолиятларини жамоатчиликдан ажралган ҳолда амалга оширолмайдилар. Прокурорлар ишида ошкоралик, уларга

қонунбузилишга, ҳуқуқбузарликка йўл қўйган шахсларга нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантиришга, одамларнинг ҳуқуқий онгига таъсир қилишга ва уларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга имкон беради.

Ошкоралик принципининг прокуратура органлари фаолиятида амалий таъминланиши учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори "Прокуратура органларининг қонунчилик тарғиботи ва қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш борасидаги вазифалари тўғрисида"ги 2004 йил 24 июндаги 29 сонли буйруғида "Қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида фуқароларни қонунларга ҳурмат ва қонун устуворлигига ишонч руҳида тарбиялашда иштирок этиш прокуратура органларининг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин. Кенг жамоатчиликни прокурор назоратининг асосий йўналишларида амалга ошираётган ишлар тўғрисида, шу жумладан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг манфаатлари ҳимояси юзасидан ўтказилган текширишлар натижалари ҳамда қўрилган чоралар, тергов ишлари, судларда прокурор ваколати таъминланган жиноят, фуқаролик, хўжалик ишлари, жиноий жазоларни ижро этишда қонунларга риоя қилиниши юзасидан хабардор этишга доимий эътибор қаратилсин" деб таъкидланган.

Прокурорлар ошкоралик принципини ҳаётга татбиқ қилиб, нафакат прокуратуранинг жамоатчилик билан алоқасини мустаҳкамлашга шароит яратадилар, балки шу билан бирга фуқароларда меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш, қонунларни ҳурмат қилиш, умумэътироф этилган яшаш, ахлоқ ва одоб қоидаларига риоя қилиш руҳи шаклланишига ҳам ёрдам берадилар.

1.6. Прокуратура органларининг вазифалари ва йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг (янги таҳрир) 2-моддасига мувофиқ давлатимиз прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўрикланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат. Мазкур вазифалар

Конституциямизнинг 118-моддасидан келиб чиқиб, унга кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширадilar. Бу прокуратура органлари фаолиятида назоратнинг барча йўналишлари ва соҳаларини бутунлигича, шунингдек прокурорлик фаолиятининг алоҳида аспектиларини (жиҳатларини) ҳам қамраб олади.

Қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш бўйича ўз ваколатларини бажара туриб, прокурорлар давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг барча органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг қонунийлик асосида ҳаракат қилишларини, ҳуқуқ тартиботни сақлаш, жамият манфаатлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, интизомга риоя қилиниши каби уларга юклатилган мажбуриятларини бажараётганликларини ҳам кузатиб турадилар.

Прокурорлик назоратининг асосий принциплари тизимида умум-ҳуқуқий ва махсус принциплар бир – биридан аниқ фарқ қилади, шунингдек улар ташкилий ва функционал принципларга ҳам бўлиниб, улар кўриб чиқиладиган мавзунинг моҳиятини янада атрофлича тушунтиришга имкон беради, прокуратуранинг умумий ҳолатини, фаолияти хусусиятларини кандайлигини, шунингдек прокуратуранинг ҳуқуқий мақомини аниқлашга ёрдам беради.¹

Юқорида қайд қилинганидек, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг (янги таҳрири) 2 - моддасига кўра прокуратура органларининг асосий вазифаси қонун устуворлигини таъминлаш, қонунчиликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқландиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишга йўналтирилган.

Прокурорлик назоратини, унинг ҳар бир соҳаси бўйича унинг мазмуни ва моҳиятини белгилаб берган «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари асосида, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўзининг раҳбарий характердаги буйруқларида прокурорлар олдига қонунлар бузилиши ва уларни бажаришдан бўйин товлашни ўз вақтида аниқлаш, уларни бартараф этиш ва олдини олиш бўйича аниқ вазифалар кўяди.

¹ Ибрагимов З.С Прокуратура суверенного Узбекистана. Т., 2000. – С.84.

Қонунларнинг ижроси устидан назоратни амалга оширишда прокурорларнинг вазифалари Республика худудида қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ва фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари, барча миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқлилигини, жамиятда ижтимоий адолат ва қонунийликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш ва давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда мансабдор шахслар томонидан чиқарилган ҳуқуқий актларнинг, Конституция ва бошқа қонунларга, шунингдек Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мос эканлигини текширишдан иборат.

Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратнинг вазифаси прокуратура органларининг жиноятчиликка қарши курашувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, тергов ва суриштирув ҳамда тезкор – кидирув фаолияти устидан назоратни амалга оширишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган.

Жиноят – ижроия қонунчилигида ҳам сезиларли ислоҳий ўзгаришлар юз бермоқда. Маҳбус ва маҳкумларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилиб, қамоқда сақлаш ва жазони ижро этиш шароитлари жаҳон андозаларига мослаштирилмоқда. Ушлаб турилганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят – ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширишда асосий эътибор фуқароларни қамоқда сақлашда қонунийликни таъминловчи, жиноий жазоларнинг ижросини тартибга солувчи қонунчиликни аниқ ва бир ҳилда кўлланилиши устидан доимий ва самарали назорат ўрнатиш билан биргаликда, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича судларнинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорларининг мулкий ундиришга оид қисми, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорларининг мулкий ундиришга тегишли қисми, ижро иши юритиш билан боғлиқ бўлган суд ҳужжатларининг ижро қилинишида қонунларга риоя этилиши устидан назоратга қаратилган.

Судларда ишларни кўришда прокурорнинг иштироки соҳасидаги асосий вазифа, судларда ишлар кўрилишида прокурор ваколатини малакали таъминлаш орқали фуқароларнинг, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний

манфаатларини химоя қилишдан иборат. Прокурорлар қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлардан тўла ва самарали фойдаланиб, шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, тарафларнинг тортишуви, айбсизлик презумпцияси, судларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши ҳамда жиноят процессининг бошқа принципларига қатъий амал қилган ҳолда фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мустақамланган шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан кўрикланадиган манфаатлари химоя қилинишини таъминлашлари ва судга адолатли қарор қабул қилишга кўмаклашишлари, суд қарорини қонунсиз деб топган тақдирда хусусий, апелляция, кассация ва назорат протестлари келтиришлари лозим.

Суднинг қонуний кучга кирган қарорлари устидан тушган шикоятларни чуқур ва атрофлича текшириш ҳамда кассация ва назорат протести келтиришни рад этиш ҳолларида, иш бўйича асослантирилган хулоса тузиб, шикоят билан мурожаат қилган шахсга асосли жавоб кайтарилиши, «Прокуратура тўғрисида» ги Қонунда ифодаланган ҳамда судларда жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари кўрилиши чоғида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 21-, 22- ва 23 - сонли буйруқларида белгиланган талабларга қатъий амал қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида» ги Қонуни (янги таҳрири) 4-моддасига мувофиқ прокуратура органлари ўз фаолиятларини қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширадилар.

-вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

-фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш. (Назоратнинг бу янги кўриниши адабиётда баъзан прокуратуранинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясига киритилади.¹⁾)

-Ўзбекистон Республикаси Куролли кучларида, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

¹ Каранг Рохлинг.В.И ,Сидорук.И.И Правоохранительная функция прокуратуры.С.Петербург, 2000., С.9.

-тезкор-қидирув фаолиятини, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жинойтчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

- жинойтлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш;

-судларда жинойт ишларини кўриб чиқаётганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишлари, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда ҳўжалик низоларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протестлар келтириш;

-солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ соҳасидаги жинойтлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

-ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жинойт жазоларни ва жинойт – ҳуқуқий таъсирларнинг бошқа қораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

-қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.

Прокуратура органлари фаолиятининг юқорида қайд қилинган асосий йўналишлари, асосий вазифаларидан келиб чиқувчи қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланидиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва профилактика қилишга йўналтирилган.

Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари тушунчасини англашда, асосан аниқ фаолият ёрдамида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар қонун ижроси устидан назоратни амалга ошириш орқали, прокурорлик назоратидан кўзланган мақсадга эришиш, уларга юклатилган вазифаларни бажариш, қонун бузилиши ва жинойтчиликка қарши курашиш борасида тадбирларни ўтказиш тушунилади.

Санаб ўтилган прокуратура фаолияти йўналишларининг аксарияти прокурор назорати соҳалари ҳисобланади ёки прокуратуранинг мустақил функциясини ташкил этади.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг (янги таҳрири) 3- ва 4- бўлимларида қайд қилинган прокурор назорати соҳалари, унинг давлат фаолияти органлари ва мансабдор шахслар томонидан бажариладиган специфик функциялар ва ҳар бир соҳадаги ҳал қилинадиган вазифаларнинг хусусиятларидан келиб чиқади.

Шунинг учун прокурор назорати соҳалари прокуратура органлари фаолиятининг ихтисослаштирилган ташкилий-ҳуқуқий йўналишлари бўлиб, прокурор назорати предмети ва объекти ҳамда прокурорнинг специфик вазифаси ва ваколатлари билан характерланади.

Ҳар бир соҳада назоратни тўғри ташкил этиш ўз ичига, қандай масала, қандай актлар (ҳужжатлар), ҳаракат (ҳаракатсизлик), ҳуқуқий муносабатлар текширилиши лозимлигини аниқ билишни ва қандай назорат объектларида қонун бузилишини аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш ва бузилган ҳуқуқларни тиклаш, қонун бузилишида айбдор бўлганларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш учун қандай субъектлар прокурорнинг эътиборида бўлишини аниқ белгилашни тақозо этади.

Прокурор назорати соҳалари тушунчаси, ҳар бир соҳанинг махсус вазифалари билан ҳам характерланади. “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг (янги таҳрири) 2-моддасида қайд қилинган Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари, прокурорлик назоратининг ҳар бир соҳаси доирасида аниқ вазифалар орқали амалга оширилади. Назорат соҳаларининг асосий вазифалари давлатнинг Олий ҳокимият ва бошқарув органлари қарорларидан келиб чиқади, улар эса асосан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари, фармойишлари, кўрсатмалари ва йўриқномаларида ўз аксини топган.

Прокурор назорати соҳалари тушунчаси ўз ичига ҳар бир соҳа бўйича прокурорда махсус ваколатлар мавжудлигини ҳам ўз ичига олади. Бу ваколатлар у ёки бу соҳада назоратни амалга оширадиган прокурорнинг ҳолати билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, хусусияти билан бир-биридан фарқ қилади. Мисол учун, жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширадиган прокурор ҳокимият бошқарув ваколатларига эга бўлса, қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширадиган прокурорга бундай ваколат берилмаган.

Шуни ёддан чиқармаслик лозимки, прокурор назорати соҳалари, бу бир биридан ажратилган, алоҳида қисмлар эмас, улар ҳар хил йўналишларни кўзда тутувчи, бир – бири билан ўзаро боғлиқ, ягона прокурорлик фаолиятидир, улар орқали прокурорнинг конституциявий функцияси, яъни қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат амалга оширилади. Ҳеч бир прокурорлик назорати соҳаларини бошқа соҳалар билан боғлиқ бўлмаган ва прокуратуранинг умумий вазифаларидан алоҳида ҳолда кўриб чиқиш мумкин эмас.

Шу вақтнинг ўзида прокурор назорати соҳаларидан, прокуратура органлари фаолиятининг махсус вазифалари билан ажралиб турувчи бўлимларни ажратиш лозим. Мисол учун, вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика қилиш прокуратура органларининг асосий вазифалардан бирига айлангани, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назоратни алоҳида ажратишни тақозо этади. Фуқароларнинг ариза ва шикоятлари ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишида қонунийликни таъминлаш ҳам прокуратура фаолиятининг зарур тармоғи ҳисобланади. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Қуролли Кучлар, транспорт, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари тизимида фуқаролар мурожаатлари ва хатлар бўлимлари фаолият кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари органларида қонунлар ижроси устидан назоратнинг специфик вазифаси прокуратура органларининг ягона тизимида Ўзбекистон Ҳарбий прокуратураси ва унинг жойлардаги органларини мустақил тармок сифатида ажратишни тақозо этди.

Темир йўл, сув ва ҳаво транспортларида қонунчиликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишда прокурорлик фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг муҳим аҳамиятини эътиборга олиб вилоят прокуратураси ваколат доирасида фаолият кўрсатувчи Ўзбекистон Республикаси транспорт прокуратураси ташкил қилинган¹. Жиноий жазоларни ва жиноят ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат алоҳида хусусиятлари эътиборга олиниб, марказий маҳкама ва вилоят прокуратураларида қомоққа олинганларни сақлаш ва жазони ижро этиш жойларида қонунларга

¹ Давлатов А.Д. Прокурорский надзор: Учебник. "Билим", Нукус, 1999г, стр. 31-33.

риоя этилиш устидан прокурор назорати бошқарма ва бўлимлар, айрим вилоятларда эса махсус ихтисослаштирилган прокуратуралар фаолият кўрсатмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни, прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари тариқасида тезкор – кидирув фаолиятни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб боришни белгилаган. Қайд қилинганларга кўра, жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш борасида прокурорлар ваколати кенгайтирилиб, уларга суриштирув ва дастлабки тергов органларидан текшириш учун жиноят ишларини, суриштирув, тезкор – кидирув фаолиятининг ҳужжатларини ҳамда бошқа маълумотларни талаб қилиш ҳуқуқи берилди. Қонунда прокуратура органларининг тергов аппаратлари ҳуқуқий мақомига алоҳида эътибор берилган. Яъни, прокурор ҳар қандай жиноятни тергов қилишни ўз иш юритувига олишга ёки ўзига бўйсунувчи прокурорларга топширишга, шунингдек биргаликда тергов ўтказиш учун прокуратура терговчилари, ички ишлар органлари ҳамда бошқа органларнинг терговчилари ва тезкор ходимларидан иборат тергов гуруҳини тузишга ҳақлидир.

Прокуратура ўзига юклатилган функциялар нуқтан назаридан, қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириб, нафақат жиноятчиликка қарши кураш олиб борадилар, балки шу вақтнинг ўзида жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини таъминлаш мақсадида тезкор кидирув фаолиятини, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган тегишли органларнинг фаолиятини ҳам мувофиқлаштиради. Жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг аҳамияти катта. Амалиётда жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органларнинг ҳамкорлигидаги ҳаракатларни белгиловчи шакл ва усуллар ишлаб чиқилган ва улар самара бермоқда (5-сонли жадвал).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ давлат органлари давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз николиларига тааллуқли масалаларини ҳал этадилар, қонунийликни,

хуқуқ-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлайдилар. Прокуратура органлари қонунийликни мустаҳкамлаш ва хуқуқ-тартиботни сақлаш ишида халқ депутатлари Кенгашлари, фуқароларнинг ўзини – ўзи бошқариш ва бошқа давлат органлари, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари билан ҳамкорлик қилади ва фуқароларнинг ёрдамига таянади.

Конунчиликни ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, бартараф қилиш, олдини олиш ва профилактика қилиш ҳуқуқ-тартиботни ҳимоя қилиш органлари фаолиятининг асосий мазмунини ташкил қилади. Шунинг учун, қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширувчи прокуратура органига жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш юклатилган. Депутатлар кенгаши, фуқароларнинг ўзини – ўзи бошқариш ва бошқа давлат органлари, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари учун эса жамоат тартибини сақлаш функцияси, уларнинг фаолиятида бажариладиган жуда кўп масалаларнинг бир қисминигина ташкил қилади. Бу ерда, энди прокуратура мувофиқлаштириш функциясини бажармайди, балким улар билан қонунчиликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масаласида ҳамкорлик қилади¹ (6-сонли жадвал).

Прокуратура органлари қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида фаол иштирок этмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қонунчилик ташаббуси билан мурожаат этишининг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасида мустаҳкамланган. Яъни, у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан кўриб чиқилиши учун янги қонунлар ва амалдаги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун қонун лойиҳаларини таклиф этади. Бу эса, мамлакатимизда қонуншунослик фаолиятининг демократик асослари ривожланаётганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бундай ҳуқуқни бериш орқали, прокуратура органлари ўз фаолиятида қонунларни жойларда қўллаш, уларнинг жамият турмушига таъсирини аниқлаш, қонунларнинг қайси механизми ишлаши ёки ишламаётганлиги, қандай ўзгартириш киритиш кераклиги ёинки қонун қандай қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлишини аниқлашга имкон яратади.

¹ Давлетов А.Ж. Прокурорский надзор. Учебник. «Билим» - Нукус, 1999, 88 стр.

Прокуратура органлари қонунларнинг аниқ ва бир хилда амалга оширилиши устидан назоратни амалга ошириш борасида жуда кўп амалий материалларга эга бўлади. Улар ўз вақтида қонунлар таҳлили билан шуғулланиб, зарур бўлган қонун ижодкорлиги йўлида, белгиланган тартибда асослантирилган равишда янги қонун лойиҳасини таклиф этиш ёнги амалдаги қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилишини ёхуд қонунни ўз кучини йўқотган деб эътироф этилишига эришадилар.

Бундан ташқари, Бош Прокуратура ходимлари мунтазам равишда Ўзбекистон Республикаси парламентига қонунлар лойиҳаларини ишлаш ва қонунлар лойиҳалари юзасидан тузилган комиссияларда иштирок этиш учун жалб этиб туриладилар. Прокуратуранинг қонун ишлаб чиқиш жараёнига бундай тарзда жалб қилиниши қонун ижодкорлиги фаолиятида прокуратуранинг иштироки нақадар зарурлигини билдиради. Шунингдек, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида айтилганидек, у прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида белгиланган йўналишнинг амалий кўриниши ҳисобланади.

Ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ҳамда жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш ишлари муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, тушунтириш ҳамда тарғиб қилиш қонунийликни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорининг “Прокуратура органларининг қонунчилик тарғиботи ва қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш борасидаги вазифалари тўғрисида”ги 2004 йил 24 июндаги 29 - сонли буйруғида “Қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида фуқароларни қонунларга ҳурмат ва қонун устуворлигига ишонч руҳида тарбиялашда иштирок этиш прокуратура органларининг муҳим вазифаси деб ҳисобланиши ва ҳар бир прокуратура ходими қонунчилик тарғиботи ва қонун ижодкорлиги фаолиятида самарали иштирок этиши учун доимий равишда ўз устида ишлаши, ўзининг касб маҳоратини ошириб бориши зарурлиги” белгиланган¹.

Прокуратура органларининг мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 24 июндаги 29 - сонли буйруғи.

давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун ижодкорлиги ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишидаги фаолиятини ёритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси муассислигида “Ҳуқуқ” (“Huquq”) газетаси таҳририяти ташкил этилган. Газета таҳририятининг асосий вазибалари этиб:

-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, давлатни модернизациялаш ва ислоҳ қилишнинг устивор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш, қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда давлат ва жамият қурилишининг турли соҳаларида қонунийликни такомиллаштириш муаммоларини ёритиш;

-Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг қонун устиворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятини ёритиш ва ошқоралик бериш;

-прокуратура органларининг қонунийликни таъминлаш бўйича фаолияти самарадорлигини оширишнинг долзарб муаммоларига, суд ҳуқуқ ислохотларини чуқурлаштириш жараёнларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга бағишланган материалларни чоп этиш;

-фуқароларнинг, биринчи навбатда ёшларнинг ҳуқуқий онгини, уларнинг сиёсий маданияти ва ижтимоий фаоллигини оширишга, шунингдек, одамлар онгида демократик кадриятларни шакллантиришга хизмат қиладиган материалларни чоп этиш;

-ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини, халқаро ҳуқуқни ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ёритиш,¹ белгиланган.

Прокуратура органларида қонунчилик юзасидан тўлиқ маълумот олиш ва прокурор назоратини самарали ташкил этиш мақсадида қонунларни мужассамлаштириш ишлари юритилади, бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўғри қўллашга ёрдам беради. Барча поғоналардаги прокуратура органларида норматив – ҳуқуқий ҳужжатларнинг электрон базаси ўрнатилган бўлиб, улар янгилашиб боради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси муассислигида “Ҳуқуқ” (“Huquq”) газетаси таҳририяти ташкил этиш тўғрисида”ги 2006 йил 27 февралдаги 54 – сонли буйруғи.

Қонунларни мужассамлаш ишлари Республика Бош прокуратурасида қонунчилик тарғиботи бўлими, вилоят прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда тегишли прокурорларнинг қонунчилик тарғиботи бўйича катта ёрдамчилари, шунингдек Департаментда норматив – ҳуқуқий база бўлинмаси ҳамда жойлардаги бошқармаларида матбуот гуруҳи томонидан амалга оширилади¹. Прокуратура органларида қонунларни мужассамлаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2006 йил 25 январдаги 52 – сонли буйруғи билан тасдиқланган “Прокуратура органларида қонунларни мужассамлаш ишларини юритиш тартиби ҳақида Йўриқнома” асосида амалга оширилади.

Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари прокуратура органлари олдида турувчи вазифаларни ва натижада қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилишида прокурорлик назоратининг таъминланиши каби конституциявий функциянинг амалга оширилишига ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) бошқа қонунлар билан комплекс равишда прокурорлик назорати самарадорлигини тўлиқ таъминлайди.

1.7. Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш тарбиялаш ва ходимларга қўйиладиган талаблар

Прокуратура органлари, шу жумладан солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун аввало кадрларни тўғри танлаш, тайинлаш, тарбиялаш, уларнинг касб маҳорати ва малакасини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Асосий эътибор ходимларнинг ўз ишига бўлган масъулиятини тубдан ўзгартириш, шахсий жавобгарликни ошириш, ўз ишининг устаси бўлиб шаклланишига эришишга қаратилмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш тўғрисида”ги 2005 йил 17 февралдаги 42 – сонли буйруғида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларига юклатилган вазифаларни бажаришда кадрларни тўғри танлаш, тайинлаш, тарбиялаш ҳамда

¹ Прокуратура органларида қонунларни мужассамлаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2006 йил 25 январдаги 52 – сонли буйруғи билан тасдиқланган “Прокуратура органларида қонунларни мужассамлаш ишларини юритиш тартиби ҳақида Йўриқнома”.

уларни касб маҳорати ва малакасини ошириш прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишнинг энг мухим омилларидан бири эканлиги эътироф этилган.

Прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан бошқарилади. Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ҳамда лавозимдан озод этиладиган биринчи ўринбосарига ва унга ўринбосарга эга. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида 30 та таркибий тармоқлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари котибиятлари ва Бош прокуратура хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти фаолият кўрсатади (7-сонли жадвал). Барча прокурорларнинг конституциявий ваколат муддати 5 йил ҳисобланиб, бу муддат ичида улар сиёсий партияларга ва бошқа сиёсий мақсадларни кўзловчи бирлашмаларга аъзоликни тўхтатиб туришади¹.

Прокуратура органларидаги хизмат Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ равишда ташкиллаштирилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруқлари, кўрсатмалари ва Низомлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Бош прокуратура, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар маҳкамаларидаги бошқарма ва бўлимлар, катта прокурорлар фаолияти Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, вилоят ва уларга тенглаштирилган прокурорлари томонидан тасдиқланган Низомлар асосида олиб борилади. Ҳар бир тезкор ходимнинг мажбурияти Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарлари ва тегишли прокурорлар томонидан тасдиқланган махсус ҳужжатларда (меҳнат тақсимоти ҳақидаги) белгиланган.

Туман (шаҳар) прокуратураларида ҳар бир ходимнинг мажбурияти прокурорлар томонидан тасдиқланган ва тақсимланган. Аммо, штатлар сонининг камлиги туфайли прокуратура фаолиятининг барча йўналишлари бўйича функционал

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги УП - 3406 сонли Фармонида. “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тизими” ҳақидаги 1 – сонли илова. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг “Жиноятчиликка қарши курашишни ташкилий – услубий таъминлаш бўлими”ни тугутиш ҳамда “Прокуратура органларида терговни назорат қилиш бошқармаси тўғрисида”ги Низомини тасдиқлаш ҳақида”ги 2005 йил 10 октябрдаги 47 – сонли буйруғи.

мажбуриятларнинг ҳаммаси фақат шу прокуратурада ишловчи туман прокурори ва унинг ёрдамчиси ҳамда ходимларининг ўзлари томонидан амалга оширилади.

Прокуратура органларига ишга қабул қилиш куйидаги мажбурий талаблар мавжуд бўлганда амалга оширилади, яъни, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, олий юридик, Департамент органларида хизмат қилиш учун эса олий юридик, иқтисодий, молиявий маълумотнинг мавжудлиги; тегишли, зарур касбий фазилатларга эга бўлишлик; соғлиғи унга юклатиладиган хизмат мажбуриятларини бажара оладиган даражада бўлиши лозим.

Прокуратура органлари ходимлари ҳақ тўланадиган бошқа бирон – бир фаолият тури билан шуғулланиши мумкин эмас. Улар илмий, ўқитувчилик ва ижодий фаолият билан фақат асосий ишдан бўш вақтда шуғулланишлари мумкин (43 - модда).

Прокуратура органларига хизматга мамлакатнинг олий юридик ўқув муассасалари битирувчилари, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар, бошқа ташкилотлар ва корхоналардан қабул қилинадилар. Прокуратура органларига илк бор ишга қабул қилинган ходимлар белгиланган тартибда қасамёд қабул қиладилар. Прокуратура органларига ишга қабул қилишда, биринчи навбатда, прокуратура органларида меҳнат қилаётган олий маълумотли техник ходимлар ҳамда прокурорларнинг жамоатчи ёрдамчилари сафидан муносибларини танлашга алоҳида этибор берилади¹. Жамоатчи ёрдамчи сифатида ишга қабул қилиш Бош прокурор томонидан тасдиқланган "Прокурорнинг жамоатчи ёрдамчилари тўғрисида"ги Низоми билан тартибга солинади². Хизматга судланганлиги мавжуд бўлган шахслар қабул қилинмайдилар. Ишга қабул қилишда ирқи, миллати, жинси, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳволи, диний эътиқоди ва бошқа ҳолатларга қараб ҳар қандай чеклашларга қонун билан йўл қўйилмайди.

"Прокуратура тўғрисида"ги Қонун (янги таҳрири) фақатгина бир чекловни назарда тутди, яъни, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман, шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимига йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган шахслар тайинланади (43-модда).

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг "Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш ва тайинлаш тўғрисида"ги 2005 йил 17 февраль 42- сонли буйруғи, 4 – банди.

² Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг "Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш ва тайинлаш тўғрисида"ги 2005 йил 17 февраль 42- сонли буйруғи, 3 – илова.

Туман – шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ва Департаментнинг жойлардаги булимлари бошлиқлари лавозимларига, қоида тарикасида прокуратура органларида ва мутахассислиги бўйича камида беш йил ишлаган, ўз ишининг устаси бўлган, масъулият ва шахсий жавобгарликни ҳис этувчи муносиб ходимлар тайинланади¹.

Ишга қабул қилиш одатда туман (шаҳар) прокуратураларни иш унга тенглаштирилган прокуратураларда амалга оширилади. Ундан кейинги хизмат бўйича илгари силжиш прокуратура ходимининг ўз хизмат вазифасига бўлган виждонан муносабати, касбий малакаси, билимдонлиги ва шахсий фазилатларига қараб амал оширилади.

Ходимларни юқори лавозимларга тайинлаш заҳирага олиш орқали амалга оширилади. Заҳирага қобилятли, ташаббускор, билимдон ходимлар киритилади. Заҳира рўйхатлари тегишли прокуратураларнинг хайъат мажлислари, Департаментнинг тезкор йиғилишларида муҳокама қилинади ва лавозимларга тайинлашда биринчи навбатда заҳира рўйхатлари инobatга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг юқорида қайд қилинган 42 – сонли буйруғида, Бош прокуратура ва Департаментда иш меҳнат фаолиятида тажриба орттирган, ташаббус кўрсатиб, ўз хизмат вазифаларини виждонан, намунали бажараётган ходимларни раҳбарлик ва масъулиятли лавозимларга тайинлашда уларни имтиёзлар берилсин, деб қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Хизмат фаолиятида намуна кўрсатган прокуратура ходимларини қўллаб қувватлаш тартибини белгилаш ҳақида”ги 2006 йил 21 январдаги 50-сонли буйруғи билан хизмат фаолиятида намуна кўрсатган прокуратура органлари ходимларини қўллаб – қувватлаш мақсадида “Йилнинг энг яхши терговчиси” ва “Йилнинг энг яхши давлат айбловчиси” танловларини мунтазам ўтказиб бориш жорий қилинган, танлов голиблари ва совриндорларини белгиланган тартибда рағбатлантириш, махсус нишон билан тақдирлаш, юқори ва кенг ҳажмли лавозимларга заҳирага олиш ҳамда уларнинг ижобий иш тажрибасини оммалаштириш йўлга қўйилган². Шу буйруқ билан “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида “Йилнинг энг яхши терговчиси” (1 – илова) ва “Йилнинг энг яхши давлат

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Прокуратура органларида кадрларни тайинлаш ва тарбиялаш тўғрисида”ги 2005 йил 17 февраль 42 – сонли буйруғи, 9 – банди.

² Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Хизмат фаолиятида намуна кўрсатган прокуратура ходимларини қўллаб – қувватлаш тартибини белгилаш ҳақида”ги 2006 йил 21 январдаги 50-сонли буйруғи

айбловчиси” (2 - илова) танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомлари тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш тўғрисида”ги 2005 йил 17 февраль 42- сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида ёш мутахассисларнинг ишини ташкил этиш тўғрисида”ги Низомга мувофиқ олий ўқув юртларини битирган ёш мутахассисларни прокуратура органларига, шунингдек юридик, иқтисодий ва молия ўқув юртларини битирган ёш мутахассисларни солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментига танлаб, илк бор ишга қабул қилинганларнинг иш ўрганиши, уларнинг билим ва қобилияти ҳисобга олинган ҳолда ташкил қилинади. Улар ҳамда туман, шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда бўш бўлган прокурор ёрдамчиси ёки терговчи лавозимларига иш ўрганувчи сифатида қабул қилинган барча ходимлар уч йилгача ёш мутахассис ҳисобланадилар.

Прокуратура органларида иш ўрганиш Бош прокурорнинг 42-сонли буйруғи билан тасдиқланган юқорида қайд қилинган Низомга илова қилинган 2-а “Прокуратура органларида ёш мутахассисларнинг иш ўрганиш Намунавий дастури” ва 2-б “Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти органларида илк бор ишга қабул қилинган ходимларнинг иш ўрганиш Намунавий дастури” билан тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, Департаментнинг ҳудудий бошқарма бошлиқлари ёш мутахассисларга яшаш ва ишлаш шароитларини яратиб берадилар ва иш ўрганишнинг дастурлар асосида ташкил этилишини назорат қилиб берадилар.

Иш ўрганиш дастурлари прокуратура, шу жумладан Департамент фаолиятининг барча йўналишларини ўз ичига олиб, бўлғуси прокурор ва терговчи ҳамда тезкор ходимларни юқори малакали ва сифатли қилиб тайёрлаш учун ёрдам беради. Иш ўрганиш мобайнида иш ўрганилган ходим прокурорлар ва тезкор ходимлар учун белгиланган барча ваколатлар ва дахлсизликдан (Қонуннинг 49 - моддаси)

фойдаланади. Бир йиллик иш ўрганишдан кейин ходим тегишли тартибда юқори гурувчи прокуратурада аттестациядан ўтиши лозим.

Агарда ходим ўз олдига қўйилган иш ўрганиш дастурини тўлиқ ва сифатли равишда амалга оширган бўлса ҳамда унинг шахсий фазилатлари, касбий малакаси тайёргарлиги талабга мувофиқ бўлса, унда у прокурор ёрдамчиси ёки терговчи, департамент тезкор ходими лавозимига ишга қўйилади ва дастлабки даражали унвон берилишига тавсия этилади. Мабодо у иш ўрганиш дастурини бажара олмаса, унда унга олти ойдан бир йилгача бўлган қўшимча муддат берилиб, ундан сўнг у қайта аттестациядан ўтади. Агарда, ходим яна ўз олдига қўйилган иш ўрганиш дастурини бажармаса, унда Бош Прокуратура маълум қилиш билан прокуратура органларидан ишдан бўшатилади.

Кадрларни тўғри танлаш ва прокурорлик назоратининг самарасини оширишда аттестация комиссиясининг тутган ўрни ва ахамияти кагта. Бош прокурорнинг юқоридаги 42 – сонли буйруғида асосий эътибор аттестацияларнинг ҳолисона ўтказилишига, ходимлар фаолиятидаги камчиликлар ва нуқсонларга танқидий жиҳатдан баҳо берилишига, хизмат вазифаларини намунали бажараётган ходимларни рағбатлантириш, юқори лавозимларга захирага олиш, уларнинг ижобий иш тажрибаларини оммалаштириш тўғрисида таклифлар киритишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига биноан прокуратура органлари аттестация комиссиялари фаолияти ҳамда прокуратура органлари ва муассасалари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005 йил 17 февралдаги 42 – сонли буйруғи билан тасдиқланган (1 - илова) “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларининг аттестация комиссиялари ва прокуратура органлари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

Прокуратура органлари ходимларини аттестациядан ўтказишдан асосий мақсад – кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш учун уларнинг шахсий ҳислат ва ишчанлик қобилиятларини чуқур ра ҳар томонлама ўрганиб, эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолийиклигига ҳолисона баҳо бериш;

-ходимларнинг ишларини тўғри ташкиллантириш, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тўғрисида

ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш борасидаги фаолиятини баҳолаш;

-ҳодимларнинг масъулияти ва шахсий жавобгарлигини ошириш, уларда янгиликни сезиш, раҳбарлик, тапқилотчилик, ўз соҳасининг устаси бўлиш ҳислатларини шакллантириб бориш;

-ҳодимлар сафини касбга нолойиқ ва нопок шахслардан тозалаш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олишдан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, туман – шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳар беш йилда бир маротаба аттестациядан ўтказилади. Прокуратура органлари ва муассасаларининг бошқа ходимлари, шунингдек, Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ходимлари уч йилда бир маротаба аттестациядан ўтказилади.

Прокуратура органларида қуйидаги аттестация комиссиялари фаолият кўрсатади:

а) Бош прокуратуранинг аттестация комиссияси – Бош прокурор томонидан тасдиқланадиган Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари (ўринбосари) раислик қиладиган, кадрлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари – маъсул котиб ва аъзолари – кадрлар бошқармаси бошлиғи ҳамда тажрибали, малакали ва шахсий сифатлари билан намуна бўла оладиган 7 ёки 9 нафар ходимдан иборат таркибда тузилади.

б) Департаментнинг аттестация комиссияси – Департамент бошлиғининг тавсиясига кўра Бош прокурор томонидан тасдиқланадиган Департамент бошлиғининг ўринбосари раислик қиладиган, кадрлар бўлими ходими – маъсул котиб ва аъзолари – кадрлар бўлими бошлиғи ҳамда тажрибали, малакали ва шахсий сифатлари билан намуна бўла оладиган 7 нафар ходимдан иборат таркибда тузилади.

в) Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг аттестация комиссиялари – тегишли прокурорлар томонидан тасдиқланадиган, прокурорларнинг биринчи ўринбосари (ўринбосари) – раислик қиладиган, кадрлар бўйича катта ёрдамчиси – маъсул котиб ҳамда аъзолари – тажрибали, малакали ва шахсий сифатлари билан намуна бўла оладиган 7 нафар ходимдан иборат таркибда тузилади.

г) Департамент худудий бошқармалари аттестация комиссиялари – бошқарма бошлиқларининг тавсияларига кўра Департамент бошлиғи томонидан тасдикланадиган департамент бошлиғининг ўринбосари – раислик қиладиган, кадрлар бўйича катта инспектор – маъсул котиб ҳамда аъзолари - тажрибали, малакали ва шахсий сифатлари билан намуна бўла оладиган 7 нафар ходимдан иборат таркибда тузилади.

Аттестация комиссиялари ходимларни аттестациядан ўтказишда қуйидаги қарорларнинг бирини қабул қилади: а) “Ходим эгаллаб турган лавозимига лойиқ”; Бунда ходим аттестациядан ўтган ҳисобланади. б) “Ходим эгаллаб турган лавозимига етарли даражада лойиқ эмас”; Бунда ходим аттестациядан ўтмаган ҳисобланади. Аттестация комиссияси ходимга олти ойдан бир йилгача муддат белгилайди. Белгиланган муддат тугагач ходим қайта аттестациядан ўтказилади ва бунда ходимнинг эгаллаб турган лавозимига лойиқлиги ёки нолойиқлиги ҳақида қарорга келинади. в) “Ходим эгаллаб турган лавозимига нолойиқ”; Бунда ходим аттестациядан ўтмаган ҳисобланади ва комиссия қарори қонуний кучга кирганидан сўнгра ваколатли раҳбар томонидан ходим лавозимидан озод қилинади ҳамда қуйи лавозимга ўтказиш ёки прокуратура органларидан бўшатиш масаласи ҳал қилинади.

Агар ходимни қуйи лавозимга ўтказиш ҳақида қарорга келинган тақдирда, ходим бу лавозимга ўтишдан бош тортса, қонуний кучга кирган комиссия қарори билан таништирилгач, камида икки ҳафта олдин у ёзма равишда огоҳлантирилиб, прокуратура ва Департамент органларидан бўшатилади¹.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005 йил 7 апрелдаги 45- сонли буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ходимининг касб – одобномаси тасдиқланган. Прокуратура органлари ходимларининг касб – одобномаси – ахлоқ - одоб нормаларига риоя қилган ҳолда, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, инсон ва унинг шаънини, кадриятларини сидқидилдан ва виждонан, фақат қонунга риоя қилган ҳолда **ҳуқуқий** ҳимоясини таъминлашга йўналтирилган қоидалардан иборат.

¹ “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари аттестация комиссиялари ва прокуратура органлари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом. Бош прокурорнинг 2005 йил 17 февралдаги 42 – сонли буйруғи билан тасдиқланган (1 - илова).

Касб одобномасига мувофиқ прокуратура органлари ходимларининг касбий бурчи деб қуйидагилар ҳисобланади:

-прокуратура органлари ходимлари касамёдга содиқ бўлиш ҳамда унга амал қилиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлар, Республика Президентининг Фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маъжамасининг қарорлари ва Бош прокурорнинг раҳбарий буйруқлари талабларини масъулият билан ҳалол ва виждонан бажариш;

-ҳар қандай қонун бузилишига қарши қатъият билан муросасиз курашиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

-иш фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлари, шунингдек, прокуратура органларида ўрнатилган ички меҳнат тартиб – қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда мансабдор шахслар ва фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини шакллантиришда иштирок этиш, уларга риоя этишда шахсан ўзи намуна бўлиш;

-юриш – туришда бошқаларга ижобий томондан ўрناق бўлиш, юксак маънавий ва ахлоқий ғазилатлар соҳиби бўлиш;

-ҳолис, одил ва мустақил бўлиш, ҳар қандай ҳуқуқбузарликларга, шу жумладан, коррупциялашган жиноий кўринишларга нисбатан муросасиз бўлиш;

-ваколатларини Конституция, қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар доирасида қатъий равишда қўллаш, юклатилган вазифани бажаришда расмиятчилик ва кўзбўямачилик ҳолларига йўл қўймаслик;

-ўз ҳамкасаблари ва фуқароларга хушмуомалада бўлиш, уларнинг кадр –қимматини ва ҳурматини сақлаш;

-ишониб топширилган хизмат хоналари, давлат мулкани авайлаб – асраш ва тежаб фойдаланиш;

-хизмат ва касб одобномаларига ҳамда умумэътироф этилган ахлоқ қоидаларига риоя қилиш, миллий урф – одатлар, қадриятлар ва халқ анъаналарига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

-мамлакатимиз шаънини эъзозлаш, она – Ватан билан гурурланиш, олиб борилаётган давлат сиёсатига содиқ бўлиш.

Прокуратура органлари ходими қуйидаги талабларга амал қилиши шарт: - хизмат вазифасини ҳалол ва виждонан бажариши; - ўз фаолиятида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш ҳамда ҳимоясини таъминлаш прокуратура органларининг

устувор вазифалари эканлигидан келиб чиқиши; - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлари, шунингдек, прокуратура органларида ўрнатилган ички меҳнат тартиб – қоидаларига қатъий риоя қилиши; - прокуратура органларида хизмат билан боғлиқ қонунда белгиланган чеклашларни ўз зиммасига олиши ва уларга амал қилиши; - хизмат вазифаларини самарали бажариш учун зарур бўлган билим ва малакага эга бўлиши ҳамда касб маҳоратининг юқори даражасига эришиши; - юқори турувчи прокурорнинг қонунга асосланган ва ваколат доирасида берилган буйруқ ва фармойишлари, қарор ва кўрсатмаларини бажариши; - мустақил бўлиши ва қонун талабларига зид бўлган ташқи таъсирларга берилмаслиги; - хизмат ваколатларидан шахсий ёки ғаразли мақсадларда, шунингдек, бирон – бир жисмоний ёхуд юридик шахснинг ноқонуний манфаатлари учун фойдаланмаслиги; - бўйсунувидаги ходимни ноқонуний қарорлар қабул қилиш ва гайриқонуний ҳаракатлар содир этишга мажбур этмаслиги; - фуқаролар ва юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқишда сезгирлик, эътиборлилик ҳамда холисликни намоён этиши; - прокуратура органларини обрўсизлантириш ва унинг нуфузига путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатлардан ўзини тийиши; - шахсий манфаатдорлиги хизмат вазифаларини холисона бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолат тўғрисида бевосита раҳбарига зудлик билан маълум қилиши; - шахсий масалаларини ҳал қилишда бошқа давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, мансабдор шахслар ва фуқароларга таъсир ўтказиш учун мансаб мавқеидан фойдаланмаслиги; - хизмат вазифаларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракат ёки ҳаракатсизлик эвазига, пул ва хизматлар кўринишида ҳақ олмаслиги.

Прокуратура органи ходими содир этган номуносиб, ноҳўя хатти – ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги учун шахсан жавобгардир. Мазкур қоидаларга амал қилмаслик қонунда белгиланган тартибда жавобгарликни келтириб чиқаради¹.

Прокуратура органлари ички хавфсизлигини таъминлаш, ходимларнинг масъулиятини ошириш, улар ўртасида хизмат мавқеини сунистеъмом қилиш, порахўрлик ва бошқа ноҳўя хатти - ҳаракатлар содир этиш ҳолларини олдини олиш ва барҳам бериш борасидаги фаолият Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005 йил 7 апрелдаги 45 - сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимининг Касб одобномаси".

“Прокуратура органлари ички ҳавфсизлигини таъминлаш, ходимларнинг масъулиятини ошириш, улар ўртасида ноҳўя хатти – ҳаракатларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятини кучайтириш тўғрисида”ги 2005 йил 7 апрелдаги 45 – сонли буйруғи билан тартибга солинади. Мазкур буйруқда асосий эътибор ходимлар томонидан ноҳўя хатти – ҳаракатлар содир этилиши ҳолларининг олдини олишга ҳамда уларга кўмаклашаётган сабаб ва шарт – шароитларни бартараф этишга қаратилган профилактика ишларини кучайтириш ва самарали ташкил этишга қаратилган.

Буйруқ талаблари асосида ички ҳавфсизликни таъминлаш инспекцияси ходимлари томонидан прокуратура органлари ходимларининг шахсий хислатлари, оилавий ва бошқа муносабатлари ўрганиб борилади, улар томонидан ноҳўя хатти – ҳаракатлар содир этиш ҳоллари ҳақидаги маълумотлар юзасидан хизмат текширувлари ўтказишга жиддий эътибор қаратилади. Хизмат текшируви чоғида ходим томонидан ноҳўя хатти – ҳаракат содир этиш ҳоллари аниқланган бўлса уни тегишли жавобгарликка тортиш масаласи ҳал қилинади.

Прокуратура органлари ходимлари ўз хохишига кўра, хоҳлаган пайтда бошқа ташкилотга ишга ўтиб кетиши ёки ишдан бўшаб кетиши мумкин. Бундай ҳолатда Қонунда бирон бир тўсқинлик қилиш ёки чеклов бериш назарда тутилмаган. Прокуратура билан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини ўзаро алмашиш эркин равишда, ҳеч қандай тўсқинликларсиз, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган эркин касб танлаш ҳуқуқи тамойилига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш борасида прокуратура органларининг зиммасига юклатилган вазифаларни тўлақонли бажарилиши кадрларнинг билими, тажрибаси ва касб маҳоратига боғлиқдир.

Республикада амалга оширилаётган иктисодий, ижтимоий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари прокуратура органлари олдига янги - янги ва муҳим вазифаларни қўймоқда. Уларни бажариш ва кўзланган мақсадларга эришиш прокуратура, шу жумладан, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жинойтларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги органлари ходимларининг

малакасини доимий равишда ошириб бориш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Ушбу вазифаларни амалга оширишга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 24 январдаги 33 – сонли Қарорига мувофиқ ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузурида фаолият кўрсатаётган Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази ёрдам беради. Йилига 300 тагача прокурор-тергов ходимлари, шу жумладан, солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти ходимлари ўзларининг ишчанлик малакаларини юридик фанларнинг энг сўнгги ютуқлари асосида, криминалистика техникаси, бошқарув ва раҳбарликнинг замонавий шакл ва услубларига эга бўлган илгор прокурор-тергов амалиётини ўрганиб кетмоқдалар.

Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор тергов ходимларининг малакасини ошириш Марказининг асосий вазифалари – прокуратура органлари ходимларининг малакасини ошириш ишларини ташкил этиш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш юзасидан илмий - тадқиқот ишларини олиб бориш ва тақлифлар тайёрлашдан иборат¹.

1.8. Прокуратура органларида ишларни ташкиллаштириш ва ижро интизоми

Прокуратура органларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари қонунчилик билан мустаҳкамланган ва прокурорлик назоратининг аниқ, тартиблаштирилган механизми шаклланган ҳозирги шароитда, прокурорлик назоратини такомиллаштириш, унинг самарадорлиги, таъсирчанлигини ошириш, қуйи прокуратура органлари устидан назоратни яхшилаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш ва ҳар бир ходимнинг шахсий масъулиятини ошириш вазифаси олдинги ўринга қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида (янги таҳрири) прокурорлар фаолиятини баҳолаш мезонлари сифатида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2005 йил 17 февралдаги 43 – сонли буйруғи.

ва давлатнинг қонуний манфаатлари ҳимоясининг таъминланиши (45 - модда), хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятга прокурорнинг бевосита аралашishiга, шунингдек идоравий бошқарув текширув органларининг вазифаларини бажарилишига йўл қўйилмаслиги (23 - модда) қатъий белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ҳисобдорлиги (14 - модда), вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар халқ депутатлари тегишли Кенгашларига, зарурат бўлган ҳолларда эса фуқароларнинг ўзини – ўзи бошқариш органларига қонунийликнинг ҳамда жинойтчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида ҳар йили ахборот бериши (5 – модда) ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларга зид бўлса, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қарори асосида бекор қилиниши (13 - модда) ҳам қонун билан белгиланди.

Прокуратура органларининг таркибий тузилмасида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Янги қонун билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жинойтларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти ҳамда унинг жойлардаги бўлинмаларининг ҳуқуқий мақоми белгиланди (18 - модда). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси қошида “Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчиликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” бўлими ва Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят прокуратураларида шу номли мустақил бўлимлар фаолият кўрсатмоқда.

Бундай янгиликлар прокуратура органларида ишларни ташкил этиш, қуйи органлар устидан раҳбарлик қилиш фаолиятини такомиллаштириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, ҳисоботларни юритиш тартибига оид буйруқ ва кўрсатмаларни ягона тизимга солишни тақозо этади.

Бу вазифалар прокуратура органларида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг мустақил таркибий тармоғи ҳисобланган ташкилий назорат ва таҳлилот бошқармаси, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг шу тармоқлари ходимлари орқали амалга оширилади. Уларнинг иш фаолияти Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 9 декабрдаги 32 – сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ташкилий назорат ва таҳлилот бошқармаси тўғрисида”ги Низом билан тартибга солинади.

Ташкилий назорат ва таҳлилот бошқармаси: -Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан мамлакатда қонунийликни мустахкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишларини тўғри ташкиллаштириш, ижро интизомини мустахкамлаш ва статистик ҳисоботлар юритилишига ҳамда қуйи органлар фаолияти устидан раҳбарлик асосида фаолиятни такомиллаштиришга доир барча зарур чора – тадбирларни кўриб боради;

-Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлисига, шунингдек Бош прокурор кўрсатмаси асосида Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа идораларга ахборотлар лойиҳаларини тайёрлайди, Бош прокуратуранинг таркибий тармоқлари томонидан тайёрланган ахборотлар лойиҳаларини кўриб чиқиб, тегишли таклифлар киритади;

-Бош прокуратуранинг ҳайъат мажлисига ташкилий жихатдан тайёргарликни амалга оширади. Ҳайъат қарорларининг ижросини назорат қилади. Бош прокурор раҳбарлигида ўтказиладиган йиғилиш ва бошқа тадбирлар бўйича тайёргарлик ҳамда ташкилий назоратни таъминлайди;

-иш режаларининг ишлаб чиқилишини ташкиллаштиради ва режада белгиланган тартиблар ижросини таъминлаш устидан назорат олиб боради;

-Бош прокуратура таркибий тармоқлари ҳамда қуйи прокуратуралар фаолиятининг тўғри ташкил этилиши ва ижро интизомига риоя қилиниши бўйича текширишлар ўтказиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

-қуйи прокуратураларнинг ташкилий – назорат ва таҳлилот тармоқлари фаолияти устидан назорат олиб боради¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг “Ташкилий– назорат ва таҳлилот бошқармаси тўғрисида”ги Низоми 2004 йил 9 декабрь.

Бошқарманинг асосий вазифаси ва фаолият йўналишлари куйидагилардан иборат:

-Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда Бош прокуратура ҳайъати қарорлари, Бош прокурорнинг буйруқ ва кўрсатмалари асосида ишларни тўғри ташкил этилиши устидан назоратни амалга оширади;

-Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари тизимида ишларни ташкиллаштириш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда ҳисоботлар юритишга оид раҳбарий ҳужжатларнинг тайёрланишини таъминлайди, ҳужжатлар ижроси устидан назорат олиб боради;

-прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича вазифалар тақсимооти ҳақидаги буйруқлар асосида ишларни тўғри ташкиллаштириш, ижро интизомини мустаҳкамлашга қаратилган барча ташкилий-назорат тадбирларини амалга ошириб боради;

-бошқармада прокуратура органлари томонидан мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашишни ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш борасида амалга оширилган ишлар бўйича таҳлилий ҳужжатлар таркибий тармоқлардан талаб қилиб олиниб, ўрганилади ва бу борада зарур таҳлилий ҳужжатлар тайёрланади;

-Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлисига, шунингдек Бош прокурорнинг кўрсатмаси асосида Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа идораларга прокуратура органлари томонидан мамлакатда қонунийлик ҳамда жиноятчиликка қарши курашишнинг ҳолати ва амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахборот лойиҳалари тайёрлайди;

-Бош прокуратуранинг ярим йиллик иш режасининг лойиҳасини тузади. Иш режаси лойиҳасини тайёрлашда мамлакатдаги қонунийлик ва жиноятчилик аҳволига доир маълумотларни таҳлил қилади, шунингдек Бош прокуратуранинг таркибий тармоқларидан тегишли ахборот ва маълумотлар ҳамда асослантирилган таклифлар талаб қилиб олади. Улар асосида тайёрланган иш режаси лойиҳасини Бош прокуратура ҳайъатининг муҳокамасига киритади;

-Бош прокурор томонидан тасдиқланган режавий тадбирларнинг ижроси устидан назорат олиб боради. Бу борада ижро интизомига риоя этилиши юзасидан текширишлар ўтказиб боради;

-Бош прокуратура таркибий тармоқлари ва қуйи прокуратуралар томонидан ишларни режалаштириш амалиётини ўрганиб боради, режа ва ижро интизомига риоя этилишини мунтазам таҳлил қилиб, ишларни яхшилашга доир чоралар кўради;

-Бош прокуратуранинг хайъат мажлисига ташкилий жиҳатдан тайёргарликни амалга оширади. Хайъат мажлисига ҳужжатларни тайёрлашда Бош прокуратуранинг таркибий тармоқларидан қонунийлик ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан таҳлилий ҳужжатлар ва зарур маълумотлар талаб қилиб олади, шунингдек, статистик ҳисоботлардан фойдаланади. Бош прокурор томонидан имзоланган хайъат мажлиси баённомасини ижро учун қуйи прокуратураларга юборади. Хайъат қарорларининг ҳисоби ва уларнинг бажарилиши устидан назорат олиб боради;

- прокуратура органларининг прокурор назорати фаолияти шунингдек жиноятчилик ҳамда тергов аҳволи юзасидан статистик ҳисоботларни жамлайди ва юритади. Шунингдек, статистик ҳисоботларни таҳлил этиб, тегишли ҳужжатлар ва бошқа маълумотлар тайёрлайди;

-бошқарма томонидан Бош прокуратура таркибий тармоқлари, шунингдек қуйи прокуратура органларида ишларнинг ташкил этилиши, ижро интизомига риоя қилиниши ва ҳисоботлар юритилишининг ҳаққонийлиги борасида текширишлар ўтказилади. Бу борада аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда ижро интизомини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирларни амалга ошириб боради;

-Бош прокурор раҳбарлигида ташкил этиладиган ишчи гуруҳлари, шунингдек бошқа тадбирлар юзасидан ҳужжатларнинг тайёрланишини таъминлайди. Бу гуруҳ ва тадбирларда бевосита иштирок этиб, тегишли тартибда улар фаолиятида амалга оширилган ишларни таҳлил қилади ва назоратни амалга оширади;

-Бош прокуратура раҳбарияти томонидан назоратга олинган ариза-шикоятлар ҳамда топшириқларнинг белгиланган муддатларда кўриб чиқилиб, ижро этилиши борасида назорат олиб боради;

-вилоят прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар фаолияти юзасидан комплекс ва бошқа соҳавий

текширишлар ташкил қилишда ташкилий тадбирларни амалга оширади. Шунингдек, қуйи прокуратураларда ишларни ташкиллаштириш, ижро интизомига риоя қилиш ва ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги юзасидан текширишлар ва амалий ёрдамларни ташкил этади;

-Бош прокуратуранинг таркибий тармоқлари ҳамда қуйи прокуратураларнинг муайян соҳалар бўйича фаолиятини ижобий деб топиш ва оммалаштириш юзасидан тайёрланган ҳужжатларни ўрганиб чиқади¹.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Прокуратура органларида ишларни ташкиллаштириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш ва таҳлилий фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 2004 йил 33 - сонли буйруғида прокуратура органларида ишларни ташкил этиш, қуйи органлар устидан раҳбарлик қилиш, фаолиятини такомиллаштириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, қонунбузарликларга барҳам бериш, ҳисоботларни юритиш борасида ташкилий – назорат ва таҳлилоти тармоқларининг иштироки ва масъулиятини ошириш, ташкилий назорат ва таҳлилоти бошқармаларига етарли касб малакасига эга, ташаббускор, янгиликни сезадиган ҳамда ташкилотчилик қобилиятларини ўзида мужассам этган ходимлар танланиши, шунингдек мазкур тармоқлар раҳбарлари тегишли хайъатлар таркибига киритилиши ҳақида кўрсатма берилган.

Мазкур буйруққа мувофиқ прокуратура органларида иш режалари қонунийлик ва жиноятчилик аҳволидан келиб чиққан ҳолда ҳар б ойга тузилиши ҳамда режавий тадбирларнинг белгиланган муддатларда тўлиқ бажарилиши, юқори турувчи прокуратура органларининг иш режалари қуйи прокуратура органлари учун мажбурийлиги, қуйи прокуратура органларининг иш режалари юқори турувчи прокуратура иш режаларига мувофиқлиги таъминланиши лозим.

Бош прокуратура, вилоят прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг иш режаларига мувофиқ юбориладиган топшириқлар ташкилий - назорат ва таҳлилоти тармоғи билан келишилган ҳолда юборилиши ва режавий тадбирларни алмаштириш, муддати ва ижро этиш тартибини ўзгартириш ҳам шу тармоғи билан келишилган ҳолда прокуратура раҳбарияти

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг “Ташкилий – назорат ва таҳлилоти бошқармаси тўғрисида”ги Низом, 2004 йил 9 декабрь.

томонидан амалга оширилиши лозим. Таркибий тармоқлар иш режаларида куйи прокуратура фаолиятини бевосита текшириш, уларга ижро этиш учун мажбурий бўлган тадбирлар киритиш ва шу асосда топшириқлар юбориш қатъий ман қилинган.

Ташкилий – назорат ва таҳлилоти тармоғи ҳайъат мажлисига ташкилий жиҳатдан тайёргарликни амалга оширади, мажлис баённомаларини юритади, ҳайъат қабул қилган қарорлар ҳисоби ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни олиб боради ва Бош прокурорнинг буйруқ ва фармойишларининг (махфий, кадрларга оид ва хўжалик масалаларига доир ҳужжатлар бундан мустасно) ҳисобини юритиш, асл нусхаларни тўплаш ва ижросини назорат қилади.

Жойлардаги барча прокуратураларга тааллуқли топшириқлар ташкилий – назорат ва таҳлилоти тармоқлари билан келишилган ҳолда Бош прокуратура, вилоят прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг раҳбарияти имзоси билан юборилиши белгиланган.

Прокуратура раҳбарияти томонидан назоратга олинган ҳар бир ҳужжатга назорат варақаси тўлдирилиб, ижроси учун масъул бўлган тармоқларда назорат тартибида иш юритилиши ва назоратга олинган ҳужжатларнинг ижро этилган кундан кечиктирмасдан тегишли тармоқлар томонидан ташкилий – назорат ва таҳлилоти тармоғига назорат варақаси тақдим этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти, унинг жойлардаги бошқармаларининг тегишли тармоқлари томонидан ташкилий – назоратни таъминлаш фаолиятида солиқ ҳамда иқтисодий соҳада ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, олдини олиш ва барҳам беришга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқарилиши ва уларнинг ижросига доир ташкилий ишлар амалга оширилиши йўлга қўйилган. Департаментнинг тегишли тармоқлари томонидан куйи идораларда ишнинг ташкил қилиниши, ижро ва хизмат интизомига риоя этилиши юзасидан текширишлар ўтказилади.

Бош прокуратуранинг ташкилий – назорат ва таҳлилоти бошқармаси томонидан Департамент органларида ташкилий

назоратни таъминлаш соҳасида амалга оширилган ишлар таҳлил килинади ва раҳбариятга натижалари бўйича таклифлар киритилади¹.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси таркибий тармоқлари, Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий ва Транспорт прокуратуралари, туман (шаҳар) прокуратуралари ҳамда уларга тенглаштирилган прокуратуралар ҳудудда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан прокурор назоратини тўғри ташкил этиш, ижро интизомини мустаҳкамлаш чораларини кўриш қатъий белгиланган.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 45 –моддасига кўра, Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман прокурорларининг ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларнинг ваколат муддати беш йил белгиланган бўлиб, тегишли юқори турувчи прокурорлар томонидан уларнинг фаолияти бу вақт ичида камида икки марта комплекс ўрганилади.

Мазкур Қонунга асосан прокурорлар Фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари қонунийликнинг ҳолати ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъминланиши ҳисобланиб, бу фаолият давомида тегишли ҳудудда қонунлар ижроси устидан лозим даражада назорат ўрнатилишини таъминлай олмаган шахслар прокурор лавозимига такроран кўрсатилишига йўл қўйилмайди².

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2006 йил 23 январдаги 51 – сонли буйруғи билан “Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Ҳарбий ва Транспорт прокуратураларининг қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасидаги фаолиятини комплекс текшириш тартиби ҳақидаги Низом” тасдиқланган.

Прокурорлар фаолиятини комплекс текшириш тартиби ҳақидаги Низом ижросини таъминлаш Бош прокуратуранинг таркибий тармоқларига, Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Ҳарбий ва Транспорт прокуратураларига ҳамда

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Прокуратура органларида ишларни ташкиллаштириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш ва таҳлилий фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 2004 йил 9 декабрдаги 33 – сонли буйруғи.

² Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Прокурорлар фаолиятини комплекс текшириш тартиби ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 2006 йил 23 январдаги 51 – сонли буйруғи.

Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментига юклатилган.

Низомнинг умумий қондасига мувофиқ Бош прокурорнинг буйруғи асосида белгиланган муддатда Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Ҳарбий ва Транспорт прокуратуралари фаолиятини комплекс текшириш гуруҳи тузилади. Гуруҳга асосан Бош прокурор ўринбосарларидан бири раҳбарлик қилади, бошқарма (бўлим) бошликлари ёки уларнинг ўринбосарларидан бири гуруҳнинг ишини бевосита ташкил қилишга маъсул этиб белгиланади. Текшириш гуруҳи таркибига Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти ходими жалб қилиниши мумкин.

Вилоят прокуратураларида ўтказилаётган комплекс текширишлар қайд қилинган Низом ҳамда Бош прокурорнинг тегишли соҳавий буйруқлари ва кўрсатмаларида белгиланган тартибда ўтказилади. Текшириш ўтказиш давомида барча таркибий тармоқлар, туман прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар ҳамда Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти куйи тизимларининг иш фаолияти таҳлил қилинади, жойида текширилади ва тегишли ходимларнинг фаолиятига баҳо берилади. Зарурият туғилганда, текшириш мобойнида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати аҳволи белгиланган тартибда ҳудуддаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда бевосита ўрганилиши ҳамда фуқаролар ва юридик шахслар вакиллари қабул қилиниши мумкин. Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан ноқонуний ҳамда асоссиз қарорлар қабул қилиниши аниқланганда "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунда белгиланган ваколатлар доирасида тегишли чоралар кўрилади.

Туман прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралари фаолиятини комплекс текшириш ҳамда прокурорлар фаолиятини баҳолаш қайд қилинган Низом, шунингдек Бош прокурорнинг тегишли соҳавий буйруқлари ва кўрсатмаларида белгиланган тартибда амалга оширилади (8-сонли жадвал).

Мавзулар юзасидан назорат саволлари

1. Прокуратура сўзи маъносига таъриф беринг?
2. Прокуратуранинг пайдо бўлиш тарихи ва унинг бошланғич функцияларига таъриф беринг?
3. “Прокурор назорати” юридик фани соҳаси сифатида прокуратура органларини ўрганиш тартибига шарҳ беринг?
4. Прокуратуранинг Европо давлатларида, жумладан Россия ва собиқ Иттифокда ташкил топиши, ривожланиши ва шаклланишига таъриф беринг?
5. Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришини даврида прокуратуранинг ривожланиш йўллари, унинг ҳуқуқий базаси ва функцияларининг шаклланиши?
6. Мустақил Ўзбекистон прокуратураси фаолиятининг услуб ва шаклларидаги такомиллаштирилиши, унинг ҳуқуқий мақоми ва давлат – ҳуқуқий институтлари тизимидаги ўрнига баҳо беринг?
7. Прокуратура давлат органи сифатида давлатнинг, жамиятнинг ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни қандай таъминлайди?
8. Прокуратуранинг давлатдаги ҳуқуқ – тартиботнинг қонунийлиги ҳолатига алоҳида жавобгарлик масъулиятини изоҳлап?
9. Прокуратура органларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принципларига таъриф беринг?
10. “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг (янги таҳрир) умумий қоидаларига бағишланган биринчи бўлимида прокуратура органлари фаолиятининг мазмуни ва тушунчалари қандай ёритилган?
11. Прокурор назоратининг мақсад ва вазифалари нимадан иборат?
12. Прокуратура органларининг бошқа давлат органлари, мансабдор шахслар аралашувидан мустақиллиги Қонунда қандай ифодаланган?
13. Қонунда прокуратура органларининг тизими қандай тартиблаштирилган?
14. Қонуннинг учинчи бўлимидаги турли соҳалардаги прокурор назорати фаолиятининг ҳуқуқий регламентациясининг аҳамияти нимада?
15. Қонуннинг махсус тўртинчи, яъни судларда ишлар қўрилишида прокурор ваколатлари бўлими моҳиятини изоҳлаб беринг?

16. Прокурор назорати хужжатларига бағишланган Қонуннинг бешинчи бўлимига таъриф беринг?
17. Прокуратура органлари ходимларига бағишланган Қонуннинг олтинчи бўлими талабларига таъриф беринг?
18. Қонуннинг прокуратура органларининг халқаро ҳамкорлиги ва муассасаларига бағишланган еттинчи бўлимидаги талабларга таъриф беринг?
19. Бош прокурор томонидан чиқариладиган буйруқ, кўрсатма, фармойиш, қарор ва йўриқномаларнинг хусусиятларига таъриф беринг?
20. Прокуратура органлари вазифалари ва йўналишларига таъриф беринг?
21. Жиноятчиликка қарши курашни мувофиқлаштиришни ташкил этишга таъриф беринг?
22. Прокуратура органлари қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишидаги иштироки шаклларига таъриф беринг?
23. Прокуратура органларидаги хизматни ташкиллаштиришнинг ҳуқуқий асосларига таъриф беринг?
24. Прокуратура органларига ишга қабул қилишдаги мажбурий талаблар қандай?
25. Ходимларни юқори лавозимларга тайинлаш тартиб-қоидаларига таъриф беринг?
26. Прокуратура органларида иш ўрганиш тартиби тўғрисидаги Намунавий дастурлар талабларига изоҳ беринг?
27. Кадрларни тўғри танлаш ва прокурорлик назоратининг самарадорлигини оширишда аттестация комиссиясининг тутган ўрни ва аҳамиятига таъриф беринг?
28. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларининг касб-одобномасидан келиб чиқувчи талаблар?
29. Прокуратура органлари ички ҳавфсизлигини таъминлаш, ходимларнинг масъулиятини ошириш, улар ўртасида ноҳўя ҳатти – ҳаракатларнинг олдини олиш борасида фаолиятига таъриф беринг?
30. Прокуратура органларида ишларни ташкиллаштириш ва ижро интизомини мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асосларига таъриф беринг?
31. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг ташкилий назорат ва таҳлилоти бошқармаси, вилоятлар, ва уларга

тенглаштирилган прокуратураларнинг шу тармоклари фаолиятига таъриф беринг?

32. Прокурорлар фаолиятини комплекс текширишнинг ҳуқуқий асослари ва тартибига таъриф беринг?

II- БОБ. ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН НАЗОРАТ

2.1 Қонунлар ижроси устидан назоратнинг моҳияти ва вазифаси

Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг (янги тахрир) 1- моддасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Қонуннинг 4- моддасига мувофиқ - вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш прокуратура органлари фаолиятидаги асосий йуналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Прокурорлик назоратининг мазкур соҳасида Бош прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан давлатимизда амалга оширилаётган қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратнинг вазифаси ва моҳияти янада аниқроқ намоён бўлади.

Қонунлар ижроси устидан назорат таърифи ёки эскича таъриф билан айтганда «умумий назорат» фанда ва амалиётда прокуратуранинг шаклланиш давридаёқ анъанавий соҳа бўлган. Мазкур тушунча бу соҳани прокурорлик назоратининг бошқа соҳаларидан ҳақли равишда ажратиб туради. Бирок «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририда «умумий назорат» атамаси учрамасада, «Прокурор назорати» номли III-бўлим I-бобида у «қонунлар ижроси устидан назорат» деб номланган. Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси тизимининг янги тузилишига мувофиқ, Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги УП-3406 сонли фармонида I-илова) мазкур назорат «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қонунийликни ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқларини

таъминлаш бўйича бошқарма ва бўлимлар» орқали амалга оширилади.¹

Қонунлар ижроси устидан назорат асосини, асосан прокуратура органларининг давлат органлари ва бошқарув соҳаларида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорати ташкил қилади. Асосан бу соҳаларда маҳаллийчиликка берилиш, қонун бузилишини бартараф қилишда прокуратура органларига қарши ҳаракат қилиш, уларнинг ишига аралашушга тез-тез йўл қўйилади. Айнан давлат бошқаруви соҳаларида қонунларнинг ҳақиқий аниқ ва бир хилда бажарилиши таъминланиши лозим. Қонун чиқарувчининг қонунлардаги кўрсатмалари, ҳар қандай маҳаллий фарқликларга қарамасдан, маҳаллий ва соҳавий таъсир қандай бўлишидан қатъи назар, ҳаётга татбиқ қилиниши лозим.

Давлат бошқаруви соҳаларида қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш, прокуратура органларининг давлат ва жамият олдида турган, шунингдек фуқароларнинг эҳтиёжларини тўла қаноатлантириш, уларнинг моддий ҳолатини кўтариш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича вазифаларни бажаришга имкон беради.

Давлатда қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун бузилишларини ҳамда бу қонунбузарликларни содир этилишига шароит яратиб бераётган омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш кўп ҳолда қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширувчи прокурорларнинг касбий тайёргарлиги, ташаббускорлиги ва фаоллигига боғлиқдир.

Давлат бошқарув органлари томонидан қонунларнинг бажарилиши устидан назорат прокуратуранинг қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятининг бутун ҳажмини ташкил қилмайди. Қонун прокуратура органларига жамоат бирлашмалари томонидан ҳам қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни юклайди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқароларга қонунларга бир хилда риоя қилиш мажбуриятини юклайди. Шу билан бир қаторда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши талаби, аввало, мансабдор шахсларга улар қандай лавозимларни эгаллаб туришларидан қатъи назар, қаратилган. Мамлакатдаги қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботнинг ҳолати нафақат

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги УП -3406 сонли "Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга йўналтирилган қонунларнинг таъминланишига қаратилган қўшимча чоралар ҳақида"ги Фармони.

давлат бошқарув органлари ва бошқа ташкилотлар актларининг қонунга мос келишига, шунингдек мансабдор шахсларнинг қонунларни аниқ ва бир хилда бажаришларига ҳам боғлиқдир. «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун (янги тахрири) прокуратура органлари мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширишда, нафақат давлат органлари мансабдор шахсларини, шунингдек жамоат бирлашмаларининг ҳам мансабдор шахсларини назарда тутди.

Қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширувчи прокурорларнинг вазифалари Конституция ва «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун (янги тахрири) талабларидан келиб чиқади ҳамда улар қуйидагиларда ифодаланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар:

-давлат бошқарув органлари ва жамоат бирлашмалари, шунингдек мансабдор шахслар томонидан чиқариладиган ҳуқуқий актлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун актларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорларига мослигини;

-мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадиган (9-сонли жадвал).

Қонунлар ижроси устидан назорат соҳасидаги муаммолар ва назоратоти объектлари хилма-хил бўлганлиги боис прокурорлар назоратни амалга оширишда давлатдаги қонунийлик аҳволига (режимига) жиддий таъсир этувчи масалаларни танлашлари лозим. Прокурорлар томонидан бу назоратни амалга оширишдаги йуналишларни белгилашда қуйидагилар олдинги планга олиб чиқилиши зарур:

-мамлакат ҳудудида барча ҳуқуқ субъектлари, улар кимга бўйсунушидан, кимнинг тасарруфида бўлишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳамда барча мансабдор шахслар қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этишга мажбур эканликлари, яъни қонун талабларини ҳеч қандай вазиятда ҳар хил талқин қилишга йўл қўймасликни, қонунлар қарама-қаршилиги ҳолатларида олий юридик кучга эга бўлган Конституция нормалари ҳамда умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига тўғридан-тўғри амал қилишлиги;

-иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси

Президенти Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг ижроси устидан таъсирчан ва доимий назорат олиб борилиши;

-шаклидан қатъи назар мулкдорларнинг қонуний манфаатларини химоя қилиш, улар ва давлатга етказилган зарарларни ўз вақтида ва тўлиқ ундириш, тадбиркорлик субъектларининг шахсий ва иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини қўриқлаш билан биргаликда иқтисодий муносабатлардаги ҳар қандай ҳуқуқбузарликларга қарши курашда мансабдор шахслар, маҳаллий ҳокимият, бошқарув органлари, текширув назорат (контрол) идораларининг масъулиятини оширишга қаратилган ҳуқуқий-норматив ҳужжатларнинг аниқ бажарилиши;

-республика агросаноат комплексини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган қонунлар ижроси устидан назоратни олиб боришда: ер, сув ва ўрмон бойликлари, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини, мавжуд техника воситаларини, минерал-ўғитларни сақлаш ва улардан оқилона ва мақсадли фойдаланиш, деҳқон, фермер ва шахсий ёрдамчи ва жамоа хўжаликлари, деҳқончилик саноати уюшмалари ва машина-трактор парклари фаолиятини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини контрактация қилишни тартибга солувчи, қишлоқ инфраструктураси яратилишига йўналтирилган қонунларнинг оғишмай бажарилишига, жамоа хўжаликлари фаолиятини жамоатчилик асосида бошқариш тартибига риоя этилиши;

-иқтисодий ва молиявий соҳаларда қонунийлик аҳволини янада мустаҳкамлаш, тўлов интизомига риоя қилиш, ёнилги-энергетика маҳсулотларидан тежамли фойдаланиш, шартнома мажбуриятларига оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонунлар ижроси устидан қатъий назорат;

-табиат муҳофазаси қонунчилиги устидан назорат олиб боришда ер фонди турлари ҳуқуқий мақомининг ноқонуний ўзгартирилишига, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ишдан чиқаришга, ўрмон бойликлари, ҳайвонот дунёсининг йўқотилишига, атроф-муҳитнинг ифлосланишига, сувдан хўжасизларча фойдаланишга қарши курашга қаратилган қонун талабларига риоя этилиши;

-Ўзбекистон халқининг маданий мерослари ва архитектура ёдгорликларини қўриқлаш, тарихий, бадиий, миллий, илмий ва маънавий обидаларни сақлашга оид қонунлар ижроси устидан прокурор назорати;

-мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан статистик, ишлаб чиқариш ва молия интизомини

мустаҳкамлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтириш;

-хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш, хўжасизлик, кўзбўямачилик, сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ёнилғи-энергия манбаларидан мақсадсиз ва ноқонуний фойдаланиш, нарх-навони асоссиз кўтариш, шунингдек, савдо ва бозорлар фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни бузиш каби ғайриқонуний ҳаракатларга нисбатан кескин чоралар кўриб бориш;

-солиқ, пул-кредит ва қимматбаҳо қоғозлар, банклар ва банк фаолияти ҳамда банкротлик тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан доимо назорат олиб бориш;

-ташки иқтисодий фаолиятга доир қонунлар ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш йўли билан хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат манфаатларига зарар етказмаган ҳолда чет эл инвесторлари ҳуқуқларини ҳимоялаш;

-республика темир йўл, автомобил, ҳаво ва сув йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, ташиладиган халқ хўжалик юкларини асрашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат;

-давлат тасарруфидан чиқариш, давлат ва жамоат мулкани хусусийлаштиришга, кичик, кўшма, хусусий корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат;

-инсон ва фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида белгилаб берилган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш;

-аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнат тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назорат, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқаролар қатламларига белгиланган имтиёзларни таъминлашга доир қонунлар ижроси;

-фуқароларнинг хат, ариза ва шикоятлари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мурожаатларига масъулиятсизлик ва сансалорлик билан муносабатда бўлиш, ижтимоий адолат талабларига риоя этмаслик, инсон ва фуқаронинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларига тўсқинлик қилиш ҳолларига барҳам бериш ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат;

-давлат бошқарув идоралари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, ҳокимлар ва мансабдор шахслар томонидан фуқаролар ва юридик шахслар манфаатларига зид равишда қабул қилинган ноқонуний

хужжатларни аниқлаш ва уларни бекор қилиш ёки қонунга мувофиқлаштириш юзасидан мунтазам текширишлар ўтказиш.¹

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор Фармонлари билан ҳам прокурорлар зиммасига бир қатор вазифалар юклатилган. Жумладан, Республика Президентининг 2004 йил 14 июндаги “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ – 3619 – сонли Фармонининг 4-қисмида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси назорат органлари мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузганликлари учун жазо муқаррарлигини, уларнинг хатто жиноий жавобгарликка тортилишини таъминлаган ҳолда, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари сўзсиз бажарилиши устидан назоратни кучайтириш.

Республика Президентининг 2005 йил 15 июндаги “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги П.Қ – 100 – сонли қарорининг 8-бандида Адлия вазирлиги Бош прокуратура билан биргаликда молиявий, статистик ҳисоботлар ва ҳисоб – китобларни қабул қилишнинг белгиланган тартибга риоя этилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш, тадбиркорлик субъектларидан молиявий, статистик ҳисоботлар ва ҳисоб – китобларни, шунингдек бошқа маълумотлар ва ҳужжатларни ноқонуний талаб қилишда айбдор бўлган шахсларнинг жазоланиши муқаррарлигини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Қишлоқдаги аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишга қаратилган қонунлар ва улар асосида қабул қилинган норматив ҳужжатларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида, шунингдек юқорида айтиб ўтилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида асосан (2004 йил 11 март УП-3406 сонли) давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича прокуратура органлари фаолиятини кучайтириш, қонунийликни ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш

¹ Қонунлар юқори устидан назоратнинг вазифаси ва асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июндаги “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан прокурорлик фаолиятини самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 25-сонли буйруғида белгиланган.

бўйича ҳудудий прокуратураларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

-қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларидаги ҳамда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича ҳукумат қарорларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши устидан назорат қилиш;

-мунтазам равишда муҳим қишлоқ хўжалик экинлари (пахта ва бўғдой) экилган экин майдонлари мониторингини юритиш, туман ва вилоятлардаги экин майдонларининг фермер ва ширкат хўжаликлари томонидан қабул қилинган шартномавий мажбуриятларга мувофиқлигини текшириш;

-қонунчиликда ҳамда дехқон ва фермер хўжаликларига ер ажратиш тартиби тўғрисидаги норматив ҳужжатларда белгиланган тартиб-қоидалар бузилишининг олдини олиш бўйича комплекс чоратадбирларни амалга ошириш, масъул шахслар томонидан мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ҳаракатларини, қариндош – уруғчилик ва ошна-оғайнигарчилик муносабатларидан фойдаланиш фактларини йўқ қилиш;

-ерлардан қатъий мақсадли фойдаланилиши устидан доимий назорат ўрнатиш, экин экиладиган ерларни муомаладан чиқиб кетишига (яроқсиз ҳолга келишига) йўл қўймаслик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича қабул қилинган мажбуриятларга риоя қилиш;

-ерлардан мақсадли ва тежамли фойдаланишни таъминлаш, дехқон ва фермер хўжаликлари ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилиш, ерларнинг ҳосилдорлигини сақлаш ҳамда экологик нормаларига риоя этилишини таъминлаш;

-сув ресурсларидан исрофгарчилик билан фойдаланишни бартараф этиш, минерал ўғитлар, ёқилғи мойлаш материалларини талон-тарож қилишга, гидротехника, мелиоратив ускуналар ва қишлоқ хўжалиги техникаларидан хўжасизларча фойдаланишга чек қўйиш бўйича чоралар кўриш;

-қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш, шу жумладан қонунчиликни атрофлича тушунтириш йўли билан амалга ошириш.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидан хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқларини химоя қилишни таъминлаш бўйича ҳудудий прокуратураларнинг асосий вазифалари қаторига:

-суғориладиган ер майдонларининг қишлоқ хўжалиги соҳасига тааллуқли бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланишга ажратилиши қонунийлиги, кадастр баҳоланишига кўра ўртача туман бонитет балидан 20 фойиздан кўп бўлган, аҳолида қимматга эга унумдор суғориладиган ерларнинг суғорилмайдиган ерлар жумласига ўтказилишига йўл қўйилмаслиги, бу ерларни қорхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилиши учун беришга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан йўл қўйилиши устидан назоратни кучайтириш¹; (Ўз.Р. Ер кодекси 45 - модда).

-фермер хўжаликларига ер ажратилишини танлов ўтказиш йўли билан амалга оширилишининг қонунийлигини таъминлаш мақсадида маҳаллий хокимият идораларининг бу борадаги қарорларини мунтазам равишда ўрганиб бориш;

-тугатилаётган ширкат хўжаликларида мавжуд бўлган ер майдонларини ўрганиш билан ер майдонларининг яширилиб, талон – тарож қилиниши ҳолатларининг олдини олиш;

-мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган қишлоқ хўжалиги қорхоналарида боғ ва узумзорларнинг қисқартирилиши ҳисобига пахта ва ғалла экини жойлаштирилиши устидан назорат олиб бориш;

-мева – сабзавотчиликка ихтисослашган, тугатилаётган ширкат хўжаликлари негизида ташкил этиладиган фермер хўжаликларининг ихтисослашувининг сақлаб қолиниши, агросаноат фермаларининг шакллантирилиши, улар ўртасидаги шартномавий муносабатларнинг такомиллаштирилиши устидан назоратни кучайтириш;

-янги ташкил этилаётган фермер хўжаликларида тут плантацияларини кўпайтириш жараёнини мустаҳкамлаш устидан доимий назоратни амалга ошириш ҳам қиради.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида прокуратура органлари томонидан кўрилаётган чоралар қуйидаги қонунларга қаратилиши лозим:

-Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси талаблари ижроси устидан прокурорлик назоратини ташкил этиш ва амалга оширишга;

-ғалла ўрим – йиғими мавсумида қишлоқ хўжалиги техника ва механизмларидан фойдаланиш, жамоат тартибини сақлаш, ҳосилнинг нобудгарчилигининг олдини олиш, ёнғин ва ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонунлар талабларининг ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси, 45-модда.

-кишлоқ хўжалиги экинларини пайхон қилишга қарши курашга доир қонунчилик талаблари ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш;

-кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини ҳамда суғориш ишларини ташкил этишга қаратилган қонунчилик талаблари ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш;

-ўрмон хўжаликларига “Ўрмон тўғрисида”ги, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, мулкни сақлаш, шартнома ва тўлов интизомига риоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш;

-вилоят, туман (шаҳар) ҳудудларида кишлоқ хўжалик экинлари, пахта йиғим-теримида нобудгарчиликнинг олдини олишга қаратилган қонунлар талабларининг ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш;

-Республика Бош прокуратураси ва Ички ишлар вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 ноябрдаги “Экинларни пайхон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида”ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг мазкур масаладаги 1995 йил 6 ноябрдаги 423 – сонли, 1996 йил 25 ноябрдаги “Экинларни пайхон қилишга қарши курашни янада кучайтириш тўғрисида”ги 432 – сонли қарори талаблари ижросини таъминлаш бўйича ҳамкорликдаги фаолиятни кучайтириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш;

-кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартибига доир, шунингдек кишлоқ хўжалиги корхоналарида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун масъулиятни оширишга қаратилган қонунлар, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижроси устидан прокурорлик назоратини амалга ошириш;

-пиллачилик соҳасини бошқаришни янада такомиллаштиришга қаратилган қонунларнинг ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш;

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси (“Ўздавлатдонинспекция”) ва унинг қуйи тизимларида қонунларнинг ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш;

- “Ўзкимёсаноат” давлат акциядорлик компаниясининг кимё заводлари ва унинг ҳудудий “Қишлоқхўжаликкимё” давлат

акциядорлик жамиятлари тизимларида, корхоналарида минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва саклашнинг қонунийлиги ҳамда ташки иқтисодий фаолият, шартнома ҳамда тўлов интизоми тўғрисидаги қонунлар ижросини текшириш;

-Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Фермер хўжаликлари тўғрисида”ги қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги 476 – сонли қарори ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш;

-ёқилги – энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан ўтказиладиган текширишларни ташкил этиш;

-аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш ва амалга оширишга қаратилган¹.

Прокурорларнинг қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятидаги юқорида санаб ўтилган асосий йўналишлар тугал эмас, улар қонунчиликни таъминлашга қаратилган бошқа йўналишларда ҳам иш олиб борадилар. Давлат фаолияти ривожланишининг алоҳида босқичларида прокурорлар эътиборини талаб этувчи ҳуқуқий ва ижтимоий характердаги янги муаммолар вужудга келадик, улар прокурорлар эътиборига мухтож бўлиб, қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш уларнинг диққат марказида бўлиши керак.

2.2. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан назорат

Республика Конституциясида инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари юқори ўринга қўйилган. Жумладан, Конституциянинг 13 – моддасида: “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр – қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади” деб белгиланган.

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов томонидан илгари сурилган ҳамда Конституциямизда ўз аксини топган шу ғоялар асосида ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқларини таъминлаш бўлимининг тавсиялари, Тошкент, 2004 йил.

шакллантириш борасида Республикамизга хос ва мос бўлган йўл танлаб олинди, юртимизда суд – ҳуқуқ ислохатлари босқичма-босқич изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Шу жараённинг узвий давоми сифатида янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун демократик жараёнларни ўз ичига камраб олди. Прокуратура органларининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш, мақсад ва вазифаларни қайтадан кўриб чиқиш ва ҳуқуқни ҳимоялаш ваколатларини кучайтиришга устувор аҳамият берилди.

Бугунги кунда прокуратуранинг содда килиб айтганда “кораловчилик” вазифалари асосан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш томонига ўзгартирилди.

Ушбу қонун билан прокуратура органлари ходимларининг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш борасида янги нормалар киритилди. Эндиликда уларнинг фаолиятини баҳолаш мезонлари сифатида шу ҳудудда қонунийлик ҳолати, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатлари ҳимояси таъминланиши белгиланди¹.

Қайд қилинган саъй-ҳаракатларнинг асосий ташаббусқори Президент И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги “Адолат – қонун устуворлигида” маърузасида “Яна ва яна такрорлаб айтмоқчиман: прокуратура халқнинг устидан назорат қилмаслиги, аксинча унга хизмат қилмоғи даркор. Прокуратура ваколатлари доирасини, унинг фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини айнан ана шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда белгилаш зарур”.... “Хусусан қонун билан белгиланган прокурорлик назорати объектлари қаторидан фуқаролар чиқарилмоқда. Демократик жамиятда алоҳида фуқаролар эмас, балки уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қандай ҳимоя қилинаётганлиги прокурорлик назоратининг объекти ҳисобланади. Прокуратура идоралари фуқароларнинг ҳуқуқлари камситилиши ҳолларига йўл қўймаслик мақсадида бошқарув ва контроль органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари қонунийлигини назорат қилиб бориши зарур. Бу – прокурорларнинг асосий вазифаси ва бурчидир”, деб таъкидлади.

Шу боисдан ҳам, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг (янги таҳрири) 4–моддасига мувофиқ фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан

¹ Қодиров Р.Х. Адолат ва қонунийлик йўлида. Т. “Қонун ҳимоясида”, 2003 йил 7-сон.

назорат қилиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари тоифасига киритилди.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонун (янги таҳрири) Республика прокуратура органлари фаолиятининг дастурига айланди. Прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари фуқароларнинг қонунларимизда мустақкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, кенг қўламда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ислохотларни қонуний ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб қувватлаш, ҳар бир фуқаро, жисмоний ва юридик шахс ҳар қандай ҳолатда ўзининг қонун муҳофазасида эканлигини ҳис қилиш муҳитини юзага келтиришга қаратилди¹.

Янги қонунда прокуратура органларининг ҳуқуқий мақоми ҳам ўзгарди. Эндиликда у нафақат назорат қилувчи ёки текширувчи, балки энг асосийси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, ҳалқ манфаатларини ҳимоя қилувчи орган сифатида ўзини намоён қилди.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини мустақкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш прокуратура органларининг асосий вазифалари сирасига киритилди.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя қилиниши устидан назорат предметиға вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини – ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши киритилган.

Инсон ва фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида белгилаб берилган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг жамият олдидаги энг муҳим вазифасидир². Бунда прокурорнинг вазифаси:

-фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг дахлсизлик, фикрлаш, сўз ва эътиқод ҳамда виждон эркинлиги ҳуқуқларини қафолатларини таъминлаш;

¹ Незметов Х.. “Ҳуқуқий ҳимоянинг мустақкам пойдевори”. Т., Қонун ҳимоясида. 2003 йил, 1 (85) сон.

² Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июндаги 25 –сонли буйруғининг 2.13 бандлари..

-Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сиёсий ҳуқуқларини, яъни жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жамоат бирлашмаларига, сиёсий партияларга бирлашиш ва оммавий ҳаракатларда катнашиш ҳуқуқларини амалга оширишда уларнинг эркинликларини ҳимоялаш;

-шахснинг ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқини ушбу идоралар томонидаги таъминланишини назорат қилиш;

-фуқароларнинг мулкка эга бўлиш ҳуқуқини, уларнинг мулкни дахлсизлигини муҳофаза қилиш;

-шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли ҳамда хавфсиз меҳнат шароитларида ишлашга, ўз фаолиятлари учун ўз вақтида ҳақ олиш, меҳнат таътилига чиқиш ҳамда қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланишга доир ҳуқуқларини ҳимоялаш;

-хар бир шахснинг қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий ҳимояланиш, пенсия таъминоти ҳуқуқларини аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғизлар, ногиронлар, қариялар ва аҳолининг кам таъминланган қисмига алоҳида эътибор берган ҳолда муҳофазасини таъминлаш;

-бозор муносабатлари ривожланаётган бир пайтда соғлиқни сақлаш, оналик ва болалиқни ҳимоялаш, бепул малакали тиббий хизмат кўрсатишга оид ҳуқуқларни муҳофаза қилиш;

-фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқи, илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқлари амалга оширилишига кўмак беришга йўналтирилиши лозим.

Юқоридаги вазифаларни амалга оширишда прокурор “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг (янги таҳрири) 25 – моддасига мувофиқ қуйидаги ваколатлардан фойдаланади. Яъни, фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги аризалар, шикоятлар ҳамда бошқа маълумотларни кўриб чиқади ва текширади;

- аризачиларга уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тартибини тушунтиради;

- фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш ва бартараф этиш, қонунни бузган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда етказилган зарарни қоплаш чора-тадбирларини кўради.

Прокуратура ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг (янги таҳрири) 22 – моддасида назарда тутилган ваколатлардан фойдаланади.

Яъни, вазирликлар, давлат кўмиталари, идораларнинг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг, ҳарбий қисмларнинг ҳудуди ва хоналарига монеликсиз киришга, ҳужжатлар ва материалларни кўришга, текширишлар ўтказишга, текшириш учун қарорлар, фармойишлар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни, қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ва уни таъминлашга доир чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотларни талаб қилишга;

- давлат органлари, ҳарбий қисмлар, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмалари раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан улар тасарруфидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолиятини текшириш, тафтиш ўтказишни, идоравий ва ноидоравий текширишлар ўтказиш учун мутахассислар ажратишни талаб қилишга;

- мансабдор шахслар ва фуқаролардан қонун бузилиши хусусида оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар талаб қилишга ҳақлидир.

Қонун бузилиши аниқланган тақдирда прокурор ушбу қонунда ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўришга мажбур.

Жумладан далолатнома ва бошқа зарур ҳужжатлар, материаллар ва маълумотлар тақдим этишнинг, текширишлар ва тафтишлар ўтказишни, мутахассислар ажратишни рад этишда, прокуратурага келишдан, қонун бузганлик тўғрисида тушунтириш беришдан бўйин товлашда ифодаланган прокурорнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ва унинг талабларини бажармаслик, худди шунингдек прокурор фикри билдирилган ҳужжатларни кўриб чиқмаслик ёки уларни тўлиқ ҳажмда бажармаслик, шунингдек прокурорнинг ғайри қонуний қарор қабул қилишига эришиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин бирон бир таъсир кўрсатганлик учун қонунда маъмурий жавобгарлик белгиланган¹.

Прокурорнинг судга даъво қилиш ваколати “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг (янги таҳрири) 26 – моддасида

¹ Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси, 197- модда.

мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра фуқароларнинг суд тартибида ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва эркинликлари бузилса, лекин фуқаро соғлиғига, ёши ва бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, даврони прокурор тақдим этади ва судда қувватлайди.

Бу ваколатни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўзининг “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан прокурорлик фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 2004 йил 22 июндаги 25-сонли буйруғида прокурорларга:

- фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган тақдирда процессуал қонун нормаларида белгиланган тартибда судга даъво (ариза) бериш ҳуқуқидан кенг фойдаланилсин;

- бу ваколат, айниқса, фуқароларнинг меҳнат қилиш, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликка оид ҳамда бошқа шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга йўналтирилсин;

- шунда соғлиғи, ёши (вояга етмаганлар, қариялар) ёки бошқа сабабларга кўра суд орқали ўз ҳуқуқларини шахсан ҳимоя қила олмайдиган фуқароларнинг манфаатини кўзлаб судга даъво (ариза) тақдим этиш прокурорнинг вазифаси эканлигига жиддий эътибор қартилсин;

- хўжалик ҳуқуқий муносабатларда қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар, давлат ва жамоат ташкилотларига етказилган зарарни, шартнома мажбуриятларининг бажарилиши, банкрот деб топиш ва хўжалик муносабатларидан келиб чиқувчи бошқа масалалар юзасидан даъво киритиш муҳим вазифа деб ҳисоблансин;

- корхона, ташкилот ва муассасалар манфаатларига етказилган моддий зарарни регресс тартибида даъво кўзгатиш йўли билан мутасадди мансабдор шахслардан ундирилишига эришилсин, деб кўрсатма берган.

Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг (янги таҳрири) қабул қилинганлиги, Жиноят ва Жиноят – процессуал қонунларга муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритилганлиги жиноят процессида шахснинг ҳуқуқи ва манфаатларини муҳофаза қилиш борасида прокурорнинг фаолиятини тубдан яхшилашни тақозо қилади.

Яъни, жинойий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан шахснинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат

томонидан ҳимоя қилинишининг кафолати сифатида прокуратура органларининг масъулияти янада оширилмоғи;

- суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан жиноят-процессуал қонунчилик нормаларига қатъий риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш, қамоққа олинган ҳамда суд қарорлари асосида жазо ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишига йўл қўймаслик, шунингдек, судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш фаолияти самарадорлигини ошириш;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича халқаро нодавлат ташкилотлари билан самарали ҳамкорлик қилиш ва бу борада ошкораликка эришиш инсон ҳуқуқларининг ҳар қандай тарзда бузилиши ҳолатларига муросасизлик муносабатини шакллантиришнинг таъсирчан воситаси сифатида қаралиши;

- прокурорлар қонун билан белгиланган ваколатлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда мамлакатдаги ҳуқуқни ҳимоялаш механизмининг муҳим бўғини бўлмоғи зарур

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори “Жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш юзасидан прокурор назоратини тубдан яхшилаш тўғрисида”ги 2005 йил 17 февралдаги 40 – сонли буйруғида прокурорларга:

- жиноят ишларини юритиш чоғида мутасадди давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан қонунларга тўлиқ амал қилиниши ҳамда шахснинг шаъни, кадр-қимматини ҳурмат қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, айбсизлик презумпцияси, жиноят процессининг бошқа инсонпарварлик принципларига риоя этилиши устидан самарали ва таъсирчан назорат таъминлансин;

- жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиниши юзасидан прокурор назоратини таъминлашда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Инсон кадр- қимматини камситувчи ҳаракатлар, қийноқ ва бошқа тазйикларга қарши кураш борасида»ги Конвенцияси ва бу борадаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларининг бажарилишига қатъий амал қилинсин;

- тергов хибсхоналари ҳамда жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг сақланиши қонунийлиги, белгиланган муддатларга риоя этилиши, уларга нисбатан қўлланилган интизомий жазоларнинг

қонунга мувофиқлиги, жазо ўташ тартиби ва шароитларини белгиловчи қонун талабларининг бажарилиши юзасидан ҳар ойда бир маротаба текширишлар ўтказиб турилсин;

- шунингдек, тергов хибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларидаги шароитларни тегишли келишув асосида хорижий давлатларнинг дипломатик корпус вакиллари, халқаро ва бошқа нодавлат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида белгиланган тартибда ўрганиб бориш амалиёти кенг қўлланилсин;

- йўл қўйилган қонунбузилиши ҳолатларининг сабаблари синчковлик билан текширилиб, уларни бартараф этиш чоралари қўрилсин;

- тергов ва суриштирув давомида фуқароларни қийноққа солиш, кўрkitиш, уриш, дўппослаш, уларга азоб бериш, руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш ёхуд бошқа ғайриқонуний усуллар билан далилларни тўплаш ҳолатлари аниқланганида зудлик билан айбдор шахсларнинг қонунда кўрсатилган жавобгарлик масаласи ҳал этилсин;

- айбсиз деб топилган ва реабилитация қилинган шахснинг қонунга хилоф равишда ушлаб турилгани, қамоқда сақлангани, ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилингани туфайли вазифасидан четлаштирилгани ёки тиббий муассасага жойлаштирилгани натижасида етказилган моддий зарарнинг ундирилиши ҳамда маънавий зиён оқибатларининг бартараф этилиши қонунда белгиланган тартиб ва муддатларда ҳал этилсин;

- фуқаролар ва уларнинг тузар жойлари дахлсизлиги тўғрисида конституциявий қафолатларга қатъий риоя этилиши, жиноят ишларини тўлиқ, ҳар томонлама ва ҳолисона тергов қилиш ҳамда гумонланувчи ва айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш борасида прокурорлар, терговчилар, шунингдек, суриштирув органлари ходимларининг шахсий масъулияти оширилсин;

- суриштирув ва тергов жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан инсон қадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар, қийнаш, кўрkitиш, тан жароҳатлари етказиш ва бошқа тазйиқлар қилинганлиги, суриштирув ва терговдан норозилиги, ноқонуний тинтув ва олиб қўйиш ҳаракати ўтказилганлиги, қонунга хилоф равишда ушланиб, қамокка олинганлиги, ҳимоя ҳуқуқи бузилганлиги ҳамда қонунга мувофиқ бўлмаган бошқа ҳатти-

харакатлар тўғрисида фуқароларнинг муурожаатларининг ҳал этилиши алоҳида назоратга олинсин;

- аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш, уларнинг олдини олишга қаратилган қатъий чоралар кўрилсин ҳамда айбдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган чоралар кўрилсин;

- фуқароларни ушлаш, қамоққа олиш ва жиноий жавобгарликка тортишда жиноят-процессуал қонунчилик талабларига риоя қилиниши аҳволи ҳар ярим йилда камида бир маротаба умумлаштирилиб, тезкор ва ҳайъат мажлислари муҳокамасига киритиб борилсин;

- прокуратура органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимояловчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш амалиёти йўлга қўйилсин. Бундай алоқалар доираси кенгайтирилиб, жиноят процессида қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш борасида прокурорлар томонидан амалга оширилаётган ишлардан жамоатчиликни мунтазам хабардор этиб туриш мақсадида турли конференциялар, кўшма тадбирлар, матбуот конференциялари ва бошқа воситалардан самарали фойдаланиб борилсин, деб кўрсатма берилган;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят – процессуал кодекси, шахсни қонунга ҳилоф равишда ушлаб турилгани, эҳтиёт чораси сифатида қонунга ҳилоф равишда қамоқда сақлангани, ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилингани туфайли қонунга ҳилоф равишда ишдан четлаштирилгани ёхуд тиббий муассасага қонунга ҳилоф равишда жойлаштирилгани натижасида унга етказилган мулкий зарарни ундириш ҳамда маънавий зарар оқибатларини баратараф этилишини кўзда тутати (ЖПК 302-313 – моддалар).

Зарарни ундириш ҳуқуқи суд томонидан оқлов ҳукми чиқарилганда, жиноят иш юритуви жиноий ҳодиса юз бермаганлиги ёки жиноят таркиби бўлмаганлиги ёки шахснинг содир қилинган жиноятга даҳли бўлмаганлиги асосида тугатилган ҳолларда вужудга келади. (ЖПК 301-моддаси).

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи шахснинг жиноят иши бўйича айбсиз деб топилиши ушбу шахсни реабилитация қилиш, яъни оқланганлиги тан олинishi ва унга нисбатан ҳеч қандай жиноий жазо қўлланмаслигидан далолат беради ¹, бу эса манфаатдор шахсда

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят – процессуал Кодексига шарҳлар. Т., Адолат, 2000 йил, 407 – бет.

кайд килинган ҳуқуқни вужудга келтиради. Реабилитация этиш тўғрисида қарор чиқарган суд, прокурор ёки терговчи реабилитация этилган шахсдан ариза тушган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан зиён миқдорини аниқлайди, зарурат туғилганда бунинг учун молия органларидан ва ижтимоий таъминот органларидан ҳисоб – китоб талаб қилиб олади. Иш апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриш чоғида суд томонидан тугатилган бўлса, зиён миқдорини ҳукм чиқарган суд аниқлайди (ЖПК 306 - моддаси).

Мулкий зиённинг миқдори ҳисоблаб чиқилгандан кейин бу зиённи қоплаш учун пул тўловларини амалга ошириш тўғрисида суд ажрим, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради (ЖПК 307 - моддаси).

Шахснинг ушлаб турилганлиги, қамалганлиги, лавозимидан четлаштирилганлиги, тиббий муассасага жойлаштирилганлиги ёки ҳукм қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар матбуотда эълон қилинган, радио, телевидение ёки бошқа оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилган бўлса, реабилитация этилган шахснинг, у вафот этган бўлса, қариндошларининг, суд, прокурор, терговчининг талабига кўра тегишли оммавий ахборот воситалари унинг реабилитация этилганлиги тўғрисида бир ой ичида хабар беришлари шарт (ЖПК 309 - моддаси).

Қонунга ҳилоф равишда ҳукм қилингани, қонунга ҳилоф равишда тиббий муассасага жойлаштирилгани, эҳтиёт чораси сифатида қонунга ҳилоф равишда камокқа олингани, қонунга ҳилоф равишда ушлаб турилгани туфайли ишдан (лавозимидан) озод қилинган ёки ишда айбланувчи, судланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши муносабати билан лавозимидан қонунга ҳилоф равишда четлаштирилган шахс олдин ишлаган ишига (лавозимига) тикланиши лозим, қорхона, муассаса, ташкилот тугатилган ёки қонунда назарда тутилган бошқа асослар уни олдинги ишлаб турган ишига (лавозимига) тиклаш имкониятини бермаган тақдирда унга аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилиши лозим (ЖПК 310 – моддаси).

Реабилитация этилган шахсни қонунга ҳилоф равишда эҳтиёт чораси тариқасида камокда сақланган вақти, жазо ўтаган вақти, лавозимидан четлаштирилганлиги туфайли ишламай юрган вақти, тиббий муассасада сақланган вақти умумий меҳнат стажига ва ихтисослик бўйича иш стажига қўшилади. Қонунга ҳилоф равишда

хукм этилгани, эҳтиёт чораси тарикасида камоқда саклангани, ушлаб турилгани ёки тиббий муассасага жойлаштирилгани туфайли ўқув юртидан ҳайдалаган шахс илтимосига кўра ўқишга тикланиши шарт.

Қонунга хилоф равишда хукм этилган ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилганлиги туфайли уй – жойдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган шахсга илгари у эгаллаб турган уй – жой қайтарилади, башарти уни қайтариб беришнинг имкони бўлмаса, ўша аҳоли пунктнинг ўзида аввалгисига тенг қулайликларга эга бўлган уй – жой берилади (ЖПК 310 - моддаси).

Шахснинг меҳнат қилиш, пенсия олиш ва уй – жойдан фойдаланиш ҳуқуқларини тиклаш, шунингдек мол – мулкни қайтариш ёки қийматини тўлаш тўғрисидаги талаби каноатлантирилмаган бўлса ёхуд шахс қабул қилинган қарордан норози бўлса, у тегишли талаб билан даъво ишини юритиш тартибида судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Реабилитация этилган шахс ҳуқуқларини даъво тартибида тиклаш унинг процессуал ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун асосий ҳуқуқий восита сифатида хизмат қилади ва агар реабилитация этилган шахснинг ҳолати тикланмаса, бу шахс ушбу ҳимояланиш воситасидан фойдаланиши мумкин¹. Мулкий зиённи қоплаш юзасидан, бундай тўловларни амалга ошириш ҳақидаги ажрим ёки қарорни олган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида ва бошқа ҳуқуқларни тиклашни реабилитация этилган шахс бундай тартиб тушунтирилган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида талаб қилиши мумкин. Узрли сабабларга кўра бу муддат ўтказиб юборилган ҳолларда у манфаатдор шахснинг аризасига биноан терговчи, прокурор ёки суд томонидан узайтирилиши мумкин (ЖПК 312 - моддаси).

Талаб қилиш муддатининг ўтказиб юборилгани ва уни тиклаш лозимлиги тўғрисидаги аризада реабилитация қилинган шахс қандай сабабларга кўра талаб қилиш муддатини ўтказиб юборганлиги ва ўзининг реабилитация қилинганлиги тўғрисидаги хабарни қачон олганлиги, қайси жиноят иши бўйича реабилитация қилинганлигини кўрсатиши лозим. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ушбу аризаларни рад қилмасдан синчиклаб текшириб, улар бўйича қонуний равишда реабилитация этилган шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишлари керак².

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят – процессуал Кодексига шарҳлар. Т., Адолат, 2000 йил, 417 – бет.

² Ўзбекистон Республикаси Жиноят – процессуал Кодексига шарҳлар. Т., Адолат, 2000 йил, 417 – бет.

2.3. Қонунлар ижроси устидан назорат доиралари ва предмети. Қонунлар ижросини текшириш

Қонун ижроси устидан назорат предмети, бу мазкур назорат соҳасидаги прокурор фаолиятнинг асосий параметрларидир. Қонунлар ижроси устидан назорат соҳасидаги прокурор назорати доиралари ва предмети Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунида (янги таҳрири) ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг юқорида қайд қилинган 2004 йил 28 июндаги 25-сонли буйруғида янада аниқ ва тўла ифодаланган.

«Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ куйидагилар назорат предмети ҳисобланади:

- вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фукароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги;

- иқтисодий муносабатлар, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ташқи иқтисодий фаолиятга оид қонунларга риоя қилиш ҳам назорат предмети ташкил қилади.

Юқоридагилардан кўринадики, назорат предметининг ядроси сифатида қонунларнинг ижроси намоён бўлади. (10 - сонли жадвал). Бундай ёндашув, прокуратуранинг назорат органи сифатидаги ўзига хос мақомини ҳамда унинг бош вазифаларидан бўлмиш қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлаш юзасидан қонунда белгиланган ҳукукий кучини реал акс эттиради.

Қайд қилиш лозимки, фойдаланилаётган қонунлар ижроси тушунчаси кенг маънога эга. Қонун талабларини амалга оширишга оид актив фаолиятни намоён қилувчи шахсий қонун ижроси билан бирга, у ҳуқуқни жорий қилишнинг бошқа шакллари, шу жумладан, қонун билан ман қилинган ҳаракатлар деб одатда тан олинган, қонунларга риоя қилишни ҳам қамраб олади.

Қонунлар ижроси ҳаракатлар кўринишида ёки ҳуқуқий актлар кўринишида намоён бўлиши мумкин. Ҳаракатлар ва актлар ўз моҳиятига кўра яғонадир. Униси ҳам, буниси ҳам қонун талабларини

хаётда кўллашга қаратилган қарорларни ўзида акс эттиради. Фаркли томонлари эса асосан уларни расмийлаштиришда кўринади. Хукукий актлар ҳужжатлар шаклига эга, ҳаракатлар эса бундай шаклга эга эмас. Бирок аксарият ҳолларда қонунлар ижроси бўйича қилинадиган ҳаракатлар ҳам, оқибатда ҳужжат тарзида расмийлаштирилади.

Прокурор фақат қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширади. Прокурор томонидан қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширадиган амалдаги қонунлар тизимига қуйидагилар қиради: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари. Шунини таъкидлаш керакки, Президентнинг Фармонлари қонун ролини бажаради, уларни чиқариш шу билан боғлиқки, қонунчилик органлари жамиятга керакли хукукий актларни қабул қилишни оператив таъминлай олмайди. Президент Фармонлари, бошқача қилиб айтганда, мавжуд камчиликларни тўлдирди. Улар Олий даражадаги юридик кучга эга.

Прокуратура органлари тўғрисидаги қонунчиликда қонунлар ижроси устидан назорат объектлари рўйхатига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жукорғи Кенгеси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг қарорлари киритилмаган. Бирок, ҳар қандай қонун бузилиши, у ким томонидан бузилганлигидан қатъи назар ҳар қандай қонун бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги қонундан келиб чиқиб, бу органлар ноқонуний ва асоссиз актлар қабул қилганда, прокурор бу ҳаракатларни жавобсиз қолдириши мумкин эмас. Бундай ҳолатда у Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига бу норматив актларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зидлиги тўғрисида мурожаат қилишга ҳақли.

Қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш чоғида прокурорлар ўзларининг ваколатларини амалга ошириш доираларни тўғри белгилаб олишлари керак, яъни бир томондан аниқланган қонун бузилишини жавобсиз қолдирмаслик, бошқа томондан эса, қорхоналарнинг хўжалик фаолиятига аралашмаслик ҳамда хўжалик раҳбарлари ва давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахсларини текширувчи органларнинг вазифаларини бажаришига йўл қўймаслик керак. (11-сонли жадвал).

Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг (янги таҳрири) 23 – моддасида хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятга прокурорнинг бевосита

аралашишига, идоравий бошқарув ва текширув органларининг вазифаларини бажаришига йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Қонунлар ижроси устидан назорат доирасини белгиловчи меъёр бўлиб хизмат қиладиган қоида: Қаерда қонун амал қилса, ўша ерда қонунлар ижроси устидан назорат ишлаши керак. Албатта, агар прокурор ўрнатилган тартиб-қоидадан бўйин товлаш фактини аниқлаган тақдирда, у бунга бефарқ бўла олмайди. Бундай ҳолатда у тегишли текширувчи ёки давлат органларига ўз ваколатларидан фойдаланиб, бу ҳуқуқбузарликни бартараф этишлари учун ўз хабарномасини юборади.

«Прокуратура тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири) (21-модда) алоҳида таъқидлайдики, қонунлар ижросини текшириш қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек қонунийлик аҳволи прокурор томонидан тегишли чоралар кўрилишини талаб қиладиган ҳолатда эканлигидан келиб чиққан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ўтказилади. Етарли асослар бўлганда эса ўз ташаббуси билан ҳам текшириш ўтказилиши мумкин (12-сонли жадвал).

Шу тарика қонун мазмунидан келиб чиқиб, текшириш учун асос бўлиб қонун бузилиши ҳақида маълумотлар ҳисобланади. Текшириш учун асос бўлиб шахсларнинг аризалари, шикоятлари ва бошқа мурожаатлари, оммавий ахборот воситалари, текширувчи органлар ҳужжатлари, жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишлари ва бошқа ҳужжатлар, шунингдек статистика таҳлили, прокурорлик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти натижалари, ҳуқуқбузарликни прокурорнинг бевосита ўзи аниқлаши ҳисобланади (13-сонли жадвал).

Қонунлар ижроси устидан назорат тартибида ўтказиладиган текширув прокуратура органлари фаолиятининг стратегиясини акс эттиради. Ҳозирги вақтда уларнинг тематикаси хилма-хилдир. Улар қаторига фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши тўғрисидаги, мулкчилик тўғрисидаги, тадбиркорлик фаолияти, хусусийлаштириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, солиқ, банк, божхона, ерга доир қонунларнинг ижроси устидан назорат қиради.

Текширишларнинг самарадорлиги уни ўтказиш бўйича амалга оширилган ишларнинг ташкилий даражасига, текширишларга тегишли бўлган масалаларни ҳуқуқий тартибга солувчи актларни билиш даражасига, методик адабиётлар ҳақида тўлиқ ва ҳар томонлама тасаввурга эга бўлишга боғлиқдир (14-15-сонли жадвал).

Назорат текширувлари ҳуқукбузарликнинг олдини олишга йўналтирилиб, ишнинг тўғри ва аниқ режалаштирилишига жиддий эътибор қаратилиши, текширишнинг йўналишларидан қатъи назар, бу объекта қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларга мувофиқлигини, шунингдек фуқаролардан келиб тушган мурожаатларнинг ҳал этилишида қонунларга риоя қилинишини ҳамда ҳуқуқий хизмат ишининг самарадорлигини ўрганишга комплекс ёндошилган ҳолда ҳар бир текшириш режаларига мажбурий тартибда киритилиши қатъий белгиланиши ва қонун бузилишларини ва уларни келтириб чиқараётган шарт – шароитларни бартараф қилиш мақсадида назорат тартибда такрорий текширишларни ўтказиш амалиётидан кенг фойдаланилиши ҳамда назорат тартибда қонунлар ижроси устидан текширув услуги такомиллаштирилиб борилиши, текширувларга мутахассисларни жалб этиш лозим¹.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июндаги 25 – сонли буйруғида прокуратура идораларининг назорат фаолиятини ташкил этишда, қонунбузарликларни аниқлаш ва олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликни янада яхшилаш чоралари кўришга текширув-назорати идоралари (контрол) билан ўзаро амалий алоқалар ўрнатилиб, қонунлар ижроси устидан биргаликда текширишлар ўтказиб боришга, давлат ва тармоқ назорат идоралари томонидан кўрилган чораларнинг қонунийлиги устидан назоратнинг кучайтирилишига, бунда назорат-текширув идоралари фаолиятининг қонунийлиги устидан мунтазам ва мақсадли назорат ўрнатилишини таъминлаш мақсадида ҳар чоракда камида бир маротаба текширишлар ўтказиб борилишига алоҳида урғу берилиб, ушбу органлар ходимларининг қонунсиз ҳаракатлари ва улар томонидан содир этилган суиистеъмолчиликлар тўғрисида прокуратура органларига келиб тушган мурожаатлар бўйича чуқур ва ҳар томонлама текширишлар ўтказилиши, мурожаатлардаги тасдиқланган ҳолатлар бўйича қонуннинг бузилишига йўл қўйган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган қатъий чоралар кўришга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар муҳокамасига юборилган материалларнинг қонуний ҳал этилишини текшириб бориш мақсадида йилига икки

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан прокурорлик фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 2004 йил 22 июлдаги 25-сонли буйруғининг 3 – банди.

маротаба таққослаш далолатномалари тузилишига ва идоравий бошқарув ва текширув органлари фаолиятларида қонунларга риоя этилиши бўйича прокурор назорати аҳволи ҳар 6 ойда бир маротаба умумлаштирилиб борилишига қаратилган деб кўрсатмалар берилган.

Мазкур буйруқда текширишни ўтказишда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларнинг олдини олиш, сифати ва самарадорлигини таъминлашга, ҳар ҳисобот даврининг бошида назорат текширув, иқтисодиёт ҳақидаги маълумотларни олиш ва ёзма равишда таҳлил қилиб, улардан назорат фаолиятини ривожлантиришда фойдаланишга эришиш лозимлиги ҳам кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси назорат сиёсатини белгилаб туриб, прокуратура органларининг фақат ваколат доирасига қирадиган масалаларни ҳал этиш сиёсатини (курсини) ўтказди. Прокурор бошқа давлат органлари ваколат доирасига қирувчи текширувларни ўтказишга ҳақли эмас. Прокурорнинг қонуности ва соҳавий актларини ижросига тааллуқли текширувлари ўз моҳиятига кўра тезкор хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятга прокурорнинг аралашуви деб ҳисобланади.

2.4. Қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш бўйича прокурор ваколатлари

Қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш бўйича прокурор ваколатлари давлат ва жамият манфаатларини муҳофаза қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш каби прокурор олдида турган вазифаларни қонунда белгиланган тартибда ҳал қилиш шакллари ва воситаларини аниқлаб беради. Улар ёрдамида қонун бузилишлари аниқланади ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилади, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаб ва шароитларини фош қилиш ва уларни бартараф этиш масалалари амалга оширилади ҳамда қонун бузилишига йўл қўйган шахсларнинг жавобгарликка тортилиши таъминланади (16 - сонли жадвал).

Прокурор ваколатлари қонун билан белгиланган бўлиб, улар прокурорга юклатилган функциялар характеридан келиб чиқади. Прокурор ваколоти қонунда белгиланган доирада амалга оширилади. Туман, шаҳар прокурорлари назорат функцияларини маҳаллий бошқарув органларига, текширув органларининг туман

(шахар) бўғинларига ва уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан амалга оширадilar.

Вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ўзларининг назорат функцияларини тегишли ижро органлари, текширув органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан олиб борадилар. Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси Республика вазирликлари, идоралари, текширув органлари мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ҳамда чиқарган қарорларининг қонунийлиги устидан назоратни амалга оширади. Ҳарбий ва бошқа ихтисослаштирилган прокурорларнинг ваколатлари, уларнинг ўзлари тенглаштирилган прокуратура тизимининг ўша бўғинига мувофиқ белгиланади.

Юқори турувчи прокурор, зарурат туғилганда, қуйи турувчи прокурорнинг ваколатларини бажаришни ўз зиммасига олиши мумкин, лекин қуйи турувчи прокурор юқори турувчи прокурорнинг ваколатларини олиши мумкин эмас.

Прокурорнинг қонунлар ижроси устидан назорат соҳасидаги ваколатлари «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг (янги таҳрири) 22-моддасида ифодаланган бўлиб, прокурор ўз ваколатлари доирасида:

- вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларнинг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг, ҳарбий қисмларнинг ҳудуди ва хоналарига монеликсиз киришга, ҳужжатлар ва материалларни кўришга, текширишлар ўтказишга, текшириш учун қарорлар ва фармойишлар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни, қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ва уни таъминлашга доир чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотларни талаб қилишга;

- давлат органлари, ҳарбий қисмлар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳарбий тузилмалари раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан улар тасарруфидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолиятини текшириш, тафтиш ўтказишни, идоравий ва ноидоравий текширишлар ўтказиш учун мутахассислар ажратишни талаб қилишга;

- мансабдор шахслар ва фуқаролардан қонун бузилиши хусусида оғзаки ва ёзма тушунтиришлар талаб қилишга ҳақлидир.

Қонун бузилиши аниқланган тақдирда прокурор ушбу қонунда ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўришга мажбур.

Шуни назарда тутиш керакки, прокурорларнинг Қонуннинг 22-моддасида назарда тутилган органлар ҳудуди ва хоналарига монеликсиз кириш ҳуқуқи, ўша жойлардаги пропуск режими қоидаларининг унга тўлиқ тааллуқли эмаслигини англатади, яъни прокурорнинг қайд қилинган ҳудуд ва хоналарга кириши учун ўз хизмат гувоҳномасини кўрсатиши етарлидир. Унга бошқа талабларни қўйиш мумкин эмас.

Шунингдек, ўз хизмат гувоҳномасини кўрсатиш орқали прокурор қонун бузилиши фактлари ҳақидаги маълумотларни олиш мақсадида жойида ҳужжатлар ва материаллар билан танишиш ҳуқуқига эга. Бу ҳолатда прокурор мурожаат қилган давлат органлари раҳбарлари ҳар қандай баҳона билан ҳатто бунда давлат ёки тижорат сири сақланиши сабаб бўлса ҳам ҳужжатларни беришдан бўйин товлашига йўл қўйилмайди. Давлат ва тижорат сири мавжуд ҳужжатларни олиш, уларни текширишга қонунда белгиланган тартибда йўл қўйилади.

Прокурорлик назоратининг самарадорлиги учун текширишларни ўтказиш мақсадида раҳбарлардан ва бошқа мансабдор шахслардан мутахассислар ажратишни талаб қилиш бўйича прокурор ҳуқуқи муҳим аҳамиятга эга. Бунга зарурат шундаки, прокурор фаолияти кенг қарамовли характерга эга бўлиб, прокурор жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунларнинг бузилиши билан тўқнаш келади. Қонун бузилиш факти юз берганда ҳар доим ҳам прокурорнинг ҳуқуқий билими етарли бўлмайди. Мавжуд масалаларни ҳал этишда тез-тез махсус билим ва кўникмаларга эга бўлган мутахассисларга талаб пайдо бўлади. Шу сабабдан, қонун нуқтаи назаридан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори юқорида қайд қилинган 25 – сонли буйруғида текширувларга тегишли мутахассисларни жалб этиш ва уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳақида прокурорларга кўрсатма берган.

Прокурор ваколатига мансабдор шахслар ва фуқаролардан қонун бузилиши муносабати билан тушунтиришлар талаб қилиш ҳуқуқининг киритилгани қонуний ҳисобланади. Қонун бузилишини айнан мансабдор шахслар ва фуқаролар содир этадилар ва уларнинг тушунтиришларисиз қонунбузарлик ҳақида ҳаққоний тасаввурга эриши бўлиш, ҳатто қонунбузарликлар фактининг шохиди бўлганда ҳам, мумкин эмас. Қонун бузилиши ҳақида айбдор шахсларнинг иштирокисиз олинган маълумотлар чала ва бир ёклама бўлади (17-сонли жадвал). «Прокуратура тўғрисида» ги Қонуннинг 22-

моддасига мувофиқ, прокурор ёки унинг ўринбосарлари томонидан қонун бузилиши факти аниқланганда улар ўз ваколатлари доирасида:

- вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимликлар, ҳарбий қисмлар, жамоат бирлашмалари, шунингдек мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ва чиқарган ҳужжатларига протест келтиришга;

- қонунда белгиланган тартибда жиноят ишини қўзғатиш, интизомий ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритувини қўзғатиш, иш материалларини кўриб чиқиш учун жамоатчиликка беришга;

- мансабдор шахслар ва фуқароларга қонун бузилишига йўл қўймаслик ҳақидаги ёзма огоҳлантирув эълон қилишга;

- давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларга қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритишга;

- фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судларга ариза билан мурожаат қилишга;

- Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ прокурорлик назорати предмети доирасига қирмайдиган давлат органлари, жамоат бирлашмалари тўғрисидаги норматив актларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зидлиги тўғрисида мурожаат қилишга ҳақлидир.

Прокурорнинг ҳуқуқий актлар ва бошқа зарур ҳужжатлар, материаллар ҳамда маълумотларни тақдим қилиш ҳақидаги, мутахассислар ажратиш ҳақидаги, прокуратурада ҳозир бўлиш ва қонун бузилиши юзасидан тушунтиришлар бериш ҳақидаги талаблари, улар кимга қаратилган бўлса, ўша органлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир. Текширув, тафтиш ёхуд идоравий ёки ноидоравий текширувлар прокурор томонидан белгиланган муддатда ўтказилиши ва прокуратурага текширув натижалари маълум қилиниши шарт.

Мансабдор шахслар ва фуқаролар прокурор талабларини бажармаганликлари учун қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 197 – моддасида "Прокурорнинг қонуний фаолиятларига тўсқинлик қилиш ва унинг талабларини бажармаслик" учун жавобгарлик белгиланган.

Прокурор ваколатларининг хилма – хиллиги, уларни тўғри ва тўлиқ бажарилиши қонунлар ижроси устидан назоратнинг самарадорлигини, қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда қонунбузарларни жавобгарликка тортишни таъминлайди.

Прокурорлар ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт шароитларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг олдини олиш, қонунни бузган шахсга нисбатан чора кўриш тўғрисида мутасадди раҳбарларга аниқ таклифлар киритишлари, прокурор назорати ҳужжатларини меҳнат жамоасида, ўзи иштирокида ошқора кўрилишига ва натижаларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишига эришишлари лозим.

2.5. Аниқланган қонун бузилишига нисбатан прокурор назорати ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида» ги (янги таҳрири) Қонуни аниқланган қонун бузилишлари юзасидан уларни бартараф қилишга қаратилган прокурор назорати ҳужжатлари турларини белгилайди. Улар қуйидагилардир: протест (38-модда), қарор (39-модда), тақдимнома (40-модда), ариза (41-модда) ва огоҳлантирув (42-модда). Протест – келтирилади, қарор чиқарилади, тақдимнома ва ариза – киритилади.

Прокурор назорати ҳужжатлари ҳар доим индивидуал характерга эга: улар у ёки бу аниқ орган ёки шахсларга ҳамда муайян фактларга қаратилган бўлади. Прокурорлар қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш натижалари бўйича давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ваколатлари доирасида қабул қилинадиган кўп марта қўлланишга ёки қатъий талаблар ва ман этишларни белгилловчи ҳужжатларни қабул қилишга ҳақли эмас.

Санаб ўтилган қонунлар ижроси устидан назорат ҳужжатлари бевосита аниқ қонун бузилишларини, уларнинг келиб чиқиш сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга йўналтирилган бўлиши керак. Бу ҳужжатларни қўллаш нафақат умумий, шунингдек махсус профилактик аҳамиятга эга.

Прокурорлик назоратининг самарадорлиги нафақат прокурорлар томонидан ўтказиладиган қонунлар ижроси устидан назорат текширувининг сифатига, шунингдек кўпроқ прокурорлар таъсир

хужжатларининг ўзига ҳам боғлиқдир. Прокурор назоратининг назарияси ва амалиёти прокурор таъсир хужжатларининг самарадорлиги учун зарур бўлган шарт-шароитларга катта эътибор беради.

Бу шарт-шароитларнинг асосийлари бўлиб прокурор таъсир хужжатининг ўз вақтида киритилиши; унда кўрсатилган фактларнинг аниқлиги ва ҳаққонийлиги; хужжатда келтирилган прокурор таклифларининг ҳуқуқий асосланганлиги ва мукамал далилланганлиги; хужжатни киритиш йўлининг тўғри танланганлиги ҳисобланади.

Қонунлар ижроси устидан назорат хужжатларининг ҳар бир тури учун уларни қўллашнинг ўзига ҳос шарт-шароитлари мавжуд. Мисол учун: такдимнома киритиш чоғида унда қонун бузилиши, унинг келиб чиқиши ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитлар ўртасидаги боғлиқликнинг аниқ ифода қилинишига ҳамда прокурор таклифларининг етарлича конкрет ифодаланишига эътибор бериш зарур. Маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисидаги иш юритуви кўзғатиш ҳақидаги қарорда содир қилинган қонунсиз ҳаракатлар, уни содир қилган шахс аниқ кўрсатилиб, бу ва бошқа ҳаракатлар мазкур қарорни чиқаришга асос бўлганлиги қайд қилинади.

Қонунлар ижроси устидан назорат хужжатлари қисқа, лўнда, ўзига яраша зарур реквизитларни яъни, прокуратуранинг номи, манзили, хужжатнинг тузилган жойи ва вақти, хужжатни чиқараётган прокурорнинг фамилияси, мансаби, даражали унвонига оид маълумотларни ўз ичига олган бўлиши керак. Хужжатнинг кириш қисмида қонун бузилишининг мазмуни, унинг фактик ва юридик тавсифи, хулоса қисмида эса прокурорнинг қонун бузилишини бартараф этиш юзасидан талаби, огохлантируви ва имконият доирасида, қонунбузарликларни бартараф қилиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан аниқ чоралар кўриш ҳақидаги тавсиялари кўрсатилган бўлиши керак. Хужжат прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Прокурор назорати хужжатларининг мақсади қуйидагиларга қаратилган:

-қонун бузилишининг ҳақиқатан бартараф этилишига эришишга, бузилган ҳуқуқларнинг тикланиши ва қонунга зид бўлган хужжатларни бекор қилишга;

-аниқланган қонун бузилишининг мазмунини тушунтиришга, уларни бартараф этиш услублари бўйича аниқ тавсиялар беришга;

-айбдор шахслар доирасини аниқлаш ва содир этилган қонун бузарликларнинг хавфлилик даражасидан келиб чиққан ҳолда уларнинг жавобгарлик (шу жумладан моддий) масаласини белгилашга;

-профилактик таъсир ўтказиш ва жамоатчилик фикрини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши лозимлигига¹.

Прокурор назорати таъсир ҳужжатининг самарадорлигини ошириш учун, таъсир ҳужжатини олган орган ёки мансабдор шахс томонидан уни аниқ бажарилишининг ахамияти ниҳоятда муҳимдир. Шунинг учун ҳам прокурорлар қайд қилинган орган ёки мансабдор шахс томонидан қонунда белгиланган талабларга риоя қилиниши устидан назорат олиб боришлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори прокурор назорати ҳужжатларига қуйидаги талабларни қўйган, яъни протест, тақдимнома, ариза, қарор ва огоҳлантирувнинг сифатли бўлиши таъминлансин, ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт – шароитлар чуқур таҳлил этилиб, уларнинг олдини олиш, қонунни бузган шахсларга нисбатан чора кўриш тўғрисида мутасадди раҳбарларга аниқ таклифлар киритилсин;

- прокурор назорати ҳужжатини меҳнат жамоасида, ўз иштирокида, ошкора кўрилишига ва натижаси оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишига эришилсин;

- Республика Бош прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамоат ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон транспорт ва Ҳарбий прокурорлари қуйи прокурорлар томонидан қўлланилган прокурор назорати ҳужжатларининг сифати мунтазам равишда ўрганилиб борилсин.

- қуйи прокурорлар томонидан қўлланган прокурор назорати ҳужжатлари ҳар ойда юқори турувчи прокурорга ўрганиш учун юборилиши таъминлансин;

- прокурор назорати ҳужжатларини сонига қараб баҳо бериш амалиётидан тўлиқ воз кечилсин. Шу муносабат билан қуйи турувчи

¹ Прокурор назорати ҳужжатларини тайёрлаш ва қонун бузулишини бартараф этишда унинг самарадорлигини ошириш бўйича услубий тавсиялар., Т Ўзбекистон, 2003 йил, 6-бет.

барча прокурорларга бир турдаги прокурор назорати ҳужжатларини иккинчиси билан алмаштириш катъиян тақиқлансин ¹.

Прокурор назорати ҳужжатлари ҳар бир прокурорнинг ҳуқуқий онги, савияси, касбий қобилияти, шаъни ва қадр – қимматини ифодаловчи ҳолатлардан бирига айланмоғи лозим ².

Қонунлар бузилишига нисбатан прокурор назорати ҳужжатларини тайёрлашнинг, уларнинг ҳуқуқий мақсадининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд экан, уларнинг ҳар бирини тайёрлашга алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Прокурор протести

Протест муассаса, ташкилотнинг қонунга зид ҳужжати ёки мансабдор шахснинг қонунсиз ҳужжати ёки ҳаракатига, ҳужжатни бекор қилиш ёки уни қонунга мослаштириш, мансабдор шахсларнинг қонунсиз ҳаракатларини тўхтатиш ҳамда бузилган ҳуқуқларни тиклаш ҳақидаги прокурорнинг қонунлар ижроси устидан назорат тартибидаги асослантирилган ҳужжатдир.

Қонунлар ижроси устидан назорат тартибидаги прокурор протести аниқланган қонун бузилиш ҳолатларига прокурорнинг асосий ҳуқуқий таъсир қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

"Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг (янги таҳрири) 38-моддасига мувофиқ, қонунга зид бўлган ҳужжатга нисбатан протестни прокурор ёки унинг ўринбосари ана шу ҳужжатни қабул қилган органга ёки юқори турувчи органга келтиради. Мансабдор шахснинг ноқонуний қарорига нисбатан ҳам худди шундай тартибда протест келтирилади.

Протест келиб тушган вақтдан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай кўриб чиқилиши шарт. Қонунбузарликни дарҳол бартараф этиш талаб қилинган алоҳида ҳолларда прокурор протестни кўриб чиқишнинг қисқартирилган муддатини белгилашга ҳақли. Протестни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида уч кунлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилинади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфиатларини ҳимоя қилиш юзасидан прокурорлик фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги 2004 йил 22 июндаги 25-сонли буйруғининг 4 – банди.

² Прокурор назорати ҳужжатларини тайёрлаш ва қонун бузилишини бартараф этиш, унинг самарадорлигини ошириш бўйича услубий тавсиялар. Т., Ўзбекистон, 2003; 7- бет.

Протест коллегиал орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақлидир.

Протест шу ҳужжатни қабул қилган орган (мансабдор шахс) ёки юқори турувчи орган (мансабдор шахс) томонидан рад этилганда, шунингдек протест қонунда белгиланган муддат ичида кўриб чиқилмаган тақдирда, прокурор ана шу ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли. Судга ариза протест рад этилганлиги тўғрисидаги хабар олинган пайтдан бошлаб ёки протестни кўриб чиқиш учун қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин бир ойлик муддат ичида берилиши мумкин.

Прокурор томонидан судга ариза берилиши протест келтирилган ҳужжатнинг амал қилишини ариза судда кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб қўяди. Прокурорнинг ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг 276 – 278 – моддалари билан тартибга солинади.

Прокурор ноқонуний ҳужжатга нисбатан протестни ҳар қандай вақтда келтириши мумкин. Бу ҳужжатни қабул қилиш муддати билан боғлиқ эмас, лекин қонунбузилиш ҳолатлари билан кураш самарадорлигини ошириш қонунга зид ҳужжатлар аниқланиши заҳотиёқ, уларга протест келтирилишини талаб қилади.

Қонунга мувофиқ, протест прокурорнинг хоҳишига кўра қонунсиз ҳужжатни қабул қилган орган, ёки ундан юқори турувчи органга келтирилади. Прокурорга берилган бундай имконият, ҳар қандай конкрет ҳолатда қонун бузилишини тезлик билан бартараф этиш ва бузилган ҳуқуқни тиклашда, қолаверса, келажакда бундай қонунбузилишларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш учун юқори турувчи органга мурожаат этиш шарт бўлмаган тақдирдагина протест қонунга зид бўлган ҳужжатни қабул қилган органнинг ўзига киритилади.

Агар қонунга зид бўлган ҳужжатларда қонун бузилиш ҳолатлари такрорланса ёки ушбу орган фаолиятида улар доимий равишда учраса, прокурор томонидан келтирилган протестдан сўнг ҳам тегишли чоралар кўрилмаган бўлса, прокурор протестни юқори турувчи органга киритиши лозим. Прокурорларга протестни коллегиал орган томонидан кўриб чиқилишида унинг мажлисида шахсан иштирок этиб, протестни қўллаб қувватлаш тавсия этилади.

Прокурорнинг протестига асосан бекор қилинган, лекин аллақачон ижро этилган ҳужжат бўйича, прокурор бузилган ҳуқуқни тиклаш устидан назоратни ўзи амалга оширади.

Қонунлар ижроси устидан назорат тартибидаги протестда қуйидагилар ифодаланиши керак: -протест келтирилган орган; - ҳужжатнинг номланиши - «Қонун ижроси устидан назорат тартибидаги протест», -қонунга зид бўлган ҳужжатнинг номи; ҳужжат ким томонидан қабул қилинган; қабул қилиниш санаси; протест келтирилган қонунга зид бўлган ҳужжат ёки унинг қисми мазмунининг изоҳи; протестнинг ҳуқуқий асоси, яъни протест келтирилган ҳужжат қандай асосларга кўра қонунга зид деб баҳоланиши изоҳи, қайси қонун талаблари бузилганлиги (қонуннинг номи, ким томонидан ва қачон қабул қилинган, қонун матни, қаерда чоп этилган); -мавжуд қонун бузилиши ҳолатини бартараф этиш бўйича прокурорнинг таклифи; -қонун бузилишига йўл қўйган айбдорни қонуний жавобгарликка тортиш бўйича прокурорнинг таклифи (зарур ҳолларда); -протест қонунда белгиланган ўн кунлик муддатдан кечиктирмасдан кўриб чиқилиши ва кўриб чиқиш тартиблари тўғрисида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши ҳақидаги талаб; -прокурорнинг мансаб лавозими ва малака даражаси; -протестни юбориш санаси (1-ва 2-иловалар).

Прокурор назорати ҳужжатининг ушбу туридан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, бандлик, фуқароларнинг соғлиғини ҳимоялаш, истеъмолчилар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш, фуқароларнинг муружаатларига доир қонунлар ва бошқа ҳолатларда фойдаланиш самара беради.

Прокурор қарори

Қарор мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан содир этилган қонун бузилишининг характериға қараб жиноий, интизомий, маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида прокурор томонидан чиқариладиган ҳужжатдир.

«Прокуратура тўғрисидаги» Қонуннинг (янги таҳрири) 39-моддасига кўра прокурор мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан содир этилган қонун бузилишининг хусусиятиға қараб жиноят иши, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисидаги иш кўзғатиш

ҳақида қарор чиқаради. Прокурор томонидан қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қарор чиқарилади.

Жиноят аломатлари мавжуд бўлган ҳатти – ҳаракат жиноят иши кўзғатиш учун асос бўлади. Қарорда жиноят иши кўзғатиш учун асос бўлган ижтимоий хавfli қилмиш ва бунинг учун Жиноят кодексидаги жавобгарликни белгиловчи модда, жиноят ишини иш юритувига олиши лозим бўлган мансабдор шахс ҳақидаги маълумотлар акс эттирилиши лозим.

Жиноят иши кўзғатиш ҳақида қарор чиқариш кўринишидаги прокурор назорат ҳужжатига энг сўнги қоралардан бири сифатида ёндошмоқ керак. Бундай қарорга келишда адолатли бўлиш лозим¹.

Прокурор ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик бўлган ҳолатлар юзасидан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақида қарор чиқаради. “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг (янги таҳрири) 39–моддасидан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 275-моддасида маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш кўзғатиш асослари кўрсатилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақида қарор чиқаришдан аввал ушбу прокурор назорати ҳужжатини қўллашни истисно этувчи, яъни маъмурий жазо қўллаш муддати ўтиб кетганлиги ёки айнан шу ҳуқуқбузарлик бўйича тегишли мансабдор шахс ёхуд суднинг қарори мавжуд ёки йўқлигини мукамал ўрганилиши лозим.

Прокурорнинг назорат тартибидаги текшируви жараёнида мансабдор шахс томонидан хизмат юзасидан бажарилиши лозим бўлган вазифалар талаб даражасида бажарилмаган ҳолларда интизомий жавобгарлик тўғрисидаги иш кўзғатиш ҳақидаги қарор чиқарилади. Интизомий жавобгарлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 182 - моддасига асосан ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахс (ёки орган)га кўриб чиқиш учун юборилиши шарт.

Бозор муносабатлари тикланаётган бир пайтда акциядорлик жамиятлари, компаниялар, корпорациялар ва ассоциацияларнинг бошқарув органлари (ижроя органлари) раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортишнинг ўзига

¹ Прокурор назорати ҳужжатларини тузиш ва қонун бузилишини бартараф этишда унинг самарадорлигини ошириш бўйича услубий тавсиялар. Т., Ўзбекистон, 2003 йил, 10 – бет.

хос хусусиятлари мавжуд. Акциядорлик жамиятлари мансабдор шахсларининг интизомий жавобгарлик масаласини ҳал этишда амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги “Акциядорлик жамиятларида бошқарув тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги 361 – сонли, 2003 йил 19 апрелдаги “Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги 189 – сонли қарорларига амал қилиниши лозим¹.

Прокурор томонидан чиқарилган қарор ўз шаклига кўра бир қатор талабларга жавоб бериши керак. Агар иш жиноят иши кўзғатиш ҳақида борса, прокурор Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 321-, 322-, 331- ва 336 - моддаларига амал қилиши керак. Жиноят иши кўзғатиш ҳақидаги қарор уч қисмдан: кириш, тавсиф ва хулоса қисмларидан иборат бўлади. Кириш қисмида қарор қачон, ким томонидан, қаерда чиқарилгани, тавсиф қисмида жиноят иши кўзғатишга асос ва сабаблари кўрсатилади, хулоса қисмида жиноят кодексининг қайси моддаси аломатлари бўйича жиноят иши кўзғатилаётганлиги, унинг кейинги ҳаракати ҳақидаги маълумотлар қайд этилади (3- илова).

Маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги прокурорнинг қарори келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичида орган ёки мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилиши шарт. Уни кўриб чиқиш натижалари ҳақида уч кун муддатда прокурорга ёзма равишда маълум қилинади.

Маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни кўзғатиш ҳақидаги қарор қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт: - вақти кўрсатилган ҳолда қарорнинг номи; - шунингдек ким томонидан, қаерда тузилганлиги; - ҳуқуқбузарликнинг тавсифи; - мансабдор шахс жавобгарлигининг ҳуқуқий асослари; - қайси қонун бузилганлиги; - етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини юклаш ҳақидаги прокурор талаби; - прокурорнинг қарорни қонунда кўрсатилган муддатда кўриб чиқиш ва унга хабар бериш тўғрисидаги таклифи; прокурорнинг фамилияси мансаб, лавозим ва малака даражаси, унинг имзоси (4,5,6-иловалар).

¹ Прокурор назорати ҳужжатларини тайёрлаш ва қонун бузилишини баргараф этишда унинг самарадорлигини ошириш бўйича услубий тавсиялар. Т., Ўзбекистон, 2003, 12 – 13 бетлар.

Маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни кўзгатиш ҳақида прокурорнинг қарори асоссиз равишда рад этилган тақдирда, прокурор қарорни кўриб чиқиш учун юқори турувчи орган ёки мансабдор шахсга (керак бўлса, юқори турувчи прокурор оркали) ўтказиши мумкин.

Прокурор қарори қонунсиз эгалланган жойдан маъмурий тартибда кўчириб чиқаришга санкция берганда ҳам қўлланилади.

Қарорда қонунлар ижроси устидан назорат ҳужжати сифатида прокурорнинг мансабдор шахс ёки бошқа шахслар томонидан муайян ҳаракатни бажаришни ваколат доирасида талаб этишда фойдаланиш мумкин ва мақсадга мувофиқдир.

Прокурорнинг тақдимномаси

Тақдимнома қонун бузилишини бартараф этиш, унинг сабаб ва шарт-шароитларига барҳам бериш ҳақида, қонун бузилишини бартараф этишга ваколатли бўлган давлат органи, жамоат бирлашмаси ёки мансабдор шахсга киритган прокурорнинг таъсир ҳужжатидир.

"Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг (янги таҳрири) 40-молдасига мувофиқ прокурор қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномани қонун бузилишини бартараф этиш ваколатларига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга киритади.

Тақдимнома дарҳол кўриб чиқилиши ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим.

Тақдимнома коллегиял орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақлидир.

Прокурорнинг тақдимномаси мазмун жиҳатидан қонун бузилишлар мажмуасини бартараф этишга қаратилган ҳужжат бўлиб, ушбу хусусиятга кўра бошқа прокурор назорати ҳужжатларидан фаркланади. Тақдимнома ҳуқуқий жиҳатдан сифатли расмийлаштирилиши ва аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари лўнда ифодаланиши лозим.

Тақдимнома қонун ижроси устидан назорат материалларига, муайян қонунлар ижроси устидан назорат амалиётини

умумлаштириш натижаларига, қонунлар бузилиши тизими, динамикаси ва сабабларига асосланади. Такдимномани тайёрлаш вақтида қонунлар бузилиши ҳақидаги маълумотлар ва сабаблар, уларни келтириб чиқарувчи омиллар ҳақида давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан олинган маълумотлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Такдимнома қуйидагиларни ўз ичига олиши керак: - жўнатилаётган орган номи; - ҳужжатнинг номи «қонун ижроси устидан назорат тартибидаги такдимнома»; - такдимнома чиқаришга асос бўлган фактлар (прокурор текшируви, қонунлар ижроси устидан назорат материалларининг умумлаштируви, шикоятлар тахлили, жиноий ва фуқаролик ишлари материаллари ва бошқа манбалар); - прокурор томонидан аниқланган қонун бузилишининг мазмуни, унинг сабаблари ва унга кўмаклашувчи шарт-шароитлар; - такдимноманинг дарҳол кўриб чиқилиши ва аниқланган қонун бузилиши сабаблари, шарт-шароитларини бартараф қилиш юзасидан кўрилган чоралар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши; - прокурорнинг мансаб лавозими; унинг малака даражаси; имзоси ва сана (7 ва 8 -иловалар).

Такдимномага қонун бузилишига йўл қўйган шахсларни интизомий ёки маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги прокурор талаби ҳам киритилиши мумкин. Бу тартиб прокурор томонидан интизомий ёки маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида алоҳида қарор чиқарилмаган ҳолатларда қўлланилади.

Қонун бузилиш, унинг сабаблари ва унга кўмаклашган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақидаги прокурор таклифининг характери ва мазмуни алоҳида аҳамият касб этади. Прокурор қонун бузилишини бартараф этиш учун керакли чора-тадбирлар кўриш тўғрисидаги умумий сўзлар билан чекланмаслиги лозим. Прокурорнинг назорат таъсир ҳужжатларининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини кўтариш учун конкрет қонун бузилиши ҳолатлари ва унга ёрдам берган шарт-шароитларни аниқ кўрсатиб, чуқур таҳлил қилинган бўлиши лозим.

Агар қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш ташкилий – иқтисодий ёки техник ҳолатлар билан боғлиқ бўлса, бунда прокурорнинг талаблари ваколатли орган ва мутахассислар – экспертларнинг хулосалари билан асослантирилган бўлиши мумкин.

Такдимнома қонун бузилиши ҳолатларини, унинг сабаб ва шарт – шароитларини бартараф этишга ваколатли бўлган ва ўз вақтида

амалий чора - тадбирлар кўраоладиган давлат органлари ва мансабдор шахсларга жўнатилади. Бундай тартиб кўпрок юқори органларнинг бевосита аралашуви лозим бўлган ҳолларда (масалан, қонун бузилиши ҳолатига куйи турувчи орган раҳбари жавобгар бўлса) ёки аниқланган қонун бузилишлари бошқа корхона, муассаса, ташкилотларда (шу тармокнинг) ҳам мавжуд бўлган ҳолларда қўлланилади.

Тақдимнома коллегиял органга жўнатишганда, уни кўриб чиқишда прокурорнинг шахсан иштирок этиши ва қонунбузарликларни бартараф этишга қаратилган самарали амалий чораларни қўллашга эришиши тавсия этилади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Прокуратура органларининг қонунчилик тарғиботи ва қонун ижроқорлиги фаолиятида иштирок этиш борасидаги вазифалари тўғрисида”ги 29 – сонли буйруғининг 8-банди 2-қисмида текшириш ва тергов натижалари бўйича киритилган тақдимномалар муҳокамасида прокурор – тергов ходимларининг тўлиқ иштироки таъминланиши кўрсатилган.

Прокурорнинг ўзи тайёрлаган ҳужжат муҳокамасида иштирок этиши қонуний қарор қабул қилишни кафолатлайди ва тақдимнома муҳокамасига профилактик тус беради. Қонун бузилиш ҳолатлари сабаблари ва шарт-шароитларининг олдини олиш, профилактика қилиш мақсадида прокурор зарурият туғилганда тақдимнома киритган ташкилот, корхона, муассасаларда қонунлар ижроси юзасидан қайта текшириш ўтказишни режалаштиради.

Прокурор аризаси

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг (янги таҳрири) 41 – моддасига кўра, прокурор фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Прокурорнинг аризаси суд томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади. Прокурор аризасидан давлат божи олинмайди.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 26 – моддасида прокурорнинг бу борадаги ваколатлари кучайтирилиб, аҳолининг маълум бир табақаси манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш вазифаси юклатилди. Яъни, фуқароларнинг суд тартибида ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган бўлса-ю, лекин у соғлиги, ёши (вояга етмаган, қария) ёки бошқа сабабларга кўра судда

Ўз ҳуқуқ ва эркинликларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, даъвони прокурор тақдим этади ва судда қувватлайди.

Прокурор аризаси бўйича судда фуқаролик иши кўзғатилади ва кўрилади, прокурор даъвогар тариқасида иштирок этади. Даъвогар судга мурожаат қилишида бирон-бир процессуал мақсадни кўзлайди. Унинг бу мақсади, бузилган ёки низоли ҳуқуқнинг ёхуд қонун билан кўрикланадиган манфаатнинг ҳимоя қилиниши тўғрисида суд қарорига эришишга қаратилади. Судда фуқаролик иши кўзғатилишида даъво аризаси ёзма шаклда берилади.

Судга юборилган аризанинг мазмунига оид талаблар процессуал қонунчилик асосида белгиланади. Ўзбекистон Республикаси ФПК 149 моддасига кўра, фуқаролик ишлари бўйича судлов муҳокамасига юборилиши лозим бўлган аризада қуйидагилар кўрсатилиши лозим; - ариза бериладиган суднинг номи; - даъвогарнинг номи ва манзили (прокуратуранинг номи ва қаерда жойлашганлиги); - жавобгарнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), яшаш жойи ёки агар жавобгар ташкилот бўлса, унинг номи ва қаерда жойлашганлиги; - даъвогарнинг талаби; -агар даъвони баҳолаш лозим бўлса унинг баҳоси; -даъвогар ўзининг талабларига асос қилиб кўрсатаётган ҳолатлар ва бу ҳолатларни тасдиқлайдиган далиллар; -аризага илова қилинган ҳужжатларнинг рўйхати. Ариза даъвогар томонидан имзоланади (прокурор фамилияси, исми, мансаб лавозими, малака даражаси), (9-илова)

Прокурор томонидан бошқа шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш учун бериладиган аризаларда, кимнинг манфаатини кўзлаб берилган бўлса, ўша шахснинг (фамилияси, исми, отасининг исми), манзили кўрсатилиши лозим. Судга ариза жавобгарларнинг сонига қараб мутаносиб миқдорда нусхалари билан берилади¹.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан прокурорлик фаолиятининг самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги 2004 йил 22 июндаги 25-сонли буйруғида, прокурорларнинг эътибори қуйидагиларга қаратилган:

-фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган тақдирда процессуал қонун нормаларида белгиланган тартибда судга даъво (ариза) бериш ҳуқуқидан кенг фойдаланиш;

¹ Шораҳимов Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик - процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Т. "Адабиёт", 2001, 155 – 156 бетлар.

-бу ваколатни, айниқса, фуқароларнинг меҳнат қилиш, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликка оид ҳамда бошқа шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилишга йўналтириш;

-шунда, дейилади буйруқда, соғлиғи, ёши (вояга етмаганлар, қариялар) ёки бошқа сабабларга кўра суд орқали ўз ҳуқуқларини шахсан ҳимоя қила олмайдиган фуқароларнинг манфаатини кўзлаб судга даъво (ариза) тақдим этиш прокурорнинг вазифаси эканлигига жиддий эътибор қаратиш;

-хўжалик ҳуқуқий муносабатларида қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар, давлат ва жамоат ташкилотларига етказилган зарарни, шартнома мажбуриятларини бажариш, банкрот деб топиш ва хўжалик муносабатларидан келиб чиқувчи бошқа муносабатлар юзасидан даъво киритиш муҳим вазифа деб ҳисобланиши;

- корхона, ташкилот ва муассасалар манфаатларига етказилган моддий зарарни регресс тартибида даъво кўзғатиш йўли билан мутасадди мансабдор шахслардан ундирилишига эришиш¹.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодексининг 43 – моддасига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик судига даъво аризасини тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар ёки уларнинг ўринбосарлари тақдим этади (10- сонли илова).

Хўжалик судларига юборилаётган даъво аризаларида даъво талаблари асослантираётган ҳолатлар аниқ ва сифатли акс эттирилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда, қонун ва шартнома шартларига кўра ушбу ҳолатлар томонлар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўзгартириш ёки тузатиш учун асос бўлганлигини ёритиш зарур. Даъво аризасида суд мажлисида низонинг тўғри ҳал этилишига асос бўлувчи юридик фактлар аниқ келтирилиши шарт.

Агар прокурор текширув жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг суд тартибида ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлигини аниқласа, бунда барча аниқланган қонун бузилишларига тўлиқ муносабат билдирилишини таъминлаши ҳамда қонун бузилиши тўлиғича бартараф этилишига эришиш мақсадида судга ариза билан муурожаат қилиши мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан прокурорлик фаолиятининг самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги 2004 йил 22 июндаги 25-сонли буйруғи, 6-банди.

Хўжалик юритувчи субъект хўжалик судида ўз манфаатларини мустақил равишда ҳимоялашига тўсиқлар мавжуд бўлган (масалан, шартнома талаблари бажарилмаслиги натижасида тўлов қобилиятини йўқотган ва давлат божини тўлашга имконияти бўлмаган) ҳолларда прокурорлар уларни суд тартибида ҳимоялаш мақсадида қонунда берилган ваколатларидан фойдаланишлари мумкин.

Энг муҳими – даъво аризасида бузилган ҳуқуқ ва манфаатни тиклаш юзасидан талаблар тўғри ҳамда тегишли қонунларнинг аниқ моддаларига асосланган ҳолда қўйилиши низонинг қонуний ҳал этилишида муҳим аҳамият касб этади ¹.

Прокурор огоҳлантируви

"Прокуратура тўғрисида"ги (янги таҳрири) Қонуннинг 42-моддасига мувофиқ, прокурор фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига, ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ҳамда давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ғайриқонуний ҳагги-харакатлар тайёрланаётганлиги хусусида ишончли маълумотлар мавжуд бўлганда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида мансабдор шахслар ва фуқароларни қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида ёзма равишда огоҳлантиради ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликни тушунтиради (11 - илова).

Огоҳлантирув тўғрисида прокурор юқори турувчи органга (мансабдор шахсга), шунингдек огоҳлантирув эълон қилинган шахснинг иш, ўқиш жойи бўйича, иш берувчига (маъмуриятга) эки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилишга ҳақли.

Мансабдор шахсга қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирув эълон қилиш жараёнида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва профилактика қилиш тадбири сифатида ёндошиш лозим.

Прокурор назорати ҳужжатининг ушбу турини қўллашда мансабдор шахс ўзига нисбатан профилактик таъсирга эга бўлган муҳим жараён ўтказилганлигини ва унинг олдини олмаган тақдирда жавобгарликка тортилишини хис қилиши лозим.

Огоҳлантирилаётган мансабдор шахс ушбу тадбир пайтида хизмат юзасидан зиммасига юклатилган вазифаларни талаб

¹ Прокурор назорати ҳужжатларини тайёрлаш ва қонун бузилишини бағраф этиш, унинг самаралорлигини ошириш бўйича услубий тавсиялар. Т., Ўзбекистон, 2003 йил. 17 – бет.

даражасида бажармаган тақдирда қандай жавобгарликка тортилиши мумкин эканлигини ҳис этувчи тарбиявий жараён эканлигини тулиқ тушуниб етиши керак.

Мансабдор шахсга огоҳлантирув эълон қилиш пайтида у ёки бу ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳуқуқий ҳужжат мазмуни билан таништириш ушбу ҳужжатнинг самарадорлигини оширади.

Мансабдор шахсга огоҳлантирув эълон қилишдан олдин тушунтириш хати ёзилиши, унга шахсан эълон қилиниши, имзо қўйдирилиши, шикоят қилиш тартиби тушунтирилиши ва бир нусхаси унга берилиши лозим.

Ушбу прокурор назорати ҳужжатининг таъсирчанлигини ошириш мақсадида бир йил давомида огоҳлантирув эълон қилинган мансабдор шахс томонидан қонун бузилишининг олди олинганлиги ёки йўқлигига қаратилган назорат текшируви ўтказилиши лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон транспорт ва Ҳарбий прокурорлари "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасида белгиланган ваколатлардан келиб чиққан ҳолда, қуйи турувчи прокуратураларда тайёрланган прокурор назорати ҳужжатлари сифатини мунтазам равишда ўрганиб боришлари шарт.

Бунинг учун шаҳар ва туман прокурорлари ҳар ойда қўлланилган прокурор назорати ҳужжатлари нусхалари вилоят ва унга тенглаштирилган прокурорларга юборилишини тартибга солишлари лозим.

Худди шу муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон транспорт ва Ҳарбий прокурорлари ўзларида тайёрланган прокурор назорати ҳужжатлари нусхаларини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тегишли бошқармаси ва бўлимига юборилишини таъминлашлари лозим.

Бундай назоратнинг жорий этилиши қуйи турувчи прокурорлар томонидан сифатсиз ва нотўғри прокурор назорати ҳужжатлари тайёрланишининг олдини олиш ҳамда бундай ҳужжатлар тайёрланишига йўл қўйилган тақдирда уларни зудлик билан қақиртириб олишга имконият беради¹.

¹ Прокурор назорати ҳужжатларини тайёрлаш ва қонун бузилишини бартараф этишда унинг самарадорлигини ошириш бўйича услубий тавсиялар. Т. Ўзбекистон, 2003 йил 19 – 21 бетлар.

2.6. Қонунлар ижроси устидан назоратни ташкил қилиш

Прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятининг муваффақияти, бу фаолият марказда ва жойларда қай даражада ташкил қилинганлиги билан белгиланади.

Қонунлар ижроси устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси ва бошқарма таркибида бўлган кишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими, уларнинг вилоят ва уларга тенглаштирилган прокуратуралардаги таркибий тармоқлари ва жойлардаги прокурорлар томонидан амалга оширилади.

Бошқарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун (янги таҳрири) ва бошқа қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ҳукумат қарорлари, Бош прокуратуранинг хайъат қарорлари, Бош прокурорнинг соҳавий буйруқ ва кўрсатмалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси тўғрисида"ги Низом талаблари асосида амалга оширади.

Кишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 18 мартдаги 2 – сонли "Кишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги буйруғи билан тасдиқланган Низомга мувофиқ олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда қонунлар ижроси устидан назорат соҳа – минтақа принципи асосида ташкил қилинади. Бу дегани Республика Бош прокуратураси, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокурорлар бир вақтнинг ўзида бўйсунувчи прокурорларнинг қонунлар ижроси устидан назорат фаолияти устидан ташкилий-методик раҳбарликни бажарадилар ва ўзларининг ваколатларидаги объектларда назоратни амалга оширадилар.

Республика Бош прокуратурасининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси ва кишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш

ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими қўйи прокурорларнинг қонунлар ижроси устидан назорат ишини умумлаштиради, назоратнинг самарадорлигини ошириш, қонун бузилишларни аниқлаш ва бартараф этишнинг янада таъсирчан воситаларини қўллаш юзасидан методик тавсияларни ишлаб чиқади, жойлардаги прокурорларга амалий – услубий ёрдам кўрсатади ва қонунлар ижроси устидан назоратга оид прокурорларнинг ижобий тажрибасини оммалаштиради ва прокурор назоратини такомиллаштиришга доир таклифлар киритади.

Бошқарманинг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, республиканинг конституциявий тузуми, жамият ва давлатнинг қонун билан қўрикланадиган манфаатларини муҳофаза қилиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

Шу мақсадда бошқарма қўйдаги асосий йўналишларда фаолият олиб боради. Яъни, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат назорати (контроль) идоралари, фуқароларнинг ўзини – ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳамда улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги устидан назоратни ташкил этади ва амалга оширади.

Фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, уларнинг ҳимоялашга қаратилган қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни олиб боради.

Иқтисодий муносабатлар, атроф – муҳитни муҳофаза қилиш маъмурий жавобгарликка доир қонунчиликка риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади (ички ишлар вазирлиги, солиқ ва божхона қўмиталари органлари ҳамда суднинг маъмурий фаолияти бундан мустасно).

Қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисида шикоятлар, бошқа маълумотлар мониторинг ва таҳлиллар асосида, шунингдек прокурор томонидан чора кўрилиши талаб қилинадиган ҳолларда текшириш ўтказад, текширувларнинг сифати ва самарадорлигини таъминлаш, қонунбузарликларни тўлиқ аниқлаш чораларини кўради.

Конунбузарликлар юзасидан сифатли ва самарали прокурор назорати хужжатлари қўлланишини таъминлайди.

Конунларни такомиллаштириш ишларида қатнашади, қонунлар ижроси ва қўлланилиш тажрибаси асосида Республика Бош прокурорига қонунчилик ташаббусини амалга ошириш юзасидан таклифлар киритади, шунингдек жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этади.

Қуйи бўлимлар фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда назорат қилади, уларга амалий услубий ёрдамлар кўрсатади, мазкур тармок ходимларини иш ўрганишга чақиради, уларнинг касб маҳоратини ошириш чораларини кўради.

Қонунийлик ҳолати, прокурор назоратининг аҳволини мунтазам равишда таҳлил қилади, унинг самараси ва таъсирчанлигини оширишга қаратилган вазифаларни белгилаб боради, долзарб масалаларни идоралараро йигилишлар ва ҳайъат мажлислари муҳокамасига киритади.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш, қонунларни тарғиб қилишда иштирок этади¹.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимларининг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат яъни, қишлоқ хўжалигида иктисодий ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ҳамда Ҳукумат қарорларида баён этилган талаб ва қоидаларни белгиланган муддатларда, тўлиқ ижро этилишини назорат қилиш;

Асосий қишлоқ хўжалиги экинлари (пахта ва ғалла) экиладиган майдонлар мониторингини мунтазам ўтказиб туриш, экин майдонлари маҳсулот ишлаб чиқарувчилар фермер ва ширкат хўжаликлари, туман ва вилоятлар томонидан қабул қилинган ҳамда тасдиқланган шартнома мажбуриятларига мувофиқлигини танлов асосида текшириш;

Фермер ва деҳқон хўжалиқларига ер ажратиш борасида қонунчилик ҳамда меъёрий хужжатларда ўрнатилган тартиб бузилишининг олдини олишнинг комплекс чора – тадбирларини амалга ошириш, бунда маъсул шахслар томонидан хизмат мавқеининг суиистеъмол қилиниши, қариндош – уруғчилик ва ошна –

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурориянинг "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси тўғрисида"ги 2004 йил 12 апрелдаги 3 – сонли буйруғи билан тасдиқланган Низом.

оғайнигарчилик муносабатларидан фойдаланиш ҳолларига йўл қўймаслик;

Ердан катъий равишда мақсадли фойдаланиш, суғориладиган экин майдонлари муомаладан чиқарилишига йўл қўймаслик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиши бўйича қабул қилинган шартнома мажбуриятларига риоя этилиши устидан доимий назоратни амалга ошириш;

Сув ресурсларидан исрофгарчилик билан фойдаланиш, менерал ўғитлар, ёнилғи мойлаш материалларини ўғирлаб талон – торож қилиш, гидротехника, мелиорация иншоотлари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлатишда хўжасизлик фактларининг олдини олиш чораларини кўриш;

Барча вазирликлар, идоралар, ҳокимлар, давлат назорат идоралари, муассаса, корхона, ташкилот, бирлашмалар, мансабдор шахслар томонидан чиқарилаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунларига мувофиқлигини назорат қилиш, аниқланган қонунга хилоф ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш ҳақида тегишли прокурор назорати ҳужжатларини қўллаш;

Аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юзасидан тегишли ташкилотлар ёки мансабдор шахслар номига қонунбузилиши, унинг келиб чиқиши сабаблари ва унга имконият яратиб бераётган шарт – шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритиш, қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳнома эълон қилиш ҳамда қонун бузилишининг хусусиятига қараб жиноят, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисида ишлар кўзгатиш ҳақида қарорлар қабул қилиш;

Фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судларга аризалар тайёрлаш;

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, шу жумладан қонунчиликни кенг қўламда тушунтириш йўли билан шундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш¹.

Қонунлар ижроси устидан назоратнинг ҳаракатчан ва таъсирчанлиги маълум даражада марказ ва жойларда бу иш тўғри режалаштирилиб йўлга қўйилганлигига боғлиқ. Қонунлар ижроси

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг "Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунчиликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими тўғрисида"ги 2004 йил 12 мартдаги 2 – сонли буйруғи билан тасдиқланган Низом.

устидан назорат доираси нақадар кенг қамровли эканлигини инобатга олган ҳолда, прокурорлар текшириш ўтказиш учун ҳуқуқ – тартибот ва қонунчилик аҳволи носоғлом бўлган корхоналарни танлашлари керак.

Прокурорлик фаолиятининг асосий йўналишларидан бири қонунлар ижроси устидан назоратнинг характерли хусусиятлари шундаки, бу ишдаги муваффақият кўпроқ назоратни амалга ошираётган прокурорнинг шахсий ташаббуси билан ҳам белгиланади. Солиштириб кўрадиган бўлсак, қонунчиликни текшириш жараёнида жинойий ишларни судда кўрилишида прокурор ваколатини таъминловчи прокурор қаршисида тергов қилинаётган ёки тергов қилинган жиноят иши турса, қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширувчи прокурор қоидага кўра ўзининг ишини "нольдан" бошлайди. У аввалам бор қонун бузилишини аниқлаши, бу учун жавобгар шахсни ва ҳужжатни кейинги йўналишини белгилаши лозим, яъни жиноят иши ёки интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиши ва ҳоказо.

Қонунлар ижроси устидан назоратнинг бошланғич нуқтаси туман, вилоят ва республикада қонунийлик аҳволининг, ҳолатининг таҳлили ҳисобланади. Шундай таҳлилни прокурорлар муайян корхона, муассаса, таъкилотларда ҳам ўтказадилар. Бундан мақсад, қонунийликни мустаҳкамлаш борасидаги ўзларининг дастурларини белгилаб олиш, яъни улар қонунийлик ҳолати бўйича кенг маълумотлар базасидан, айнан улар аралашувига муҳтож ҳолатни аниқлашлари лозим.

Текширув ўтказиш чоғида прокурор текширув ишини шундай ташкил қилиши керакки, қачонки унинг натижасида нафақат қонун бузилиши, балки, унга олиб келган сабабларни ҳам аниқлаш имкони бўлсин. Бу айниқса, хўжалик фаолияти соҳасида ўтказиладиган текширувларда муҳим бўлиб, қаерда режалаштириш, молиялаштириш, ишлаб чиқариш технологиялари, нархларни шакллантириш, стандартлаштириш ва бошқа шу каби махсус билимларни талаб этади. Одатда прокурорлар бундай билимга эга эмаслар ва шу сабабдан ҳам, қонунлар ижроси устидан назорат текширувини ўтказиш чоғида улар турли мутахассислар ёрдамидан фойдаланадилар.

Прокурор нафақат ишлаб чиқаришни тушунадиган яхши мутахассис топиши лозим, балки, у мутахассиснинг олдига кизиқтирувчи тўғри саволларни, масалаларини қўйиши, шунингдек,

олинган жавобларни тўғри баҳолаши ва улардан унумли фойдаланиши лозим, токи, мутахассис ҳуқуқий саволларга эмас, балки иктисодий ва ишлаб чиқаришга оид саволларга жавоб берсин – ҳуқуқий саволлар эса прокурорнинг мутлақ ҳуқуқидир.

Қонун бузилиш фактини аниқлаган прокурор, бу қонун бузилишига нисбатан таъсир чора ва воситаларини белгилайди, яъни "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг (янги таҳрири) 37 – моддасида кўзда тутилган прокурор назорати ҳужжатларининг энг самаралисини яъни протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирувни танлайди. Айрим ҳолларда йўл қўйилган қонун бузилиши ҳолатининг ўзи прокурор таъсир ҳужжатини белгилайди. Мисол учун, прокурор ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш фактини аниқласа, айбдорга нисбатан жиноят иши кўзгатади ва қонунда белгиланган тартибда тегишли ҳисобот ҳужжатларини олиб қўйиш чорасини кўради.

Мансабдор шахс томонидан чиқарилган ҳуқуқий ҳужжат қонунга зид эканлиги аниқланган ҳолларда прокурор бу ҳужжатни бекор қилиш ёки ўзгартириш хусусида протест келтиради.

Прокурор протест келтириш ёки тақдимнома киритиш тўғрисида қарорга келгач, бу ҳужжатни қайси давлат органи ёки қайси мансабдор шахсга юборишни белгилайди. Қонунлар ижроси устидан назоратнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш учун прокурор назорат ҳужжатларининг роли ва аҳамиятини ошириши лозим, бу ҳужжатларга қонун бузилиши ва унинг сабабларини бартараф этиш, қонунчиликни ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашга эришиш воситаси сифатида қараш лозим. Чунки, қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятининг муваффақияти, бу назоратнинг охириги натижалари билан белгиланади. Аниқланган қонун бузилиши, унинг сабаблари ва унга кўмак берган шарт-шароитлар ўз вақтида, тўла аниқланган ва бартараф этилган тақдирда у натижага эришилган ҳисобланади.

Қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятининг тўғри ташкиллаштирилиши ва сифатли амалга оширилиши прокурорнинг қонунчиликдан ўз вақтида ва тўлиқ ахборотга эга бўлиши билан боғлиқдир, айниқса туман, шаҳар бўғинидаги прокурорлар янги қонунчилик билан тўлиқ танишиб боришлари лозим. Бу юқори турувчи прокуратуралар томонидан тизимли ва кенг тартибда уюштирилаётган семинар ва амалий машғулотларда амалга оширилиши лозим, айниқса амалдаги қонунчиликни янгиланишига

шароит яратиб бераётган иқтисодий, ижтимоий ва суд – ҳуқуқ ислохатлари амалга оширилаётган ҳозирги даврда бу ишлар долзарб аҳамият касб этади.

Бу вазифанинг ниҳоятда долзарблигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг "Прокуратура органларининг қонунчилик тарғиботи ва қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш борасидаги вазифалари тўғрисида"ги 2004 йил 24 июндаги 29-сонли буйруғида "Янги қабул қилинган қонунлар, уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар прокуратура органларининг ҳар бир ходимига етказилиши ҳамда ўрганилиши мунтазам йўлга қўйилиши таъминлансин. Прокуратура органларида қонун ҳужжатларини мужассамлаштириш ва тартибга солиш, уларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар жамланиши таъминлансин" деб таъкидланган¹.

Мавзулар юзасидан назорат саволари.

1. Қонунлар ижроси устидан назоратнинг моҳияти ва вазифасига таъриф беринг?
2. Қонунлар ижроси устидан назоратнинг асосини ташкил қилувчи омилларга таъриф беринг?
3. Қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширувчи прокурорнинг вазифалари нималарда ифодаланади?
4. Қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишдаги йўналишларга таъриф беринг?
5. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашда прокурорларнинг вазифаси?
6. Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни мустаҳкамлашда кўрилаётган чоралар қанлай қонунларга қаратилиши лозим?
7. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан назорат моҳиятига таъриф беринг?
8. Инсон ва фуқароларнинг Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда прокурорларнинг вазифаси?
9. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда прокурор қандай ваколатлардан фойдаланади?

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 24 июндаги 29 – сонли буйруғи.

10. Прокурор талабларини бажармаганлик учун жанобгарликнинг ҳуқуқий асослари?
11. Прокурорнинг судга даъво қилиш ваколатининг ҳуқуқий асослари ва сабабларига таъриф беринг?
12. Жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш юзасидан прокурор зиммасига юклатилан асосий талаблар?
13. Реабилитация этилган шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун нормаларига таъриф беринг?
14. Қонунлар ижроси устидан назорат доиралари ва предметиға таъриф беринг?
15. Қонунлар ижроси қандай кўринишларда намоён бўлиши мумкин?
16. Қонунлар ижросини текшириш асослари?
17. Назорат текширувларининг мақсади ва эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатлар?
18. Қонунлар ижроси устидан назоратини амалга ошириш бўйича прокурор ваколатлари?
19. Қонун бузилиши факти аниқланганда ўз ваколати доирасида прокурорнинг ҳуқуқлари?
20. Аниқланган қонун бузилишлари юзасидан уларни бартараф этишга қаратилган прокурор назорати ҳужжатлари турларига таъриф беринг?
21. Қонунлар ижроси устидан назорат ҳужжатларини қўллаш ва тайёрлашнинг ўзига хос шарт – шароитларига таъриф беринг?
22. Прокурор назорати ҳужжатларининг мақсади?
23. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг прокурор назорати ҳужжатларига қўйган талаблари?
24. Прокурор протестиға, уни келтириш, кўриб чиқиш тартиб-қоидаларига таъриф беринг?
25. Прокурор қарори, унинг турлари, чиқарилиш сабаблари, қарорни бажарилиши юзасидан орган ёки мансабдор шахсларнинг масъулиятиға таъриф беринг?
26. Прокурор тақдимномаси, уни киритиш асослари, кўриб чиқиш тартиби, натижалари бўйича кўриладиган чоратадбирларға таъриф беринг?
27. Прокурор аризаси, ариза билан судға мурожаат қилиш асослари, сабаблари, уни судда кўриб чиқилиши тартибига таъриф беринг?

28. Прокурор огоҳлантируви, уни қўллаш сабаблари, тартибига таъриф беринг?
29. Қонунлар ижроси устидан назоратни ташкил қилишнинг ҳуқуқий асосларига таъриф беринг?
30. Қонунлар ижроси устидан назоратнинг ҳаракатчан ва таъсирчанлигини оширишда марказ ва жойларда ишни ташкил қилишда қўйиладиган талабларга таъриф беринг?

ХУЛОСА

Прокурор назорати концепцияси мазмуни мамлакатимиз Президент И.А.Каримовнинг Олий Мажлисининг иккинчи чақирик олтинчи сессиясидаги маърузасида ифодаланган. Маърузида Президент "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун (янги тахрири) лойиҳасини, "олдинги сессия муҳокамасига киритилган ушбу қонун лойиҳаси бугунги ҳаёт тақозо этаётган ўзига хос принципал ўзгаришларни тўла қамраб олмаган эди. Унда моҳиятан прокуратура фаолиятининг маъно мазмуни ҳар томонлама ва чуқур ақс эттирилган эди. Жиддий равишда қайта ишланган, бугун қайта кўрилаётган қонун лойиҳасида муҳим ўзгаришлар ва замон талабларига жавоб берадиган янгиликлар киритилган.

Тан олиш керак, муқаддам прокуратуранинг қонунлар бажарилишини назорат қилиш бўлинмаларининг иши ўзининг ижобий ва яратувчилик ролини йўқотиб, кўпинча жазолаш хусусиятини касб этган эди. Прокурорларнинг фаолиятида қонунларни ўзбошимчалик билан талқин этиш ҳоллари ҳам учраётгани, айниқса, ташвиш ва хавотир уйғотади. Ушбу касбни танлаган айрим ходимларнинг махсус хизмат либосини кийиши билан бирданига юриш-туриши, хулқ – атвори ўзгариб қолади. Уларнинг онгида "Биз – давлатнинг ўта ишончли одамларимиз, қолганларини эса биз назорат қилиб туришимиз лозим бўлган омма, холос" деган кайфият пайдо бўлади. Бу ахир, турмушга, шўролар даврига хос бўлган ахлоқий тубанлик эмасми? Оддий одамларда ҳуқуқ тартибот идораларига гоҳида ишончсизлик туғилишининг сабаби шунда эмасми?

Прокуратура ходимлари халқнинг бир қисми, ҳеч кимдан, оддий одамлардан ортиқ жойи йўқ. Уларни шу халқ, шу жамият тарбиялаб вояга етказган. Прокуратура халқнинг устидан назорат қилмаслиги, аксинча, унга хизмат қилмоғи даркор. Прокуратура ваколатининг доирасини, унинг фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини айнан ана шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда белгилаш зарур"¹, деб баҳолаган эди.

Жамиятни демократлаштиришнинг ҳозирги босқичида, яъни мамлакатда бозор муносабатларини тартибга солишнинг муҳим ҳуқуқий асослари, фуқароларни ва ҳўжалик субъектларини суд-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш институти барпо этилаётган бир

¹ И.А. Каримов За безопасность и мир надо бороться. Т.Узбекистан, Т- 10, стр. 43-47.

пайтда прокурорлик назорати тизимига ҳам ўзгартиришлар киритиш вақти келди. Прокуратура органларининг хўжалик фаолиятига ўринсиз аралашуви иқтисодий ислохотлар йўлида ғов-тўсикка айланмоқда. Шу сабабли ҳам "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири лойихасига прокурорлар ваколатини чеклайдиган бир қанча ўзгартиришлар киритилди.

Хусусан, қонун билан белгиланган прокурорлик назорати объектлари қаторидан фуқаролар чиқарилди. Демократик жамиятда алоҳида фуқаролар эмас, балки уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қандай ҳамоя қилинаётгани прокурорлик назорати объекти ҳисобланади. Прокуратура идоралари фуқароларнинг ҳуқуқлари камситилиши ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида бошқарув ва назорат органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари қонунийлигини назорат қилиб бориши зарур. Бу – прокурорларнинг асосий вазифаси ва бурчидир.

Амалдаги процессуал қонунчиликка мувофиқ ҳолга келтирилган янги таҳрирдаги қонунга кўра, прокурорлар суд қарорлари ижросини тўхтатиш ҳуқуқига эга эмас. Бундай қоида бошқа янги ўзгартиришлар қаторида судларнинг мустақиллигини таъминлаб, суд ва прокуратура ваколатлари ўртасидаги тегишли мувозанатни ўрнатишга ёрдам беради.

"Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририда прокурорларнинг ижро этиш учун мажбурий бўлган амрнома киритиш ваколати ҳам олиб ташланди. Чунки тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бу ваколат прокуратура органларига назорат органлари вазифасини амалга ошириш ва хўжалик субъектларининг фаолиятига араллишиш учун замин яратиб бermoқда эди. Қолаверса, қонуннинг бузилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйича прокурорларда бошқа таъсир чоралари ҳам етарли.

"Прокуратура тўғрисида"ги Қонунда прокуратура фаолияти устидан самарали, биринчи галда, жамоатчилик томонидан назорат ўрнатишни таъминловчи механизмлар мустаҳкам белгилаб қўйилди.

Мамлакатимиз Конституциясида прокуратура ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Олий Мажлисига ҳисобот бериши белгилаб қўйилган. Аммо бу нормани амалга оширувчи механизмлар ҳанузгача яратилмаган эди. Бу соҳадаги ҳуқуқий бўшлиқ кўп ҳолларда прокуратура ходимлари ўртасида ўзбилармонлик ва шунга ўхшаган номаъқулчиликларга сабаб бўлди. Қонунчиликка амал қилиниши устидан назорат ўрнатиши керак

бўлган тизимнинг ўзида турли суниестемолчилик ҳолатлари, порахўрлик каби иллатларнинг мавжудлиги мутлако йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир.


"Прокуратура тўғрисида"ги Қонунга (янги таҳрири) прокуратура фаолияти устидан назоратни кескин кучайтирувчи қоидалар киритилди. Жумладан Бош прокурорнинг буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид бўлса, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қарори асосида бекор қилинадиган бўлади.

Энди вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар халқ депутатлари тегишли Кенгашларига, зарурат бўлган ҳолларда эса фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига қонунийликнинг ҳамда жинойатчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида ахборот берадилар.

Биринчи бор, қонун билан прокурорлар фаолиятига баҳо беришнинг аниқ мезонлари белгиланиб ва бу мезонлар уларни лавозимларга тайинлашда инobatга олиниши қонун билан қўзда тутилди. Прокурор фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари, бурунгидагидек қўзғатилган ва тергов қилинган жинойат ишлари ёки жинойат жавобгарликка тортилган фуқароларнинг сони билан эмас, балки қонунчиликнинг ҳолати ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъминланиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тизими



Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг асосий вазифаоари

ДЕПАРТАМЕНТНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Солиқ, валютага оид жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишини ўз вақтида аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бажарилишини назорат қилиш

Давлат солиқ сибсати амалга оширилишини таъминлаш, солиққа тортиш базасини кенгайтириш, солиқ тўловларини камраб олиниши ва ҳисобининг тўлиқлигини таъминлаш, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш, қочилшнинг мумкин бўлган каналлари ва механизмларини, “хуфиёна” иқтисодиётнинг шакллариш йўллари, коррупция ҳолларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш

Валюта операциялари бўйича ҳисоб ва ҳисоботларнинг тўлиқлиги ва объективлигини назорат қилиш, хорижий валюта маблағларини қонунга ҳилоф равишда четга чиқиб кетилиши, олиб келиниши ва олиб чиқилиши, ноқонуний муомалада бўлиши ва валюта – айирбошлаш операциялари билан боғлиқ бошқа қонун бузилишларини олдини олиш ва бартараф этиш

Моливиий разветканинг замонавий тизимини яратиш, жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришни мумкин бўлган каналлари ва механизмларини аниқлашга йўналтирилган моливиий, мулккий операциялар мониторингини ташкил этиш ва амалга ошириш, аниқланган ҳуқуқ бузилишлари тўғрисида тегшли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бўлиналарига жиноий таъқибни ташкил этиш, маъмурий таъсир чораларини қўришлик учун ўз вақтида ахборот тақдим этиш

Солиқ ва валюта-молия соҳасида аниқланган жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишлари ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ назорат қилинадиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона компьютер базасини яратиш ва юритиш

Ўзбекистон Республикаси Халқаро мажбуриятлари ва шартномаларига мувофиқ валютани тартибга солиш соҳасида, шунингдек жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича хорижий давлатларнинг ваколатли органлари ҳамда халқаро ихтисослашган ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва ахборотлар айирбошлаш

Солиқ сибсати ва валюта муомаласини тартибга солиш, шунингдек жиноий йўллар билан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишларининг олдини олиш масалалари бўйича кенг тушунтириш, профилактика ишларини амалга ошириш

Прокуратура органларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий

принциплари

АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАР

БИРЛИК, МАРКАЗЛАШГАНЛИК, ҚОНУНИЙЛИК, МУСТАҚИЛЛИК ВА ОШКОРАЛИК

БИРЛИК

Қонуни бузилишига нисбатан прокурорлик таъсир чораларининг бирлиги

Қонуни бузилишини аниқлашда ва бартараф этишда юқори турувчи ва қуйи турувчи прокурорларнинг ваколатларининг бир – хиллиги

Ҳар бир прокурор ягона прокуратура органининг вақили сифатида ҳаракат қилади, қонуниларни аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни тўлиқ амалга оширади ва қонунибузилишининг олдини олиш ва профилактика қилиш чоралари қўллашнинг бир хиллиги

МАРКАЗЛАШГАНЛИК

Қуйи турувчи прокурорлар юқори турувчи прокурорларга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсиниши

Прокуратура органларининг фаолияти битта мақсад ва вазифаларга йўналтирилган

Назоратни амалга ошириш мақсади, шакли ва методикаларининг бирлиги

МУСТАҚИЛЛИК

Прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширадилар

Прокуратура органлари фаолиятига аралашиб таъқибланади

Прокурорнинг гайриқонуний қарор қабул қилишига эришиш мақсадида унга бирон – бир таъсир кўрсатиш, фаолиятини амалга оширишга тўқтинлик қилиш, прокурор талабларини бажармаслик жавобгарликка сабаб бўлади

Прокуратура органлари ходимлари ўз ваколатлари доирасида сиёсий партияларга аъзоликни тўхтатиб турадилар

ҚОНУНИЙЛИК

Прокуратура органларининг ходимлари ўз фаолиятларида Конституция ва бошқа қонуниларга риоя этишлари ва уларни бажаришлари шарт

Прокуратура ходимлари қонунилардан чекинишга, уни бузилишига, ўзбошимчиликка йўл қўймасликлари керак


Прокурорларнинг ҳуқуқий ҳужжатлари, уларнинг процессуал ҳаракати қонунга асосланиши, ундан келиб чиқиши ва қонунда белгиланган тартибда ва шаклда бажарилиши лозим.

ОШКОРАЛИК

Прокурорлар ҳалқ депутатлари тегишли кенгашларига, зарур бўлганда фуқароларнинг ўзини – ўзи бошқариш органларига қонунийлик ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида ҳар йили ахборот берадилар

Кенг жамоатчиликни прокурор назоратининг асосий йўналишларида амалга оширишда ишлар тўғрисида, текшириш натижалари, суд, тергов ишлари ҳамда қўрилган чоралардан хабардор қилади

**Прокурорлик назоратини амалга оширишга аралашингга йўл
қўйилмаслик**



**Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 8 –
моддасига асосан Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг
жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш
С Х Е М А С И**

Мувофиқлаштириш қўйидаги асосда амалга оширилади:

- қонуқчиликка риоя қилиш: мувофиқлаштириш фаолиятида тадбирлар ўтказиш ва тавсиялар киритишда ҳамда масалалар қўйишда барча иштирокчиларнинг тенглиги;
- келишилган ҳолда қабул қилинган қарорларни бажаришда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳар бир органнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан унга берилган ваколатлар доирасидаги мустақиллиги;
- шахс ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинлиги, давлат сири ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни химоя қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлмаган ҳолда ошқоралик;
- келишилган ҳолда қабул қилинган қарорларни бажаришда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳар бир орган раҳбарининг жавобгарлиги.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари:

- мувофиқлаштирувчи фаолиятга тааллуқли бўлган масалаларни уларни долзарблигини асослаб, уларни ҳал этиш йўллари ва усуллари қўрсатилган ҳолда таклифларни киритадилар;
- келишилган ҳолда ҳужжатлар лойиҳаларини ва бошқа муҳокама қилиниши ва улар бўйича қарор қабул қилиниши лозим бўлган масалаларни киритадилар;
- муҳокама қилиш учун киритилган масалаларни ҳал этиш ва улар бўйича қарор қабул қилишда иштирок этадилар;
- ишчи гуруҳ аъзоларини аниқлайдилар;
- биргаликда қабул қилинган қарорларни ва уларни татбиқ этиш самарадорлигини баҳолаш ҳақидаги таклифларни киритадилар.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш иштирокчилари:

- Прокуратура;
- Ички ишлар Вазирлиги;
- Миллий хавфсизлик хизмати;
- Давлат солиқ қўмитаси;
- Давлат божхона қўмитаси;
- Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи Бошқа органларнинг раҳбарлари.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси:

- мувофиқлаштирувчи кенгаш чакиради;
- мувофиқлаштирувчи фаолиятни танқиллаштириш учун зарур бўлган ахборотларни қабул қилиб олади;
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакитларидан иборат ишчи гуруҳ ташкил этади;
- мувофиқлаштирувчи кенгаш қотибиятига раҳбарлик қилиш учун прокуратура органлари ходимлари орасидан мувофиқлаштирувчи кенгашнинг масъул қотибини тайинлайди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш котибияти:

- кундалик ташкилий ишларни олиб боради;
- махфий иш юритиш қоидаларига амал қилган ҳолда мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳужжатларини юритади;
- мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари ва таклиф қилинганларни кенгашнинг кун тартиби ва муҳофама қилинадиган масалалар лойиҳалари ҳамда бошқа материаллар билан таништиради;
- мувофиқлаштирувчи кенгаш иш режасига асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг таклифларини тайёрлаш ва киритишни ташкиллаштиради;
- иш режасининг лойиҳасини ташкиллаштиради ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарларига кўриб чиқиш учун тақдим этади;
- мувофиқлаштирувчи кенгашнинг режа ва қарорлари бажарилишини таҳлил этади, натижаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш раисига ахборот беради;
- мувофиқлаштирувчи кенгаш раисининг бошқа топшириқларини бажаради.

Мувофиқлаштириш шакллари:

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарларининг мувофиқлаштирувчи кенгашини ўтказиш;
- жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш масалалари бўйича ахборотлар алмашиш;
- туман, шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларининг жиноятчиликка ва ҳуқуқбузарликка қарши курашдаги фаолиятини текшириш, амалий ёрдам бериш ёки уларни бу борадаги ижобий тажрибаларини оммалаштиришни ташкиллаштириш мақсадида ўрганиш учун келишилган ҳолда жойларга чиқиш;
- муайян бир жиноятни фош этиш мақсадида тезкор тергов гуруҳини тузиш;
- жиноятчиликнинг олдини олиш, уни содир бўлиш сабаблари, шарт – шароитларини ўрганиш, бартараф этиш мақсадида ҳамкорликда талбирлар ўтказиш;
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари касб – маҳорати, малакасини ошириш мақсадида ҳамкорликда ўқув семинарлари, конференциялар ўтказиш;
- жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши кураш фаолиятида ҳавфсизликни таъминлашга ёрдам бериш;
- ҳамкорликда буйруқлар, кўрсатмалар чиқариш, йўналтирувчи хатлар тайёрлаш;
- ҳамкорликда тўдламлар чиқариш;
- мувофиқлаштириш фаолиятининг ҳамкорликдаги режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

Мувофиқлаштирувчи йиғилишларни чақириш:

- мувофиқлаштирувчи йиғилиш зарур ҳолларда, лекин ҳар кварталда камидан бир марта кенгаш раиси, шунингдек, кенгаш аъзоларидан бирининг ташаббуси билан чақирилади.
- мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари масалаларни ҳал этишда тенг ҳуқуқга эга.

Хужжатлар тайёрлаш:

- мувофиқлаштирувчи кенгашда муҳокама қилинадиган масалалар юзасидан хужжатлар лойиҳалари белгиланган тартибда шу масалани муҳокамага киритган тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ёки шу мақсадда тузилган тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакилларида тузилган ишчи гуруҳи томонидан тайёрланади.

Мувофиқлаштирувчи кенгашга чақирилиши лозим:

- назорат қилувчи идоралар раҳбарлари, суд органлари, адлия, давлат ҳокимияти, маҳаллий ўзини – ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқалар.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалга оширадилар:

- жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатини, унинг тузилиши ва ўсишини биргаликда таҳлил қилиш, унинг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш, фош этиш, олдини олиш ва тергов қилиш амалиётини ўрганишни;
- жиноятчиликка қарши кураш борасидаги Республика ва вилоят режаларини бажаришни;
- бошқа давлат органлари, шунингдек, илмий муассасалар билан ҳамкорликда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасидаги масалаларни ишлаб чиқишни;
- зарур ҳолларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашга оид ахборот ва бошқа материалларни тайёрлаш ва давлат ҳокимияти ва ўзини – ўзи бошқариш органларига юборишни;
- жиноятчиликка ва ҳуқуқбузарликка қарши кураш амалиёти борасидаги қонунчиликни қўллаш амалиётини умумлаштиришни ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи фаолиятни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлашни;
- жиноятчиликка ва ҳуқуқбузарликка қарши кураш фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш масалаларини ишлаб чиқишни;
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мувофиқлаштирувчи фаолиятини ўрганиш, ижобий тажрибаларини оммалаштиришни.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарори.

- мувофиқлаштирувчи кенгаш қарори унинг барча аъзолари томонидан маъқуллангандан сўнггина қабул қилинган ҳисобланади.
- агарда қарор ижросида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бир неча органлар иштирок этса, ижросини ташкиллаштириш қарорда биринчи кўрсатилган органга юклатилади;
- мувофиқлаштирувчи кенгаш қарори раис ва унинг ижроси юклатилган орган раҳбари томонидан, йиғилиш баённомаси эса раис томонидан имзоланади.
- буйруқлар, кўрсатмалар, тузилган баённома (йўлалтирувчи хат, методик кўрсатмалар) мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари томонидан тасдиқланади.
- қабул қилинган қарорнинг ижроси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган раҳбарлари бўлимиш мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари томонидан таъминланади.

Прокуратура органларининг халқ депутатлари Кенгаши, фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш ва бошқа давлат органлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги. Ҳамкорлик шакллари.

Прокуратура органлари қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш ишида халқ депутатлари Кенгашлари, фуқароларни ўзини – ўзи бошқариш ва бошқа давлат органлари, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари билан ҳамкорлик қилади ва фуқароларнинг фаол ёрдамига суянади.

Ҳамкорлик принциплари.

Қонунчиликка катъий риоя қилиш

Фаолиятнинг шакл ва усулларининг ажратилганлигининг (размежевания) шартлиги

Ҳар бир давлат органи ва жамоат ташкилоти ўз ваколат доирасида фаолият кўрсатиши

Ҳар бир давлат органи ва жамоат ташкилотини ўзаро келишув тадбирларини ҳаётга татбиқ қилишда мустақиллиги.

Прокуратуранинг халқ депутатлари Кенгаши ва фуқароларнинг ўзини – ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлиги.

Тегишли ҳудудда қонунийликнинг ҳамда жиноятчиликка қарши кураш ҳолати тўғрисида ахборот беради

Халқ депутатлари Кенгаши сессиясига тайёргарлик кўриш тарикасида қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш масалаларига бағишланган ва Кенгаш депутатлари билан биргаликда қонунлар ижроси юзасидан текширишлар ўтказиши

Жамоат тартибни сақлаш ҳолати материалларини умумлаштирилади, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашга оид таклифларни тайёрлайди

Сессияларида юқорида қайд қилинган масалалар юзасидан маърузалар қилади.

Халқ депутатлари Кенгаши қўмиталари ва комиссиялари билан биргаликда қонунчиликнинг бузилиши жамоат тартибининг бузилишига қарши курашга оид келишув тадбирларини амалга оширишда ахборот алмашади ва иштирақ этади

Тегишли ҳудудда фуқаролар билан учрашувлар ўтказиши, учрашувларда олинган маълумотларни қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида фойдаланади.

Прокуратуранинг назорат органлари билан ҳамкорлиги.

-Қонунчилик бузилишига оид ахборот алмашади

Корхона, ташкилотларда мулкнинг сақланиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг юқори сифатли бўлишини таъминлаш ва бошқа масалалар юзасидан аниқланган қонун бузилишлар ҳақида назорат органларига хабар қилади

Назорат органлари берган маълумотлар прокурорлар учун қонунлар ижроси устидан назорат текширувлари ўтказишга асос бўлади

Қонунчилик аҳволини таҳлил қилиш асосида ҳамкорликда текширишлар ўтказиш режалаштирилади

Ҳамкорликдаги текширувлар прокуратура ва назорат органлари ваколати доирасида ўтказилади, яъни прокуратура қонунлар ижросини, назорат органлари эса ташкилий хўжалик масалаларини текширади.

Ҳамкорлик шакллари.

Вазирликлар, идоралар тизимида ҳамда ҳудудларда корхоналар, муассасалар, ташкилотларда қонунларнинг ижроси юзасидан биргаликда текширишлар ўтказиш

Прокуратура қонушлар ижроси устидан назорат текшириши ўтказиши учун назорат органларининг мутахассисларини жалб қилади

Қонунлар бузилишига оид масалалар бўйича маълумот алмашиш

Қонун бузилиши, жиноятчилик сабаблари ва уларни содир этилишига имкон берган шарт – шароитлар ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган чораларни биргаликда ишлаб чиқиш

Прокуратура ва назорат органлари ҳаракати ягоналиги ва қонун бузилишини бартараф этишга қаратилган комплекс чораларни таъминлашга қаратилган ўзаро келишув режалари тузилиши.

Прокуратуранинг жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари билан ҳамкорлиги

Жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик шакллари

Прокуратура ишига жамоатчиликни жалб қилиш

Прокуратура ва жамоатчилик ҳамкорлиги

Жойларда қонунлар ижроси устидан назорат текширувларига жамоатчилик вакилларини жалб қилиш

Прокурорлик назоратини амалга оширишда жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг қонун бузилиши ҳақидаги ахборотларидан фойдаланиш

Мехнат жамоалари билан ҳамкорлик шакллари

Мехнат жамоаларида қонун бузилиши ҳолати ҳисоботини олиб бориш

Мехнат жамоаларини қонун бузилиши, жамоа аъзоси содир қилган қонун бузилиши ҳақида мунтазам хабардор қилиш

Прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан юборилган ҳуқуқбузарлик ҳақидаги материалларнинг ҳал қилиниши қонунийлигини назорат қилиш

Мехнат жамоалари билан мунтазам алоқалар орқали қонун бузилиши ҳақида ахборот олиш

Мехнат жамоаларини назорат текширувлари ва меҳнат жамоалари аъзолари томонидан содир қилинган жиноятларни тергов қилиш натижалари ҳақида хабардор қилиш

Жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоалари аъзоларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш

Мехнат жамоалари, меҳнат жамоалари аъзоларининг таклиф, ариза ва шикоятларига алоҳида эътибор бериш, уларнинг кўриб чиқилишида сансоларлик ҳолатларининг олдини олиш

Прокуратуранинг бошқа давлат органлари билан биргаликда ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика қилиш чораларини ишлаб чиқиш ролялари.

Ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир қилинишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларни аниқлаш ва бартараф қилиш

Тайёрланаётган жиноятларнинг олдини олиш

Содир қилинаётган жиноятни тўхтатиш (пресечение)

Жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт – шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш

Рецедив жиноятчиликнинг олдини олиш.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг таркибий тармоқлари рўйхати.

№	Таркибий тармоқнинг рақами	Таркибий тармоқларининг номи
1	1	Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори котибияти
2	2	Бош прокурорнинг 1- ўринбосари котибияти
3	3	Бош прокурорнинг ўринбосари котибияти
4	4	Бош прокурорнинг ўринбосари котибияти
5	5	Бош прокурорнинг ўринбосари котибияти
6	6	Кадрлар бошқармаси
7	7	Ташкилий назорат ва таҳлилот бошқармаси
8	8	Ички хавфсизликни таъминлаш инспекцияси
9	9	Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлими
10	10	Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси
11	11	Кишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими
12	12	Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси
13	13	Хўжалик судларида ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими
14	14	Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими
15	15	Прокуратура органларида терговни назорат қилиш бошқармаси. Бошқарма қошида: Ахборот – таҳлил бўлими ва навбатчилик қисми фаолият кўрсатади.
16	16	Ички ишлар органларида терговни назорат қилиш бошқармаси
17	17	Суд қарорларини ижро этишда ва қамоққа олинганларни сақлашда қонушларга риоя этилиши устидан назорат бошқармаси
18	18	Жиноятларни тергов қилиш бошқармаси
19	20	Қуролли кучлар, миллий хавфсизлик ва боғжона органларида қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси
20	21	Иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бошқармаси
21	22	Қонунчилик тарғиботи бўлими
22	23	Солиққа оид қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими
23	24	Фуқаролар муурожаатлари ва хатлар бўлими
24	25	Биринчи бўлим
25	26	Халқаро ҳуқуқий бўлим
26	27	Молия – иқтисод бўлими
27	28	Хўжалик ишлари бўлими
28	29	“Ҳуқуқ” газетаси таҳририяти
29	30	Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор – тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази
30		Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти

Прокуратура фаолиятини комплекс текшириш тартиби ҳақидаги Низомга мувофиқ жойларда ўрганиладиган масалалар

Прокуратура фаолиятини комплекс текшириш тартиби ҳақидаги Низомга мувофиқ жойларда ўрганиладиган масалалар	
→	Умумий қондалар
→	Бош прокурорнинг буйруғи асосида ва белгиланган муддатда комплекс текшириш гуруҳи тузилиши, гуруҳга раҳбарлик, гуруҳнинг ваколатлари, масъулиятлари, иш юритиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш қондалари, прокурор фаолиятига баҳо бериш, текшириш натижаларини муҳокама қилиш ва тегишли чора-тадбирлар белгилаш масалалари
→	Ишларни ташкиллаштириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш ва тахлилий фаолият самарадорлигини ошириш юзасидан алоҳида эътибор қаратиладиган масалалар
→	Кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш борасидаги фаолиятни ўрганишда алоҳида эътибор қаратиладиган масалалар
→	Ички хавфсизликни таъминлаш, ходимларнинг масъулиятини ошириш, улар уртасида ноҳўя ҳақи-ҳаракатларни олдини олиш борасидаги фаолиятини ўрганишда алоҳида эътибор қаратиладиган масалалар
→	Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати ахволини ўрганишда алоҳида эътибор қаратиладиган масалалар
→	Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан прокурор назорати фаолиятини ўрганишда алоҳида эътибор қаратиладиган масалалар
→	Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назорати фаолиятини ўрганишда алоҳида эътибор қаратиладиган масалалар
→	Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш фаолиятини ўрганишда алоҳида эътибор қаратиладиган масалалар
→	Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш фаолиятини ўрганишда алоҳида эътибор қаратиладиган масалалар
→	Хўжалик судларида ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш фаолиятини ўрганишда алоҳида эътибор қаратиладиган масалалар
→	Суд ҳужжатларини ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этишда ҳамда қачоқчи олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш

борасидаги фаолиятни ўрганишда алоҳида эътибор қаратиладиган масалалар

Жиноятчиликка, шу жумладан, диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш, унинг олдини олиш ҳамда тергов – тезкор фаолият устидан прокурор назорати аҳволини ўрганишда алоҳида эътибор қаратиладиган масалалар

Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни рўйхатга олиш, кўриб чиқиш, ҳал қилиш, суриштирув ва дастлабки тергов ўтказишда қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш борасидаги фаолиятни ўрганишда алоҳида эътибор қаратиладиган масалалар

Ички ишлар вазирлиги органларида қонунлар ижроси устидан назорат аҳволини ўрганишда алоҳида эътибор қаратиладиган масалалар

Ички ишлар вазирлиги органларида қонунлар ижроси устидан назорат аҳволини ўрганишда шу жумладан, жиноятларни фож этиш ва тезкор – қидирув фаолиятини текширишда, алоҳида эътибор қаратиладиган масалалар

Қуролли кучлар, Миллий хавфсизлик хизмати ва божхона органларида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини таъминлаш фаолиятини ўрганишда алоҳида эътибор қаратиладиган масалалар


Иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлимлари фаолиятини ўрганишда алоҳида эътибор қаратиладиган масалалар

Солиққа оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини таъминлаш фаолиятини ўрганишда алоҳида эътибор қаратиладиган масалалар


Қонунчилик тарғиботи ва қонун ижодкорлиги фаолиятини ўрганишда алоҳида эътибор қаратиладиган масалалар

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқиш ҳамда хатлар билан ишлаш фаолиятини ўрганишда алоҳида эътибор қаратиладиган масалалар

Халқаро ҳуқуқий муносабатларда қонушлар ижроси устидан прокурор назоратининг таъминланишини ўрганишда алоҳида эътибор қаратиладиган масалалар

Қонулар ижроси устидан назоратнинг вазифаси

10-сонли жадвал.

Назорат предмети

Қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда прокурор ваколатлари

ПРОКУРОР ВАКОЛАТЛАРИ

Хизмат гувоҳномасини кўрсатган ҳолда

Вазирликлар, давлат кўмиталари идораларининг, корхоналар муассасалар, ташкилотларнинг, ҳарбий қисмларнинг ҳудуди ва хоналарига монеликсиз киришга

Хужжатлар ва материалларни кўришга

Қонун бузилиши факти бўйича прокуратура органларига келиб тушган ахборотлар асосида қонунлар ижроси юзасидан текширишлар ўтказишга

Юқорида кайд қилинган органлар раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслардан зарур хужжатлар, материаллар, статистик ва бошқа маълумотларни тақдим қилишни талаб қилишга

Раҳбарлар ва бошқа мансабдор шахслардан текширишлар ўтказиш учун мутахассислар ажратишни талаб қилишга

Раҳбарлар ва бошқа мансабдор шахслардан прокуратура органларига келиб тушган материаллар ва мурожаатлар юзасидан текширишлар ўтказишни талаб қилишга

Мансабдор шахслар ва фуқаролардан қонун бузилиши хусусида оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар талаб қилишга

Органлар ва мансабдор шахслар томонидан қонун бузилиши аниқланган ҳолларда, суд органларидан ташқари қонунсиз, маъмурий тартибда ушланган шахсни ўзининг қарори билан озод қилишга

Қонунларга зид ҳуқуқий актларга протест киритишга

Мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан қонун бузилишининг хусусиятига қараб жиноят иши, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисидаги иш қўзғатишга

Қонун бузилишини бартараф қилиш юзасидан тақдимнома киритишга, мансабдор шахслар ва фуқароларни қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида ёзма огоҳлантиришга

Норматив ва ҳуқуқий актларни қонунга номувофиқ деб топиш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилишга

Прокурорлик текширувни ўтказиш

ПРОКУРОРЛИК ТЕКШИРУВИ ЎТКАЗИШ АСОСЛАРИ

Прокурорлик текшируви қонун бузилиши ҳақидаги ариза ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек қонунчилик прокурор томонидан чоралар қўриқилишини талаб қиладиган ҳолатда эканлигидан келиб чиққан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ўтказилади

Бундай маълумотларни прокурор қуйидаги жараёнларда олади

Жиноят ишларини тергов қилиш ва ўрганиш

Суриштирув ва тергов материаллари, тафтиш ва текширув актлари билан танишиш

Судда давлат айбловини қувватлаш

Бошқарув, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа органлар билан ўзаро алоқа ўрнатиш

Ариза ва шикоятларни ҳал қилиш

Оммовий ахборот воситалари материаллари билан танишиш

Мурожаат қилувчиларни қабул қилиш

Шахсий кузатувлар

Мувофиқлаштирув Кенгаши режаси, юқори турувчи прокурор томонидан тасдиқланган режа асосида текшириш ўтказиш

Биринчи навбатда прокурорлик текшируви ўтказиладиган жойлар

БИРИНЧИ НАВБАТДА ПРОКУРОРЛИК ТЕКШИРУВИ ЎТКАЗИЛАДИ	
→	Қонун бузилишига кўпроқ йўл қўйилаётган орган ва ташкилотларда
→	Қонун бузилиши ҳақидаги сигналларга асосан
→	Юқори турувчи прокурорнинг топшириғига асосан
→	Узоқ вақт давомида прокурорлик текшируви ўтказилмаган орган ва ташкилотларда
→	Чора – тадбирлар кўрилишига қарамасдан қонун бузилиши содир этилаётган орган ва ташкилотларда

14-сонли жадвал

Прокурорлик текширувига тайёргарлик билан боғлиқ тадбирлар

ПРОКУРОРЛИК ТЕКШИРУВИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚЎЙИДАГИЛАРНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛАДИ	
→	Текширилувчи объектда текширилиши кўзда тутилган ҳужжатлар билан танишиш
→	Текширилувчи объектга нисбатан қўлланилиши кўзда тутилган норматив актларни ажратиб олиш ва кунт билан ўрганиш
→	Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг раҳбарий ва методик курсатмаларини ўрганиш
→	Бўлажак текширувнинг режасини тузиш

Прокурор текшируви мобайнида аниқланадиган саволлар

ПРОКУРОР ТЕКШИРУВИ МОБАЙНИДА АНИҚЛАНАДИГАН САВОЛЛАР	
→	Қонун бузилишлари бўлганми ва қайси қонунлар бузилган
→	Бу қонун бузилишлари қачон содир бўлган ва нимада намоён бўлади
→	Қонун бузилишида ким айбдор ва унинг айби нимада намоён бўлади
→	Қонун бузилишига олиб келган сабаб ва шарт-шароит нимада
→	Қонун бузилишининг оқибатлари нимада намоён бўлади
→	Қонун бузилишининг олдини олиш учун қандай чора-тадбирлар кўриш мумкин
→	Олдин қайси орган томонидан текширув амалга оширилган ва нима сабабдан ҳуқуқ бузилиши ашкклашмаган

16-сонли эжадвал

Қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда прокурор мажбуриятлари

НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОҒИДА ПРОКУРОР	
→	Қонун бузилишини аниқлайди
→	Қонун бузилишига олиб келган сабаб ва шарт - шароитни аниқлайди
→	Қонун бузилишини бартараф этиш чораларини кўради
→	Қонун бузилишининг олдини олиш ва профилактика қилиш чораларини кўради
→	Қонун бузилишига йўл қўйган шахсларни аниқлайди
→	Қонун бузилишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитни бартараф этиш чора тадбирларини кўради
→	Қонун бузилишига йўл қўйган шахсларни жавобгарликка тортиш чораларини кўради

Қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда прокурор ҳал қиладиган саволлар

ПРОКУРОР ҲАЛ ҚИЛАДИГАН САВОЛЛАР

Қонун бузилиши ҳақидаги маълумотларни олиш мақсадида, қасрда ва қанақа ҳужжатлар ва материаллар билан танишиш керак

Қонунийлик ҳолатини қаерда ва қандай ўрганиб чиқиш керак

Қачон, қаерда ва қандай прокурорлик текширувларини ўтказиш керак

Текширув ўтказишни кимга топшириш керак

Мутахассисларни текширувга жалб қилиш керакми ва қайси соҳа мутахассисларини

Прокурорлик фаолиятининг қайси жабҳа ва йўналишларини ўрганиш ва таҳлил қилиш керак

_____ тумани ҳокими
_____ га

2005 йил "___" ноябрь

№ _____

ПРОТЕСТ

21.11.2005 йилги 235-сонли қарорни бекор қилиш ҳақида

_____ тумани ҳокимининг 21.11.2005 йилдаги 235-сонли қарори билан "Ғулистон" фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) А.У. Икромхўжаев эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган.

Мазур қарор қонунга зид бўлиб, қуйидаги асосларга кўра бекор қилиниши лозим.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг 02.09.93 йилдаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуни билан ҳокимларга берилган ваколатлар доирасидан четга чиқилган ҳолда ва Ўзбекистон Республикасининг 19.04.99 йилдаги "Фуқароларнинг ўзини – ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги (31.10.2003 йилдаги таҳрир) Қонуни талаблари қўпол равишда бузилган ҳолатда қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг ўзини – ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунининг 21-моддасига кўра, раис (оқсоқол) ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганда, фуқаролар йиғини қарор қабул қилганда, у белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганда, унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда раиснинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунининг 38-моддасига асосан,

ТА В С И Я Э Т А М А Н :

1.2005 йил 21 ноябрдаги 235-сонли қарорни қонунга зид бўлганлиги учун бекор қилишни.

2.Мазкур протест келиб тушган вақтдан бошлаб ўн кунлик муддат ичида кўриб чиқилиши шарт.

Протестни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида уч кунлик муддат ичида туман прокуратурасига маълум қилиниши лозим.

_____тумани прокурори,
алдия кичик маслаҳатчиси (имзо) _____

2003 йил " " _____
№ _____

ПРОТЕСТ

2005 йил 6 февралдаги 226-сонли қарорга

_____ шаҳар ҳокимининг 2005 йил 6 февралдаги 226-сонли қарори билан шаҳардаги Х.Муҳитдинов номли ўйингоҳни қайта таъмирлаш учун 30 та ҳар хил кичик корхона ва фирмаларга ўз ҳисоб рақамларидан 17 млн. сўм маблағларни таъмирлаш ишларига ўтказиб бериш вазифаси юклатилган.

Ушбу қарор қонунга зид бўлиб, қуйидаги асосларга кўра бекор қилиниши лозим:

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 25-моддасига кўра, ҳокимга мулкчиликнинг турли шаклига мансуб корхоналарнинг маблағларини тасарруф этиш ваколати берилмаган.

"Мулкчилик тўғрисида"ги Қонуннинг 36-моддасида давлат органлари мулкдорнинг ўз мол – мулкига эгалик қилиш ва уни тасарруф этишдан иборат ҳуқуқларини амалга оширишига қонунга ҳилоф равишда аралашганлик учун мулкий жавобгар бўлиши кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунининг 20 ва 23-моддаларида тадбиркорлик субъектларининг мулкий ҳуқуқлари кафолатланганлиги, улар томонидан солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин қолган фойда ўзлари томонидан ихтиёрий ишлатилиши, қонуннинг 34-моддасида эса давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонуний фаолиятларига аралашшига ҳақли эмасликлари белгилаб қўйилган.

Юкоридагиларга биноан, Ўзбекистон Республикаси
"Прокуратура тўғрисида"ги Қонунининг 38-моддасига асосланиб,

сўрайман:

- _____ шаҳар ҳокимининг 2005 йил 6 февралдаги Х. Мухитдинов номли ўйингоҳни қайта таъмирлашга маблағ ажратиш ҳақидаги 226-сонли қарорини бекор қилишни.

Мазкур протест келиб тушган вақтдан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай кўриб чиқилиши ва натижаси тўғрисида уч кунлик муддат ичида шаҳар прокуратурасига ёзма равишда маълум қилиниши лозим.

_____ шаҳар прокурори,
адлия маслаҳатчиси

ҚАРОР
жиноят иши кўзғатиш ҳақида

2005 йил " " _____

Тўрткўл тумани

Тўрткўл тумани прокурори адлия маслахатчиси _____ туман халқ банкида аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қонунчилик ижроси текширилишига оид ҳужжатларни ўрганиб чиқиб

а н и қ л а д и м:

Тўрткўл туманидаги 529-сонли халқ банкига қарашли 041-сонли шохобчанинг газна назоратчиси З.Нурумов тумандаги "Уллиб дехқон-фермер хўжаликлари уюшмаси худудида яшовчи фуқароларга 2003 йил январь — февраль ойларида нафақа ва моддий ёрдам тариқасида тарқатилиши лозим бўлган маблағлардан 300000 сўмни халқ банки бошқарувчисининг ўринбосари Ф. Эгамбердиевга бериб растрата қилган 2,3 млн. сўмини эса ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб, ўзлаштириш йўли билан жуда кўп миқдордаги мулкларнинг талон-торож бўлишига йўл қўйган.

З.Нурумов ўзининг жинойий ҳаракатларини яшириш мақсадида халқ банкига пул тарқатиш ведомости ҳамда "Ф-54" кўринишидаги чиким ордерини илова қилмаган ҳолда 2,5 млн. сўм нафақа ва моддий ёрдам пуллари тарқатилганлиги ҳақида сохта ҳисобот топширган.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунининг 39-моддаси ва Республика ЖПКнинг 321-, 322-, 331-, 336-, 345-моддаларига риоя қилган ҳолда

қарор қилдим:

1.Туман халқ банки бошқарувчиси ўринбосари Ф.Эгамбердиев ва 529-сонли халқ банкига қарашли 041-сонли шохобча газна назоратчиси З.Нурумовларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" банди, 209-моддаси 1-

қисми билан жиноят иши қўзғатилсин.

2.Жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш прокуратура терговчиси _____га топширилсин.

Тўрткўл тумани прокурори,

адлия маслаҳатчиси _____

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

_____ вилояти прокурори
адлия катта маслаҳатчиси

2005 йил " " октябрь

ҚАРОР

маъмурий жавобгарлик тўғрисида
иш қўзғатиш ҳақида

2005 йил " " октябрь

_____ шаҳри.

_____ вилояти прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи, адлия маслаҳатчиси, "Автохизмат" давлат акциядорлик жамиятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги "Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ғи ПФ-1154-сонли (19.07.99 й. ПФ-2340-сонли Фармон таҳририда) Фармони ижросини текширишга доир ҳужжатларни ўрганиб чиқиб,

а н и қ л а д и м :

"Автохизмат" ДАЖнинг бош директори _____ ва бош ҳисобчиси _____ лар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2002 йилдаги "Статистика ва молия ҳисоботини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ғи 227-сонли қарори, Молия вазирлигининг 07.02.2002 йилдаги (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 19.03.2002 йилда 1117-сон билан рўйхатга олинган ва 22.07.2002 йилда 1117-1 ўзгартиш киритилган) "Молия ҳисоботи шаклини тасдиқлаш ва уларни тўлдириш қоидалари ҳақида"ғи 31-сонли буйруғи (148-6.) талабларини бузиб, статистика

органларига тақдим этилган 2-а шаклдаги молиявий ҳисоботда 21 млн сўмлик муддати ўтган дебитор қарзларни кўрсатмаганлар.

"Автохизмат" ДАЖнинг мансабдор шахслари: бош директор _____ ва бош ҳисобчи _____ лар ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 215-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжудлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунининг 39-моддаси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 267, 275-моддаларини қўллаб,

қарор қилдим:

1. "Автохизмат" ДАЖнинг бош директори _____ ва бош ҳисобчиси _____ ларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддаси аломатлари билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилсин.

2. Қарор кўриб чиқиш учун _____ вилояти статистика бошқармаси бошлиғига юборилсин.

3. Қарор келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичида кўриб чиқилиши ва натижалари ҳақида уч кунлик муддатда прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим.

_____ вилояти прокуратураси

бўлим бошлиғи,

адлия маслаҳатчиси _____ (имзо) _____ (фамилия)

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

_____ тумани
прокурори, адлия маслаҳатчиси

2005 йил " " октябрь

ҚАРО Р
маъмурий жавобгарлик тўғрисида
иш қўзғатиш ҳақида

2005 йил " " октябрь

_____ шаҳри.

_____ тумани прокурорининг ёрдамчиси, 1-даражали
юрист _____, "Баҳор" хусусий фирмаси
рахбари _____ (Ф.И.)дан тушган ариза бўйича тўпланган
хужжатларни ўрганиб чиқиб,

Аниқладим:

_____ тумани давлат солиқ инспекцияси инспектори
_____ (Ф.И.), Ўзбекистон Республикасининг 24.12.98 йилдаги
"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан
назорат қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 9-моддаси талабларини
бузиб, текширишни махсус ваколатли органнинг худудий
бўлинмасида мувофиқлаштирмасдан, _____ тумани давлат солиқ
инспекцияси бошлиғининг тегишли буйруғисиз жорий йилнинг 7
октябридан 15 октябрига қадар "Баҳор" хусусий фирмасининг
молиявий хўжалик фаолиятини текшириб, унинг қонуний
тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилган.

_____ туман давлат солиқ инспекцияси инспектори
_____ (Ф.И.) ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси
Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 241-1-моддасида
назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари
мавжудлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг

"Прокуратура тўғрисида"ги Қонунининг 39-моддаси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 267, 275-моддаларини қўллаб,

қ а р о р қ и л д и м :

1. _____ туман давлат солиқ инспекцияси инспектори _____ (Ф.И.)га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241-1-моддаси аломатлари билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилсин.

2. Қарор жиноят ишлари бўйича _____ тумани судига кўриб чиқиш учун юборилсин.

3. Қарор келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичида кўриб чиқилиши ва натижалари ҳақида уч кунлик муддатда прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим

_____ тумани прокурорининг
ёрдამчиси, ___ даражали юрист (имзо) (фамилия)

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

_____ шаҳар прокурори
адлия катта маслаҳатчиси

2005 йил " " _____

ҚАРО Р

интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида

2003 йил « » _____ шаҳри

Тошкент шаҳар прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи, адлия маслаҳатчиси _____, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги "Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 407-сонли қарори ижросига доир ҳужжатларни ўрганиб чиқиб,

Аниқладим:

_____ (Ф.И.) Тошкент шаҳар, _____ тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келгани ҳолда, туман ҳокимининг 01.01.2001 йилдаги "Ҳоким ва унинг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш ҳақида"ги 1-ф сонли фармойиши билан зиммасига юклатилган савдо фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишга доир вазифалар талаб даражасида ижро этилишини таъминламаган.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги "Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 407-

сонли қарорининг 5-бандига кўра, туман ҳокимлигига 2004 йил 5 декабрига қадар келиб тушган ва унга ижро учун берилган ҳужжатлар бўйича 2005 йилнинг 1 январига қадар савдо фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларни қайта рўйхатдан ўтказиб, савдо фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларнинг қайта расмийлаштирилишини таъминлаши лозим бўлган. Ҳукуматнинг мазкур қарори талаблари ижроси бузилиши натижасида 2005 йилнинг 10 январь ҳолатига кўра савдо дўконлари мавжуд бўлган ва савдо фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган 92 та юридик шахслардан атиги 12 таси, 188 та жисмоний шахслардан 18 таси қайта рўйхатдан ўтказилган, холос.

(Ф.И.) зиммасига юклатилган вазифаларнинг талаб даражасида ижро этилишини таъминламаганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги 39 – моддасини қўлаб,

қ а р о р қ и л д и м :

1. _____ туман ҳокимининг биринчи ўринбосари _____ га нисбатан интизомий ҳуқуқбузарликка доир иш кўзгатилсин.
2. Қарор кўриб чиқиш учун Тошкент шаҳар ҳокимига юборилсин.
3. Қарор келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичида кўриб чиқилиши ва натижалари ҳақида уч кунлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим.

_____ вилояти прокуратураси

бўлим бошлиғи,

адлия маслаҳатчиси
(исми)

(имзо)

(Фамилияси ва

**Сурхондарё вилояти Марказий
банк бошқарувчиси**
_____ га

2005 йил " " _____
№ 7-5-03

ТАҚДИМНОМА

**Қонун бузилиши, унинг келиб чиқиши сабаблари ва бунга
имконият яратиб берган шарт-шароитларни бартараф этиш
тўғрисида**

Вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрь кундаги "Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган солиқларни корхоналар ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тўғрисида"ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 8 ноябрдаги 387-сонли қарори билан тасдиқланган "Солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган солиқларни корхоналар ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобида ундириб олиш тартиби" тўғрисидаги Низом, 1996 йил 5 декабрдаги 431-сонли ва 2003 йил 12 мартдаги 133-сонли қарорлари ижроси юзасидан текширишлар ўтказилганда, юқоридаги қонунлар ижроси вилоятдаги тижорат банклари томонидан қўпол равишда бузилганлиги аниқланди.

Юқоридаги Ҳукумат қарори билан тасдиқланган Низомнинг 2-бандида, қарздор корхонанинг жорий ҳисоб китоб рақамига хизмат кўрсатувчи банк инкассо топшириғини олиши билан 3 кунлик муддатда қарзни ундириб олиши ёхуд қарздор корхонанинг ҳисоб рақамида пул маблағлари мавжуд бўлмаганлиги туфайли топширик тўлиқ ёки қисман бажарилмаганлиги тўғрисида белги қўйиб, банк белгиси қўйилган инкассо топшириғининг нусхасини солиқ органига ва қарздор корхонага юбориши лозим бўлсада, қонуннинг шу талаблари бажарилмаган.

Хусусан, Денов туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан 2003—2004 йилларда "32-ТК" бошқармаси (ҳозирда "Қурувчи" МЧЖ нинг 3 млн. 492 минг сўм ва "Соғлом авлод" корхонасининг 2 млн.

982 минг сўм — жами 6 млн. 492 минг сўмлик боқиманда қарзларини ундириш мақсадида инкассо топшириги берилган бўлиб, акциядорлик тижорат Алоқабанкнинг Денов кичик бўлими томонидан ушбу корхоналарнинг ҳисоб рақамига пул маблағи тушмай турганлиги боис инспекцияга инкассо топширигининг нусхаси берилмасдан келинган.

Худди шунингдек, акциядорлик тижорат Пахтабанкнинг Денов бўлимига 2003—2005 йилларда жами 57 та хўжалик юритувчи субъектларнинг жами 3 млрд, 910 млн. 401 минг сўмлик боқиманда қарзларини ундириш мақсадида уларнинг ҳисоб рақамларига инкассо топшириқлари қўйилиб, фақат 41 та корхонанинг 1 млрд. 20 млн. 210 минг сумлик қарзи қисман банк томонидан тўлаб борилиб, қолган 2 млрд. 890 млн. 271 минг сумлик қарзлари туланмасдан келинса-да, 16 та корхона ҳисоб рақамига 2002 йилдан буён пул маблағи тушмай турганлиги ҳақида банк томонидан туман давлат солиқ инспекциясига огоҳлантирув хатлари берилмасдан келинган.

Шу каби, акциядорлик тижорат Туронбанкнинг Денов кичик бўлими томонидан "Сувмаштаъмир" шўъба корхонасининг 726 минг сўм ва "Бахт-2000" ишлаб чиқариш фирмасининг 724 минг сўм боқиманда қарзлари бўйича берилган инкассо топшириқномалари бўйича мазкур корхоналар ҳисоб рақамига маблағ келиб тушмай турганлиги ҳақида туман Давлат солиқ инспекцияси огоҳлантирилмаган.

Шунингдек, акциядорлик тижорат "Тадбиркорбанк" Денов бўлимига туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан 2002—2005 йилларда жами 80 та хўжалик юритувчи корхонанинг жами 346 млн. 83 минг 898 сўмлик боқиманда қарзларини ундириш мақсадида уларнинг ҳисоб рақамига инкассо талабномалари қўйилиб, шулардан фақат "Орзу-К" хусусий фирмасининг 275 млн. 850 минг 283 сўмлик қарзи банк томонидан тўлаб берилиб, қолган 79 та хўжалик юритувчи корхоналарнинг 72 млн. 118 минг 89 сўмлик қарзлари тўланмасдан боқиманда сифатида сақланиб келинган. Мазкур корхоналар ҳисоб рақамига 2002 йилдан буён пул маблағи тушмай турган булсада, бу ҳақда банк томонидан туман давлат солиқ инспекциясига огоҳлантирув хатлари юборилмаган.

Айрим тижорат банкларининг раҳбар ва масъул ходимлари эътиборсизлиги оқибатида вилоят хўжалик судининг қарорлари ижроси таъминланмасдан келинган.

Хусусан, Ташки иқтисодий фаолият Миллий банкининг Сариосиё тумани филиалига Шарғун ғишт заводида Сурхондарё РЦСМС ташкилотига 213 минг сўмни ундириш ҳақида ижро варақа 2004 йил 19 февралда келиб тушган бўлсада, Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди, Давлат солиқ кўмитаси ва Марказий банк бошқаруви томонидан 1997 йил 11 февралда тасдиқланган "Банк ва солиқ органлари томонидан хўжалик судлари ва қарорларини ижро этиш тартиби"нинг 5 ва 6-бандлари қўпол равишда бузилиб, суд қарори ижро этилмаган ва белгиланган 3 кунлик мудлат ичида ундирувчи банкка қарздорнинг ҳисоб рақамида пул маблағлари йўқлиги ҳақида маълумотнома тақдим этилмаган, кўрсатилган маълумотнома орадан 1 ой 5 кун ўтиб тақдим этилган.

Худди шунингдек, акциядорлик тижорат Туронбанкнинг Сариосиё тумани филиалига 1 млн. 971 минг сўмни ундириш ҳақида вилоят хўжалик судининг 4 та қарори келиб тушган бўлиб, уларнинг биронтаси бажарилмаган. Бундан ташқари, белгиланган 3 кунлик муддат ичида ундирувчи банкка қарздорнинг ҳисоб рақамида пул маблағлари йўқлиги ҳақида маълумотнома тақдим этилмаган.

Шунингдек, корхонанинг ҳисоб-китоб рақамига хизмат кўрсатучи банк инкассо топшириғини олиш билан 3 кун муддатда қарзни ундириб олиб, қарздор корхонанинг ҳисоб рақамига маблағи бўлмаганда ёки топшириқ тўлиқ ёки қисман бажарилганида белги қўйиб, банк белгиси қўйилган инкассо топшириқномасининг нусхасини солиқ органига ва қарздор корхонага юбориш ҳақидаги қонун талаблари акциядорлик тижорат Пахтабанкнинг Шўрчи туман бўлими томонидан ҳам бажарилмаган.

Баъзи ҳолларда хўжалик судларининг ижро ҳужжатлари бўлатуриб, қарздор корхоналар томонидан бошқа тўлов операциялари ўтказилишига йўл қўйиб берилган.

Хусусан, акциядорлик тижорат Пахтабанкнинг Термиз бўлимида ўтказилган текширишда, 1-сонли автокорхона ҳиссадорлик жамияти бўйича вилоят хўжалик судининг 2002 йил 16 ноябрдаги 01-144-2-сонли хўжалик иши бўйича 25 млн. 530 минг 426 сўмни нефть таъминоти корхонаси фойдасига ундириш тўғрисидаги 2001 йил 5 декабрдаги 13-рақамли инкассо топшириқномаси мавжуд бўлса-да, мазкур топшириқнома ижро этилмасдан, 2003 йил 4 январдаги 84-рақамли тўлов топшириқномасига асосан 200 минг сўм "Ал-азиз" корхонасига эҳтиёт қисмлар олиш учун деб, 2003 йил 15 февралдаги

30-рақамли тўлов топширикномасига асосан эса 100 минг сўм вилоят боксни қўллаб-қувватлаш фондига ўтказиб берилган,

Худди шундай навбатсиз тўловга акциядорлик тижорат Тадбиркорбанк ва Алоқабанкнинг Термиз шаҳар бўлимлари томонидан йўл қўйиб келинган,

Банк ва солиқ идоралари томонидан юқоридаги конунчилик талаблари бузилиб, боқиманда қарзларни ундириш, хўжалик судларининг қарор ва буйруқлари ижросини таъминлаш борасида етарли ишлар амалга оширилмаганлиги натижасида вилоятда боқиманда қарзлар ва унга ҳисобланган устамалар йилдан-йилга ўсиб келган,

Хусусан, вилоятда боқиманда қарзлар 2004 йил I январь ҳолатига нисбатан 2005 йил I январь ҳолатида 134,5 фоизга (2 млрд. 953 млн. - 3 млрд. 973 млн. сўм), 2003 йил I январга нисбатан 2003 йил I май ҳолатида 170,8 фоизга (3 млрд. 973 млн. - 6 млрд. 785 млн. сўмга) ўсиб кетган.

Боқиманда қарздорлик 2003 йил якуни бўйича Термиз шаҳрида 0,9, Деновда 152,4, Қумкўрғонда 255,8, Термиз туманида 159,0, Шерободда 150,5 ва Шўрчида 124,6 фоизга, 2004 йил I май ҳолатига Термиз шаҳрида 135,7, Ангорда 350,1, Бойсунда 192,7, Шўрчи-1258,0, Қизирикда 319,5, Сариосиёда 288,6, Узунда 191,4, Бандида - 171,9, Музработда 172,3, Деновда 174,5, Жаркўрғонда - 183,0, Термиз туманида 160,0, Қумкўрғонда 155,0 фоизга ўсишига йўл қўйилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, вилоят тижорат банклари томонидан боқиманда қарздорлик бўйича тўлов интизомига риоя қилиниши ва хўжалик суди қарорлари ижросини таъминлаш борасида меҳнат ва ижро интизоми сусайтириб юборилган, айрим раҳбар ва масъул банк ходимларининг ўз хизмат вазифаларига совуққонлик ва масъулиятсизлик билан қараб келганликлари оқибатида давлат ва корхоналар манфаатларига зарар етказилган.

Баён қилинганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида" ги Қонунининг 40-моддасини қўллаб,

талаб қиламан

1. Мазкур тақдимномани вилоят Марказий банк бошқармасида барча тижорат банкларининг раҳбар ва масъул ходимлари иштирокида кўриб чиқиб, аниқланган қонун бузилиши

ҳолатларининг олдини олиш, келгусида такрорланмаслиги чора – тадбирларини белгилашингизни.

2. Қонуннинг қўпол равишда бузилишига йўл қўйган акциядорлик тижорат Пахтабанкнинг Денов, Шўрчи ва Термиз шаҳар бўлимлари, Тадбиркорбанкнинг Денов ва Термиз шаҳар бўлимлари, Алоқабанкнинг Термиз шаҳар бўлими ва Денов кичик бўлими, Туронбанкнинг Сариосиё филиали ва Денов кичик бўлими ҳамда Миллий банкнинг Сариосиё филиали раҳбар ва масъул ходимларининг интизомий жавобгарлиги масаласини ҳал этишингизни.

3. Такдимноманинг кўрилиш вақти хақида вилоят прокуратурасига олдиндан маълум қилишингизни.

Такдимнома қонун талабига кўра, дарҳол кўриб чиқилиб, натижаси тўғрисида бир ойлик муддат ичида вилоят прокуратурасига ёзма равишда хабар берилиши лозим.

**Сурхондарё вилояти прокурори,
3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси**

2003 йил " __ " _____

№ _____

ТАҚДИМНОМА**Қонун бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида**

Қашқадарё вилоят прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлимининг 2004 йил 2-ярим йиллик иш режасига мувофиқ, ҳудуддаги иш ҳақи, нафақа ва ёрдам пулларининг ўз вақтида тўланишига доир Ҳукумат қарорининг ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар аҳволи ўрганилди.

Аниқланишича, туманда Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрь кундаги "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунда белгиланган ҳудуд учун умумий бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларининг амалга оширилиши ва аҳолини ижти-мой ҳимоялашга, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақлари ўз вақтида тўланишини таъминлашга қаратилган Республика қонунлари, Президентнинг ва Вазирлар Маҳкамасининг қабул қилган ҳужжатлари ҳамда ҳокимликнинг қарорлари ижроси лозим даражада бажарилмаган, бошқарув идоралари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқаларни уйғунлаштириш, берилган ваколатлар доирасида умумманфаатни ифодаловчи тadbирларнинг ўтказилиши етарлича ташкил этилмаган.

Натижада, туманнинг айрим хўжалик ва корхоналарида боқимандалик, масъулиятсизлик, хўжалик юритувчи субъектлари ва тижорат банк раҳбарларида эса жавобгарликни ҳис этмаслик кайфияти вужудга келиб, белгиланган вазифаларнинг бажарилиши лозим даражада таъминланмасдан қолишига, ўзибўларчилик,

совуққонлик ва хизмат мансабини суиистеъмом қилиш ҳолатларига йўл қўйилган.

Бунинг оқибатида, 2004 йил 23 июнь ҳолатида нафақа ва ёрдам пулларидан қарздорлик туман бўйича жами 44,1 млн. сўмни ташкил қилган. Шундан, 2 ёшгача болали ишловчи оналар нафақаси бўйича 13,9 млн. сўмлик қарздорликка йўл қўйилган. Худди шундай аҳволни ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахсларга нафақа ва ёрдам пуллари тўланишида ҳам кўриш мумкин. Бу қарздорлик туман бўйича 2004 йил 23 июнь ҳолатида 30,2 млн. сўмни ташкил қилган.

Нафақа ва ёрдам пулларининг ўз вақтида тўланиши таъминланмаслигининг асосий сабабларидан бири банк идоралари томонидан молиялаштириб берилган маблағлар нақд пул билан таъминланмаслиги оқибатида келиб чиққан. Мазкур ҳолатларни бартараф қилиш борасида ва айбдор бўлган (шахсларнинг тегишли жавобгарлик масаласини ҳал қилишга эътиборсизлик билан қараб келинмоқда.

Худди шунингдек туманнинг бюджет ташкилотларида иш ҳақларининг тўланиши аҳоли қоникарсиз бўлиб қолмоқда. 2004 йил 16 июнь ҳолатида бюджет ташкилотларида иш ҳақидан қарздорлик 123,7 млн. сўмни ташкил қилган.

Ушбу маблағлар молия идоралари томонидан ўз вақтида молиялаштириб берилганлигига қарамадан банк идоралари томонидан нақд пул билан таъминланмаганлиги сабабли тўловлар кечиктирилишига йўл қўйилган.

Бироқ, ушбу ҳолатлар ҳар доим ҳам ўз вақтида таҳлил қилиниб, унинг келиб чиқиш сабаблари, айбдор бўлган шахсларни аниқлаш ва тегишли чора-тадбирлар белгиланиши таъминланмасдан қолган.

Туманда, худди шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги "Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори лозим даражада бажарилиши таъминланмаганлиги оқибатида 2004 йил 1 январь ҳолатига иш ҳақидан қарздорлик 995,3 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, улар камайиш ўрнига, йилнинг якунига бу қарздорлик 2,17 млрд. сўмгача етган.

Иш ҳақларининг ўз вақтида тўланишини таъминламасликнинг асосий сабаби корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб рақамларида маблағ йўқлиги, ўзаро тўлов ва ҳисоб-китоблардаги тартибсизликлар ҳамда раҳбар шахсларнинг ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараши бўлган.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, худудда биринчи даражали тўловлар тўлиқ амалга оширилмаганлиги, нақд пул тушумининг банк

инкассаларига етарли даражада тушмаётганлигига туман пулкредит сиёсати комиссияси, молия бўлими, солиқ инспекцияси ва тижорат банкларида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги "Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги 264-сонли, 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли қарорларининг ижроси ва нақд пул тушуми бўйича белгиланган кўрсаткичларнинг сўзсиз бажарилиши лозим даражада ташкил қилинмаганлиги ва вилоят ҳокимлигининг бу борада шу йил 6 июнда қабул қилган 05-1/1222-сонли қарори ижроси таъминланганлиги сабаб бўлган.

Туманда биргиша солиқ идоралари томошидан йилнинг 1 январидан 12 июнигача ўтказилган 21 та назорат тадбирларидан 3 тасида қонунбузарлик ҳолатлари аниқланган, назорат касса машинасига кирим қилинмаган нақд пул миқдори 13,7 млн сўмни ташкил қилган. Нақд пул тушуми бўйича хронометражлар ўтказилган 40 та объектда ўртача кунлик тушумга нисбатан ошиқча тушган нақд пул тушуми миқдори 22,2 млн. сўмни ташкил қилган.

Шунингдек, иш ҳақи, нафақа ва ёрдам пулларининг ўз вақтида тўланиши таъминланмаганлигига туманда боқиманда қарзларни ундирмаслик ва тайёр маҳсулотлар сотилмасдан қолиши сабаб бўлган. Туман бўйича 2004 йил 1 июнь ҳолатида боқиманда қарздорлик 8,6 млрд. сўм ва омборхоналарда сакланиб қолган тайёр маҳсулот қолдиғи 1,5 млрд. сўмни ташкил қилган.

Баён қилинган ҳолатларни зудлик билан бартараф қилиш, иш ҳақи, нафақа ва ёрдам пуллари тўлиқ тўланишига қаратилган барча зарур қўшимча чоралар кўриш лозим бўлади.

Юқорида баён қилинганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунининг 40 моддасига асосан:

Ушбу тақдимномани дарҳол кўриб чиқиб, қайд этилган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича зарурий чора-тадбирлар белгилашни.

Қонуннинг бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларни қонунда белгиланган тартибда интизомий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этишни.

Тақдимномани кўриб чиқиш вақти хусусида иштирок этиш учун туман прокурорига маълум қилишни.

Тақдимномани кўриб чиқиш натижаси ҳақида қонунда белгиланган бир ойлик муддат ичида вилоят прокуратурасига ёзма равишда хабар қилишни **с ў р а й м а н.**

**Қашқадарё вилояти прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси _____**

2005 йил " " _____

№ _____

Даъвогар: вилоят прокурори

Китоб тумани "Тозалик"
 фирмаси манфаатини кўзлаб
 Манзили: Китоб шаҳри
 Амир Темур кўчаси, 103-уй.
 Китоб тадбиркорбанк
 МФО 00177
 ИНН: 200694445
 Х/р 23442000300370553

Жавобгар: Китоб тумани "Ҳисор" очик
 акциядорлик жамияти Манзили:
 Китоб тумани, Китоб ширкат
 хўжалиги "Дўнг" қишлоғи
 Китоб АТ Пахтабанк МФО 00176
 ИНН: 200694342 Х/р
 2020080009003961511003

Даъво миқдори: асосий қарз: 20.182.587 сўм
 Пеняси: 10.091.294 сўм
 Жами: 30.273.881 сўм

А Р И З А

(Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал
 кодексининг 2—б-моддалари тартибда)

Китоб туманидаги "Тозалик" фирмаси билан Китоб тумани
 "Ҳисор" очик турдаги акциядорлик жамияти ўртасида 2001 йил 25
 январдаги 4-сонли шартнома тузилган бўлиб, унга кўра жамият
 "Тозалик" фирмасининг қурилиш-монтаж ишларини бажариб бериши
 лозим бўлган.

Жамият қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун "Тозалик"
 фирмасидан 2001 йил 1 январь ҳолатидаги 672.122 сўм қарздан
 ташқари 19.510.465 сўмлик ортикча маблағ ва қурилиш материаллари

олган ва жами қарздорлик 20.182.587 сўмни ташкил этган. "Ҳисор" ОАЖ "Тозалик" фирмасининг 17.06.2002 йилдаги 63-сонли, 09.04.2003 йилдаги 37-сонли қарзни тўлаб бериш ва ҳисоб-китоб қилиш тўғрисидаги ёзма ва оғзаки талабномаларини оқибатсиз қолдирган.

Натижада "Тозалик" фирмасининг иктисодий аҳволи оғирлашиб, молиявий танглик вужудга келган. Шунинг учун ҳам "Ҳисор" ОАЖ дан "Тозалик" фирмасига 20.182.587 сўм миқдоридан қарз, ортикча олган маблағ ва қурилиш материаллари учун ҳақни, яъни асосий қарзни хўжалик судлов йўли билан ундириш лозим бўлади.

Шунингдек, томонлар ўртасида тузилган ўзаро шартноманинг шартларига кўра, даъвогар томонидан ортикча олинган маблағ ва қурилиш материаллари етказиб берилган бўлсада, жавобгар ҳеч бир сабабсиз ўзаро ҳисоб-китоб қилмасдан келган. Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунининг 32-моддаси 2-қисмига биноан асосий қарзнинг 50 фоизи миқдоридан, яъни 10.091.294 сўм жарима (пеня) ҳам асосий қарз билан биргаликда жавобгардан даъвогар фойдасига ундирилиши керак бўлади.

Баён этилганларга кўра ва Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни 41-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 2—6-моддаларини қўллаб,

сўрайман:

1. Даъвогар "Тозалик" фирмаси фойдасига жавобгар "Ҳисор" ОАЖдан 20.182.587 сўм асосий қарз, тўлов кечиктирилгани учун 10.091.294 сўм жарима (пеня)ни, жами 30.182.587 сўмни ундиришни.

2. Тўланадиган давлат божини жавобгар зиммасига юклатишни.

3. Даъво аризани кўриш кунини вилоят прокуратурасига маълум қилишни.

4. Ишни кўриш кунини "Тозалик" фирмаси ҳамда "Ҳисор" ОАЖ вакилларини судга таклиф этишни.

И л о в а: даъво аризаси бўйича тўпланган ҳужжатлар " " варақдан иборат.

**Қашқадарё вилояти прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси _____**

Тошкент шаҳар хўжалик судига

Даъвогар: Тошкент шаҳар прокурори
(Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ДСИ манфаатларини кўзлаб)

Почта манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 6-уй

Жавобгар: “Мадад” хусусий фирмаси

Почта манзили: Тошкент шаҳар Чилонзор кўчаси, 2-уй

Даъво суммаси: 3.245.000 сўм

ДАЪВО АРИЗАСИ

(3.245.000 сўмлик мажбурий тўловлар бўйича қарзни ундириш ҳақида)

Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 2-уйда жойлашган “Мадад” хусусий фирмасининг 2004 йилнинг якунига кўра бюджет олдидаги солиқлар ва бюджетдан ташқари мажбурий тўловлар бўйича жами 3.245.000 сўмлик боқиманда қарзлари мавжуд бўлган. Ушбу сумма жавобгар “Мадад” хусусий фирмаси томонидан Чилонзор тумани Давлат солиқ инспекциясига 2004 йил якуни бўйича молиявий хўжалик фаолияти натижалари ҳақида топширилган бухгалтерия ҳисоботида аниқланган.

Бироқ, Чилонзор тумани ДСИ томонидан ушбу қарзларни ундириш юзасидан инкасса топшириқномаси чиқарилиб, сўнг эса хўжалик судига мазкур қарзни ундириш тўғрисида суд буйруғини бериш вақида ариза билан мурожаат қилинганда, жавобгар “Мадад” хусусий фирмаси томонидан қарздорлик суммаси юзасидан эътироз билдирилган ва натижада Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2005 йил 21 апрелдаги ажрими билан боқиманда қарзларни ундиришга қаратилган суд буйруғини бериш рад этилган. Ваҳоланки, қарздорлик

суммаси бухгалтерия ҳисоботини топширишда жавобгар билан тузилган таққослаш далолатномасида белгиланган эди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 4-моддасига кўра барча шахслар солиқлар ва йиғимларни тўлаши шарт.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни 41-моддаси, Хўжалик-процессуал кодексининг 112—114-моддаларини қўллаб,

сўрайман:

"Мадад" хусусий фирмасидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича 3.245.000 сўмлик қарзни ундиришингизни.

- Илова: 1) даъво суммасининг ҳисоб-китоби — 1 варақда
2) жавобгар "Мадад" хусусий фирмасининг 2004 йил 12 ойлик молиявий-хўжалик фаолияти ҳақидаги бухгалтерия ҳисоботи - 10 варақда
3) 2004 йил якуни бўйича тузилган мажбурий тўловлар бўйича тузилган таққослаш далолатномаси — 1 варақда
4) Жавобгарга даъво аризасининг ва унга илова қилинган хужжатларнинг нусхалари юборилганлиги ҳақидаги қвитанция

Жами — 12 варақда ва қвитанция.

Тошкент шаҳар прокурори,

адлия катта маслаҳатчиси _____

2005 йил «__» май.

**Тошкент таъмирлаш заводи
Давлат акциядорлик
жамияти бошқаруви раиси
(фамилияси ва исми) га**

2005 йил " " октябрь

№ _____

**Қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида
ОГОҲЛАНТИРУВ**

Тўлов интизоми ва ўзаро ҳисоб-китобларни мустаҳкамлашга қаратилган қонунчилик ижросини ўрганиш бўйича ўтказилган текширишда Сиз томонингиздан сўнги икки ой мобайнида дебитор қарзларни ундириш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг 29.08.98 йилдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунида белгиланган чоралар кўрилмаганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги "Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-1154-сонли (19.07.99 й. ПФ-1-сонли Фармон таҳририда) Фармонида кўра, товарлар амалда жўнатилган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган кундан бошлаб тўксон кун ўтгандан кейин, етказиб берилган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун маблағлар келиб тушганлиги муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзи деб ҳисобланади.

Амалдаги қонун ва тuzилган шартнома шартларига асосан қарздор корхоналардан юборилган товарлар учун тўловларни ундириш чораларини кўрмаслик ҳолатлари, ўз навбатида, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари муддатлари ўтказиб юборилиши, шунингдек корхонанинг тўлов қобилияти пасайиши, ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи билан боғлиқ тўловларни амалга оширишда қийинчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунининг 42-моддасига асосан:

Огоҳлантираман:

Тўлов интизомини бузиш, шу жумладан қарздор қорхоналардан тўловларни ундириш чораларини кўрмаганлик учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175-моддаси 3-қисмида маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Бундан ташқари, ўз вазифасига лоқайдлик билан ёки виждонсизларча муносабатда бўлиш оқибатда фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўрикланадиган манфаатларига ёхуд давлат ё жамият манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 207 – моддасида жиноий жавобгарлик белгиланган.

Таъкидланган қонунчилик талаблари бузилишига йўл қўйган тақдирингизда Сизга маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш кўринишидаги чоралар қўлланилиши мумкин.

_____ туман прокурори (имзо) (Фамилияси ва исми)

Огоҳлантирув менга эълон қилинди, ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик ва ушбу ҳужжат устидан шикоят келтириш тартиби тушунтирилди.

Тошкент таъмирлаш заводи
Давлат акциядорлик жамияти
бошқаруви раиси

(имзо)

(Ф.И.Ш)

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. За безопасность и мир надо бороться. Т. Узбекистан, Т- 10, 2002.
3. Каримов И.А. Адолат — қонун устуворлигида // Халқ сўзи. 2001 йил. 30 август.
4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир // Халқ сўзи, 2005, 29 январь.
5. Қодиров Р.Х. Адолат ва қонунийлик йўлида. "Қонун ҳимоясида", 2003 йил 7-сон.
6. Қодиров Р.Х. Ўзбекистон Конституциясининг мамлакат ижтимоий – сиёсий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти. "Қонун ҳимоясида" 2003, 12 (96) сон.
7. Мустафаев Б.М. 70 йил қонун ҳимоясида. Т. 1992.
8. Давлетов А.Д. Прокурорский надзор: Учебник. "Билим", Нукус, 1999г.
9. Дворецкий И.Х. Латинско – русский словарь. М., 1998.
10. Ибрагимов З.С. Прокуратура суверенного Узбекистана. Т., 2000.
11. Басков В.И. Курс прокурорского надзора. Учебник для вузов.- М., 1999
12. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш ва прокурор - тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази. Қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назорати. (илмий-амалий қўлланма) Тошкент – "Ўқитувчи", 2000.
13. Рохлинг.В.И ,Сидорук.И.И. Правоохранительная функция прокуратуры. С.Петербург, 2000.
14. Гашина К.А. Французско - русский словарь. М., 1980.
15. Галузо В.Н. Система правоохранительных органов России. Учебник для вузов. М. 2000.
16. Шораҳметов Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик - процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Т. "Адабиёт", 2001.

17. Неъматов.Х. Хукукий химоянинг мустаҳкам пойдевори. “Qonun himoyasida”. 2003 йил, 1 (85) сон.

18. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Прокуратура тўғрисида” (янги таҳрири), 2001 йил 29 август.

19. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси, 197- модда.

20. Ўзбекистон Республикаси Жиноят – процессуал Кодексига шарҳлар. Т., Адолат, 2000.

21. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси (1998 йил 30 апрель). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил 5 – 6 - сон.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2004 йил 11 мартдаги УП -3406 сонли “Қишлоқ хўжалигини ислох қилишга йўналтирилган қонунларнинг таъминланишига қаратилган кўшимча чоралар ҳақида”ги Фармони.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрел кундаги ПП 331-сонли “Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори

24. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1992 йил 9 декабрда тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси прокуратура ходимларининг даражали унвонлари тўғрисидаги Низом.

25. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси. Прокурор назорати ҳужжатларини тайёрлаш ва қонун бузилишини бартараф этишда унинг самарадорлигини ошириш бўйича услубий тавсиялар. Т. Ўзбекистон, 2003.

26. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини химоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишга доир услубий қўлланма. Т., 2005.

27. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини химоя қилиш юзасидан прокурорлик фаолиятини самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 2004 йил 22 июндаги 25 - сонли буйруғи.

28. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат

манфаатларини химоя қилиш бошқармаси тўғрисида”ги 2004 йил 12 апрелдаги 3 – сонли буйруғи билан тасдиқланган Низом.

29. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 2004 йил 15 мартдаги 2 – сонли буйруғи.

30. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунийликни таъминлаш ва хўжалиқ юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш бўлими тўғрисида”ги 2004 йил 12 мартдаги 2 – сонли буйруғи билан тасдиқланган Низом.

31. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Прокуратура органларининг қонунчилик тарғиботи ва қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш борасидаги вазифалари тўғрисида”ги 2004 йил 24 июндаги 29 – сонли буйруғи.

32. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хўжалиқ юритувчи субъектлар ҳуқуқларини таъминлаш бўлимининг тавсиялари, Тошкент, 2004.

33. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Прокуратура органларида ишларни ташкиллаштириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш ва таҳлилий фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 2004 йил 9 декабрдаги 33 – сонли буйруғи.

34. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг “Ташкилий – назорат ва таҳлилот бошқармаси тўғрисида”ги Низоми, 2004 йил 9 декабрь.

35. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги УП – 3406 сонли Фармонида, “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тизими” ҳақидаги 1 – сонли илова.

36. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг “Жиноятчиликка қарши курашишни ташкилий – услубий таъминлаш бўлими”ни тугутиш ҳамда “Прокуратура органларида терговни назорат қилиш бошқармаси тўғрисида”ги Низомини тасдиқлаш ҳақида”ги 2005 йил 10 октябрдаги 47 – сонли буйруғи.

37. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш тўғрисида”ги 2005 йил 17 февраль 42- сонли буйруғи.

38. “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари аттестация комиссиялари ва прокуратура органлари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом. Бош прокурорнинг 2005 йил 17 февралдаги 42 – сонли буйруғи билан тасдиқланган.

39. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005 йил 7 апрелдаги 45 - сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимининг Касб одобномаси”.

40. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Прокурорлар фаолияти комплекс текшириш тартиби ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 2006 йил 23 январдаги 51 – сонли буйруғи.

41. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2006 йил 25 январдаги 52 – сонли буйруғи билан тасдиқланган “Прокуратура органларида қонунларни мужассамлаш ишларини юритиш тартиби ҳақида Йўриқнома”.

42. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси муассислигида “Ҳуқуқ” (“Huquq”) газетаси таҳририяти ташкил этиш тўғрисида”ги 2006 йил 27 февралдаги 54 – сонли буйруғи.

43. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Хизмат фаолиятида намуна кўрсатган прокуратура ходимларини қўллаб – қувватлаш тартибини белгилаш ҳақида”ги 2006 йил 21 январдаги 50-сонли буйруғи.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I-БОБ ПРОКУРАТУРА НАЗОРАТИ ДАВЛАТ ФАОЛИЯТИНИНГ МУСТАҚИЛ ТАРМОҒИ СИФАТИДА.....	5
1.1. Прокурор назорати тартиби ва тизими.....	5
1.2. Прокуратура фаолиятини ташкил этишнинг тарихий босқичлари.....	7
1.3. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиш даврларида прокуратуранинг ривожланиш йўллари ва унинг органларининг аҳамияти.....	13
1.4. Прокурор назоратини конун билан бошқариш.....	29
1.5. Прокуратура органларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари.....	42
1.6. Прокуратура органларининг вазифалари ва йўналишлари.....	45
1.7. Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш тарбиялаш ва ходимларга қўйиладиган талаблар.....	56
1.8. Прокуратура органларида ишларни ташкиллаштириш ва ижро интизоми.....	67
Мавзулар юзасидан назорат саволлари.....	76
II- БОБ. КОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН НАЗОРАТ.....	79
2.1 Қонунлар ижроси устидан назоратнинг моҳияти ва вазифаси.....	79
2.2. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан назорат.....	88
2.3. Қонунлар ижроси устидан назорат доиралари ва предмети. Қонунлар ижросини текшириш.....	99
2.4. Қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш бўйича прокурор ваколатлари.....	103
2.5. Аниқланган конун бузилишига прокурор назорати ҳужжатлари.....	107
2.6. Қонунлар ижроси устидан назоратни ташкил қилиш.....	122
Мавзулар юзасидан назорат саволари.....	128
ХУЛОСА.....	131
Қонунлар ижроси устидан назоратга оид жадваллар.....	134
Прокурор назорати ҳужжатларининг турларига оид иловалар.....	153

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Бахтиёр Халилович Пулатов
юримдик фанлари доктори

**ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН
ПРОКУРОР НАЗОРАТИ**

Ўқув қўлланмаси

Қоғоз бичими 60x84 ¹/₁₆. Шартли босма табағи 12,0.
Адади 300. Буюртма 139.

«Toshkent tezkor bosmaxonasi» М.Сh.Ҳ. 2006 йил.
700200 Тошкент, Радиал тор кўчаси, 10-уй. Тел.: 148-00-55

